

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

АБДУМУРОД КЎЧИБОВ

МАТН ПРАГМАТИКАСИ

САМАРҚАНД- 2015

**А.Кўчибоев. Матн прагматикаси.(Ўқув-услубий қўлланма) Самарқанд,
2015, 123 бет.**

Масъул муҳаррир: ф.ф.д., профессор Ш.С.Сафаров

Такризчилар: ф.ф.д., профессор И.К.Мирзаев (СамДУ), ф.ф.н .

Ғ.Мирсанов (СамДЧТИ)

Ўқув-услубий қўлланма магистратура йўналиши намунавий ўқув дастурига асосан яратилиб, унда 20 соатлик маъруза ва 20 соатлик амалий машғулотларда матн орқали инсоннинг нутқ фаолиятини, бундай фаолиятнинг мақсади, мазмуни, уларнинг оғзаки ва ёзма матнда вербал в новербал ифодаланишининг усул ва воситалари, уларнинг нутқ актидаги ўрни, коммуникатив-прагматик таъсири, сўзловчи ва тингловчи нутқидаги турлича муносабатларнинг лисоний белгиларда ифодаланишини атрофлича ўрганишга йўналтирилган. Услубий қўлланма филология йўналиши биринчи босқич магистратура йўналиши талабалари ва матн таҳлилини ўрганувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Ўқув - услубий қўлланма СамДЧТИ илмий - услубий Кенгашининг 2015
йил сон қарори билан нашрга тавсия этилган.**

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	4
1.Прагматика тушунчасининг ҳозирги замон тадқиқотларидаги талқини.....	6
2. Прагматик атамалар ва тушунчалар талқини.	11
3.Нутқ акти назарияси. Матнда прагматик мақсад ва ҳаракатни ифодаланиш воситалари.....	20
4.Прагматик муносабатларнинг ифодаланиш турлари.....	28
5.Прагматик муносабатларнинг гендер белгилари.....	38
6. Лексик бирликлар орқали ифодаланадиган коннотатив-прагматик маъно ..	49
7. Фразеологизмлар семантикасидаги когнитив-прагматик ахборот ва уларни тушуниш усуллари ..	62
8.Прагматик мазмунни имплицит (новербал,бевосита) ифодалаш воситалари: импликация, пресуппозиция, пропозиция, референция, экспликатура, инференция, релевантлик ..	72
9.Прагматик мазмуннинг дейктик воситалар орқали ифодаланиши. Шахс, замон(макон), эмоционал, дискурс, ижтимоий дейкислар.....	94
10.Бадиий матн таржимасининг прагматик аспектлари.....	106
Адабиётлар.....	119

К И Р И Ш

Бадиий матннинг маданиятлараро мулоқот воситаси, нутқ акти сифатида прагматик хусусиятларини ўрганиш бугунги кунда нафақат тилшунослик фанининг, балки унга туташ бўлган таржимашунослик, адабиётшунослик, жамиятшунослик, маданиятшунослик, рухшунослик каби фанларнинг тадқиқот объектига айланиб бормоқда.

Бадиий матннинг прагматик потенциали тилнинг прагматик таъсир кучи сифатида гапирувчи шахснинг(муаллифнинг) лисоний воситалардан ўринли ва муайян мақсадга йўналтирилган ҳолда ифодали қўллашни тақозо қилади. Бу бадиий матннинг прагматик мазмунини ташкил қилади. Ҳар қандай тилдаги бадиий матн прагматикаси фонографик, лексик, синтактик, умумматний лисоний воситалар орқали ифодаланиш билан бир қаторда шу асар ёзилган тилга мансуб вербал ва новербал, эмоционал экспрессив ва баҳоловчи функцияларни бажарувчи миллий-маданий, ижтимоий-сиёсий, тарихий ахборотларни ўз ичига қамраб олади. Шу нуқтаи назардан аслият матнида ифодаланадиган бундай прагматик хусусиятларни қиёслаб ўрганилиши қатор фанлар учун бой тадқиқот материали бўлиши мумкин.Шу ўринда чет эл адабиётидан ўгирилган аксарият асарлар ўзбек тилига воситачи тил - рус тили орқали ўгирилганлиги, бу жараёнда аслиятнинг кўплаб прагматик хусусиятларига путур етказилиб келинаётганлиги ҳам масалани таржимашунослик нуқтаи назардан ўрганилишига асос бўла олади.

Бадиий матннинг прагматик хусусиятларини тадқиқ қилиш аслият тилидаги лисоний бирликларнинг коммуниктив моҳиятини аниқлаш, бу ўринда асар персонажининг характери, образини, коммуникатив интенциясини, прагматик мақсадни ифодалаш жараёнида юз берадиган мулоқот вазиятининг таъсири, шу орқали бадиий асарнинг прагматик мазмунини лисоний ва нолисоний воситалар орқали ифодаланиш усул ва воситаларини аниқлаш имкониятини беради.

Матн прагматикасига доир ушбу ишимизни яратишда Т.А.Ван Дейк ва Р.Барт (Ван Дейк 1989, Барт 1994) тадқиқотларида илгари сурилган нутқий фаолиятнинг прагматик асослари, А.А.Пелипенко ва И.Г.Яковенко тадқиқотларида илгари сурилган прагматиканинг маданий аспекти (Пелипенко 1998); С.Ф.Гончаренко томонидан асосланган ахборотнинг вербал-бадиий ифодаси ва унинг компонентлари (1995, 1999); И.Р.Гальперин томонидан ишлаб чиқилган матннинг концептуал таҳлили (1981); Т.М.Дридзе ва К.Фукснинг лингвистик перефразалаш назариясидан (1996, 1987); И.И.Халеевнинг тезаруснинг ассоциатив потенциали (1999); Г.Г. Почепцов (1975, 1998), Г.В. Колшанскийларнинг (2005) мулоқот назариясига доир тадқиқотларидан, Н.Д. Азнаурова (1988), Н.Д. Арутюнова (1977), М. Бахтин (1979), П. Степанов (1981), З.Я. Тураевларнинг (1986) матн назарияси; И.П. Сусов (1980, 1984), Е.В. Падучева (1982, 1985), Дж.Серль (1986), С.Раҳимов (1989), Ш.С.Сафаровларнинг (2008) матн прагматикаси, прагмалингвистикага доир тадқиқотларидан назарий асос сифатида фойдаландик.

Ишимизда эришилган натижалар мулоқот назариясининг прагматик аспектига бағишланган тадқиқотларни, лисоний воситаларнинг прагматик маъносини, унинг прагматик ва матн ҳосил қилувчи потенциални, матн прагматикасининг ўзига хос хусусиятларини ва уларни таржимада қайта тикланишига доир тадқиқотларни янада тўлдирилишига хизмат қилади.

Ўқув услубий қўлланма олий ўқув юртлирида бакалаврият йўналишида матн таҳлили, таржима назарияси ва амалиёти, магистратура йўналишида матн прагматикаси, матн тилшунослиги каби назарий ва амалий машғулотлар учун қўшимча назарий ва амалий материал вазифасини бажариш мумкин. Мавзулар бўйича ташкил қилинадиган амалий машғулотлар ва мустақил ишлар ҳар бир матн ортидан берилган адабиётлар, мустақил ўрганиш учун савол ва топшириқлар шунингдек француз ёзувчиси Проспер Мерименинг

«Матео Фалдкон» новелласидан олинган прагматик таҳлилга мўлжалланган матн парчалари ва уларнинг таржимаси орқали уюштирилади.

1. ПРАГМАТИКА ТУШУНЧАСИНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАДҚИҚОТЛАРИДАГИ ТАЛҚИНИ

Мустақиллик шарофати билан юртимизда хорижий тилларга бўлган эътибор кучаймоқда, чунки бугун дунёда глобаллашув ва интеграциялашув кучайган даврда хорижий тилларни ўрганиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир [Каримов1999].

Масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, прагматика тилшуносликнинг нисбатан янгидан шаклланган, инсоннинг нутқ фаолиятини ўрганишга, бундай фаолиятнинг мақсади, мазмуни, бундай мақсад ва мазмуннинг оғзаки ва ёзма матнда вербал ва невербал ифодаланиш воситаларини, уларнинг нутқ актидаги ўрнини, коммуникатив таъсирини, сўзловчи ва тингловчи нутқидаги турлича муносабатларни лисоний белгиларда ифодаланишини ўрганувчи фан тармоғидир. Лисоний белгиларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги назариялар аллақачонлардан бери мавжуд бўлса-да, лисоний ходисаларни ўрганишга прагматик ёндашув XX асрнинг 70- йилларидан бошлаб интенсив ривожлана бошлади ва бугунги кунгача илмий мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Прагматика фанининг шаклланишининг илк босқичлари XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Ч. Пирс, У. Джеймс, Д.Дьюи, Ч. Моррис каби олимларнинг фалсафий концепцияларига асосланади. Дастлаб прагматика тушунчаси лисоний вазият структурасини (сўзловчи ва тингловчи муносабатлари сифатида) динамик процессуал аспектда

ўрганишга бағишланган семиотик илмий тадқиқотларда қўлланила бошланди ва «прагматика» атамаси илмий тадқиқотлар назариясига америкалик олим Чарльз Моррис томонидан киритилди. У С.Пирсинг бу борадаги қарашларини янада ривожлантириб семиотикани лисоний белгиларни ўрганувчи фан сифатида уч бўлимга: лисоний белгиларнинг бир –бирларига муносабатини ўрганувчи *синтактика*, лисоний белгиларнинг объектларга муносабатини ўрганувчи *семантика* ва тил белгиларининг сўзловчи ва тингловчи муносабатларини ўрганувчи *прагматикага* бўлиб ўрганиш ғоясини илгари сурди.

Прагматиканинг лингвистик тадқиқотлардаги алоҳида соҳа сифатида шаклланиши бевосита XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган лингвистик қарашларга ҳам боғлиқ. Ю.С. Степанов таъкидлаганидек, «прагматика анъанавий стилистика ва қадимий риторика фанларининг тадқиқот объекти бўлиб келган лисоний муаммолар: мавжуд лисоний белгилар мажмуасидан ўз фикрини янада таъсирлироқ, образлироқ, коммуникатив вазиятга мос келадиган, аниқроқ, чиройлироқ лисоний воситалардан танлаб ифодалашни ўрганувчи коммуникатив муносабатларни ижтимоий контекстда тадқиқ қилувчи фандир» [Степанов, 1985:15].

Лингвистик прагматиканинг шаклланишига Л. Витгенштейннинг фалсафий концепцияси бир мунча самарали таъсир кўрсатди. Бу концепциянинг ўзига хослиги шундаки, олим тилни ўрганишда муҳим омиллардан бири сифатида субъектив факторларни алоҳида ажратиб изоҳлади. Шунингдек у бу жараёнда нафақат матннинг ички контекстини, балки инсон фаолиятининг таъсири орқали вужудга келадиган тилдан ташқаридаги вазиятларни ҳам ҳисобга олиш заруратини таъкидлади [Нойберт 1978:187].

Бугунги кунда прагматика атамаси лингвистик адабиётларда кенг маънода қўлланила бошланди. Айни пайтда кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича лингвистик прагматика тушунчасининг аниқ чегаралари

белгиланган эмас. Унинг умумий чегараларини лисоний белгиларнинг нутқ жараёнида функцияга киришуви, шунингдек нутқ фаолияти жараёнида билдирилган фикрларнинг ўзаро муносабатлари, гапирувчи ва тингловчи муносабатлари, нутқ актларидаги коммуникатив вазият сифатида белгилаш мумкин.

Бошқа йўналишда эса, прагматика коммуникатив вазифаларни ҳал қилиш мақсадида лисоний воситалардан танлаб фойдаланишни назарда тутувчи реал мулоқот вазияти сифатида талқин қилинади [Демяньков 1981; Дудина 1990; Почепцов 1980].

Бу борадаги учинчи йўналиш тарафдорлари эса лингвистик прагматикани тилнинг нутқ жараёнида инсонга муайян даражада таъсир қилувчи, аниқ мақсадга йўналтирилган имкониятларини ўрганадиган фан тармоғи сифатида талқин қилдилар. [Маров 1989; Нахимова 2007; Клаус, 1967; Киселева, 1978,1979].

Прагматиканинг умумий тамойиллари G.Leech (1983), S.Levinson (1984), Н.Д.Арутюнова (1985), Е.Е.Падучева (1985), И.П.Сусов (1999) ва бошқаларнинг тадқиқотларида атрофлича ёритилди. Бу ўринда прагматикага берилган таснифларнинг турли-туманлигини, аммо уларнинг барчаси Ч.Моррис томонидан аниқланган «лисоний белгининг асосий хусусиятларидан бири - гапирувчи ва тингловчи муносабатларини фойдалашдир» -деган умумий концепцияга асосланган.

Бинобарин, лингвистик прагматика «лисоний белги - ундан фойдаланувчи» занжирига боғлиқ бўлган барча лисоний ҳодисаларни ўрганади. Унинг тадқиқот объекти сифатида нутқ субъекти, тингловчи(реципиент), уларнинг мулоқот жараёнидаги ўзаро муносабатлари, бу муносабатларга нутқ вазиятининг таъсири каби комплекс масалаларни ўз ичига олади. Бу ўринда лингвистик прагматиканинг энг муҳим тушунчаси инсон фактори эканлиги барча тадқиқотларда тан олинади. [Степанов (1981); Арутюнова (1985); Булыгина (1981); Гальперин (2004)].

Бинобарин, прагматика инсоният томонидан лисоний белгилардан фойдаланишининг барча шарт шароитларини, вазиятларини ўрганишни кўзда тутуди. Шарт-шароитлардан, вазиятлардан фойдаланиш дейилганида, лисоний воситалардан уларга мос келадиган, адекват воситалардан фойдаланиш, бу орқали суҳбатдошга коммуникатив таъсир қилиш усул ва воситалари тушунилади. Бундай шарт-шароитларни ўрганиш прагматик таъсирнинг лисоний ва нолисоний, имплицит шаклларини ўрганиш нуктаи назардан нафақат матн прагматикасини ўрганувчилар учун, балки бундай прагматик хусусиятларни таржимада берилишини ўрганиш учун ҳам бой фактик материаллар бера олади. Бинобарин, лексик бирликларнинг матнда, нутқда функцияга киришувига доир масалалар матн прагматикаси фанининг ҳам шаклланишига олиб келди ва у тилни нутқ жараёнида қўллаш, бунда сўз танлаш, ундан ижтимоий муносабатларда фойдаланиш қодаларини, нутқ иштирокчиларига нутқий таъсир қилиш усулларини ўргатадиган ва тадқиқ қиладиган фан сифтида ривожлана бошлади.

Прагматиканинг предметини кенг қўламда тасаввур этилиши ушбу соҳанинг турли йўналишларда тараққий этишига олиб келди. Натижада, прагматиканинг умумий тилшунослик, когнитив тилшунослик, лексикология, стилистика фанлари билан алоқаси аниқланди. Айни пайтда матн прагматикасининг нутқий акт, дейксис, дискурс назарияларидаги ўрни алоҳида тадқиқ қилина бошланди. Натижада унинг прагмалингвистика, прагмасемантика, прагмастилистика, матн прагматикаси каби ўз «ички» тармоқлари юзага келди. Бу тармоқларнинг ўзаро бир-бирларидан фарқи ва умумий томонлари, биринчи навбатда, прагматиканинг умумий предметини алоҳида қисмларга ажратиш ва ҳар бир қисмнинг батафсил ёритишни, ўрганишни тақозо этади.

Матн прагматикасини ўрганишда тавсия этиладиган асосий адабиётлар:

1. Азнаурова Э.С. Прагматика художественного слова . Ташкент: Фан, 1988. - 121 с.

2. Арутюнова, Н.Д. Истоки, проблемы и категории прагматики. // Новое в зарубежной лингвистике. М.: Прогресс, 1985. - Вып. XVI: Лингвистическая прагматика. - С.3-42.
3. Баранов, А.Г. Текст в функционально-прагматической парадигме. Краснодар: Кубанский Госуниверситет, 1988. - 90 с.
4. Барченков А. А. Прагматическое содержание текста и его передача при переводе // Общие и частные проблемы теории перевода. Сб. научн. тр. – М., 1989.
5. Безменова Л.Э. Функционально-семантические и прагматические особенности речевых актов. Автореф. дис. канд. филол. наук. Самара, 2001. - 18 с.
6. Богданов В.В. Речевое общение: прагматические и семантические аспекты. Л.: Изд-во ЛГУ, 1990. - 88 с.
7. Булыгина, Т.В. О границах и содержании прагматики // Изв. АН СССР. Серия лит-ры и языка, 1981. Т.40. - № 4. - С. 1839.
8. Гальперин, И.Р. Текст как объект лингвистического исследования М.: Едиториал УРСС, 2004. - 144 с.
9. Дейк, Т.А. ван. Вопросы прагматики текста. // Новое в зарубежной лингвистике. М.: Прогресс, 1978. - Вып. VIII: Лингвистика текста. - С.259-336.
10. Дмитриева, М.М. Семантико-прагматические и стилеобразующие характеристики экспрессивных единиц языка Автореф. дис. канд. филол. наук. Нижний Новгород, 2000 - 16 с.
11. Дудина, Т.Б. Прагматическая характеристика текста и его лингводидактическая направленность // Проблемы лингвистического анализа текста. Коммуникативно-прагматический аспект. Иркутск: ИГПИИЯ, 1990.-С. 5-10.
12. Кифер Ф. О роли прагматики в лингвистическом описании // Новое в зарубежной лингвистике. М.: Прогресс, 1985. -Вып.16: Лингвистическая прагматика. - С. 333-348.
13. Левковская Н.А. Прагматическая установка текста и прагматическая установка адресанта. // Коммуникативные единицы языка: структурные, семантические, прагматические аспекты. М., 1990. -С. 125-130.
14. Наер, В.Л. Прагматика текста и ее составляющие. // Сб. науч. трудов. Вып. 245. -М., 1985.
15. Почепцов Г.Г. Прагматический аспект изучения предложения (к построению теории прагматического синтаксиса) // Иностранные языки в школе. М., 1975. - №6.
16. Почепцов Г. Г. Прагматика текста // Коммуникативно - прагматические и семантические функции речевых единств: изд-во Калинин. гос. ун-т. – Калинин, 1980. – с.5-10.
17. Рахимов С. Речевая коммуникация и проблема дейксиса в разносистемных языках. –Т.: Фан, 1989. -119 б..
18. Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. Самарканд, 2008.-285 б.

19. Сгалл, П. Значение, содержание и прагматика // Новое в зарубежной литературе М.: Прогресс, 1985. - Вып. 16: Лингвистическая прагматика. - С. 67-103.

20. Столнейкер, Р.С. Прагматика. // Новое в зарубежной лингвистике. М.: Прогресс, 1985. - Вып. 16: Лингвистическая прагматика. - С. 429-438.

21. Сусов, И.П. Коммуникативно-прагматическая лингвистика и ее единицы. // Сб. науч. тр.: Прагматика и семантика синтаксических единиц-Калинин: Изд-во КГУ, 1984. С. 3-12.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Прагматика фанининг предмети деганда нимани тушунаси?
2. Прагматика фанининг умумий тадқиқот объектлари нималар?
3. Прагматика фанининг ички тармоқларининг шаклланишини изоҳланг.

2. ПРАГМАТИК АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР ТАЛҚИНИ.

Кейинги йилларда сўз даражасида ифодаланган ахборот лисоний бирликнинг кенг контекстда функцияга киришуви нуктаи назардан ўрганила бошланди. Бу ўринда лисоний бирлик ифодаляйдиган *коммуникатив мақсад*, *муносабат*, *ҳаракат* ва уларнинг *эмотив*, *волюнтатив*, *апеллятив*, *муносабат ўрнатувчи* ва *эстетик функциялари* қўшимча (конотатив) маъно, *прагматик маъно* сифатида ҳам талқин қилина бошланди (Арнольд, 1990: 8).

Гапирувчи шахс ёки муаллифнинг тингловчи ёки китобхоннинг диққат-эътиборини тортиш, уларга коммуникатив таъсир қилиш, қизиқтириб қўйиш, фикрини жалб қилиш ёки аксинча, чалғитиш, ҳаяжонга солиш, тўлқинлантириш, ишонтириш ёки алдашга уринишида сўзнинг, сўз бирикмасининг экспрессив-эмоционал-баҳоловчи *коннотатив маъносини*, яъни *прагматик маъносини* тадқиқ қилиш эҳтиёжи вужудга келди. Шундай қилиб сўз ифодаляйдиган қўшимча маънони қўллаш коммуникатив- прагматик эҳтиёжлар туфайли рўй беради.

Лексик-семантик воситалар таҳлили ҳар доим ҳам конкрет фикрдаги реал маънони, яъни коннотацияни англаш имкониятини беравермайди. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, прагматик ифодаланган нутқ ёки матнни ўрганишда контекст, фон билимлар, мулоқот пресуппозицияси, суҳбатдошлар орасидаги масофа ва бошқа кўплаб экстралингвистик

факторлар коннотатив-прагматик маънонинг вужудга келишига катта таъсир кўрсатади. Бирданига илгаш мураккаб бўлган, яъни кўзда тутилган қўшимча маънони англаш нафақат сўзнинг семантик вариацияга киришуви орқали, балки контекст орқали ҳам рўй бериши мумкин. Бу ўринда сўз маъносининг грамматик компонентлари семантик маънога нисбатан иккиламчи ўринда келади (Апресян, 1995, 140-141).

Муаллиф ёки сўзловчи лексик маънони адресатга (тингловчи ёки китобхонга) таъсир қилиш учун қўшимча, кўпинча ностандарт (ноодатий) маънода қўллаб, кўзда тутилган мақсадга эришувни назарда тутаяди. Бу жараён сўзнинг семантик маънони имкониятларидан прагматик мақсадда фойдаланиш туфайли рўй беради. Бу жараён *адресатнинг* (тингловчи ёки китобхон) *характерли хусусиятларини, фон билимларининг* бир хиллигини ва *нутқ вазиятининг ўзига хос хусусиятлари* каби *экстралингвистик омилларни* ҳам ҳисобга олишни тақозо қилади. Табиийки бундай омиллар лексик бирликнинг муайян бир контекст даражасида таъсир қилувчи ташқи прагматик компонентлари ҳисобланади.

Айни пайтда прагматик компонентлар қўшимча (коннотатив) маъно англатувчи сўзнинг семантик структураси таркибига ҳам кириши мумкин. Бу ҳолат сўзнинг ассоциатив белгилари мавжуд бўлганида ёки аналогия қилинганда кўпроқ сезилади. Масалан, *Гаргантюа, Дон Жуан* сингари исмларнинг экспрессив баҳоловчи прагматик компонентлари (содадил, хотинбоз) француз адабиётининг машҳур персонажлари номи билан боғлиқ ва биз бу прецедент исмлардан аналог сифатида бошқа кишиларни номлаш учун фойдаланишимиз мумкин.

Прагматик маънони (коннотацияни) нутқ жараёнида қўлланилиши ва қўшимча, кўпинча имплицит (новербал) ифодаланган маъноларни аниқлаш принципларини белгилаш тилшуносликдаги коммуникатив-функционал парадигманинг янада ривожланишига олиб келди. Сўз ва лисоний бирликлар орқали ифодаланган прагматик (коннотатив) маънони кенг нутқ ва матн

микёсида тадқиқ қилиниши мураккаб ва серқирра бу тушунчани илгари пайтларга нисбатан янада кенгроқ маънода қўлланилишига сабаб бўлди. Кўпинча *прагматик маъно, имплицит ифодаланган маъно, қўшимча маъно* чегарасидан ташқарида ҳам вужудга келиши мумкин экан.

Анъанавий тадқиқотларда коннотация (прагматик, имплицит маъно) сўзнинг семантик структураси таркибига киритилмаган бўлса-да, муаллифнинг ижодий мақсадлари туфайли вужудга келадиган, бунда контекст ҳам иштирок этадиган, аммо бу контекст чегараланган матнга асосланиши тан олинади (Akhnanova, 1972; Galperin, 1981; Арнольд, 1990).

Бугунги кунда лексик birlikнинг семантик структурасидаги қўшимча маъно(прагматик, коннотатив маъно) коннотацияни вужудга келтирувчи контекстлар, тагмаъно ифодаловчи алоҳида сўзлар, сўз бирикмалари, фразеологик birlikлар, иборалар, мақоллар асосида тадқиқ қилинмоқда.

Шундай қилиб прагматик таҳлил асосида коннотатив маънонинг ички ва ташқи прагматик белгилари аниқланади. Коннотациянинг *ички белгилари* сўз мазмуни структурасидаги *прагматик компонентларнинг* мавжудлиги билан боғлиқ. *Ташқи прагматик белгилар* эса, конкрет коммуникатив актдаги *мулоқот вазияти, суҳбатдошлар ўртасидаги муносабатларнинг характери, уларнинг фон билимларининг бир-бирларига яқинлиги, мулоқот пресуппозицияси* каби экстралингвистик омиллар орқали аниқланади. Шунга кўра коннотациянинг турли типлари: бир томондан сўз орқали ифодаланиб унинг семантик структурасини кенгайтирувчи коннотация ва иккинчи томондан матн орқали ифодаланиб, тагмаъно ҳосил қилувчи коннотациялар фарқланади.

Матнни ва нутқни прагматик нуктаи назардан ўрганиш мулоқот жараёнидаги нутқ одоби қодаларини эгаллаш, мулоқот жараёнини маданий ташкил қилиш, суҳбат жараёнида розилик ва норозилик, мулоқот нормаларига риоя қилиш суҳбатдош шахсининг ўзига хос хусусиятларини ва фон билимларини ҳисобга олиш каби амалий мулоқот кўникмаларини

шаклланишига олиб келади. Бошқа томондан прагматика тил воситаларидан унимли фойдаланиш қоида ва параметрларини белгилайди.

Э.С.Азнаурова ўз тадқиқотида тилшуносликда илк мартаба коммуникатив прагматик вазиятнинг асосий параметрларига асосланиб сўзнинг лингвопрагматик таҳлили принципларини назарий жиҳатдан асослаб берди. Олима улар қаторига қуйидагиларни киритади:

- коммуникатив акт рўй берадиган вазият ва жой;
- мулоқот мавзуси ва мақсади;
- мулоқот иштирокчиларининг этик, индивидуал характеристикаси;
- мулоқот иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари (Азнаурова, 1988: 38).

В.И.Заботкина бу назарияни янада ривожлантириб тилнинг луғат таркибини прагматик нуқтаи назардан ўрганишда лексик ва фразеологик бирликларни жўяли ёки ўринли қўллашда мулоқот вазиятини ва гапирувчи шахснинг мулоқот мақсадини ҳисобга олиш назариясини ишлаб чиқди. Бу йўналиш тилнинг лексик тизимини ўрганишда янгича ёндашув: функционал лексикологиянинг шаклланишига олиб келди. (Заботкина, 1989, 6).

Ю.Д.Апресян таъбирича *лисоний прагматика* аталмиш янгича тушунча лисоний бирлик замиридаги (лексема, аффикс, граммема, синтактик конструкция орқали ифодаланадиган гапирувчи шахснинг атроф борлиққа, ахборот мазмунига, тингловчига(китобхонга) муносабати тушунилади (Апресян, 1995:136). Масалан, французча *initiateur* сўзининг *ташаббускор, новатор, тарбиячи* маънолари ноль прагматик характеристикага эга бўлса, бу сўз коннотатив маънода бирор ёмон (салбий) ишни бошловчиси маъносига эга бўлиб, сўз ифодаладиган прагматик маъно салбий характеристикага эга бўлади. Шундай қилиб сўз семантикасига қўшимча янги прагматик маъно, яъни янги маъно оттенкаси қўшилади. Шунга мувофиқ Ю.Д.Апресян луғатлар дефинициясига қўшимча белгилар, яъни *вежл(ивое), вульг(арное), груб(ое), ирон(ическое), ласк(ательное), неодобр(ительное), резр(ительное), пренебр(ежительное), шутл(ивое), эвф(емистическое)* сингари прагматик-

стилистик белгилар киритишни таклиф қилади. (Апресян, 1995:145). Бу орқали прагматик маъно ифодаловчи лисоний бирликларнинг эмоционал-экспрессив таъсирини ўрганиш борасида янги бир прагматик йўналишга асос солинди.

Ҳар қандай лисоний бирликнинг нутқ (матн) ичидаги прагматик(коннотатив) потенциалини(таъсир даражасини) тадқиқ қилиш, прагматик компонентларини аниқлаш оғзаки ёки ёзма нутқда ўз ифодасини топган, матнга мурожаат қилишни тақозо қилади. Тил ҳодисаларини матн таркибида, турли хажмдаги нутқ кесимлари орқали таҳлил қилиш китобхонни ижодий интуиция (ҳис қилиш, сезиш) орқали сўз, ибора ва жумла, контекстда ифодаланган қўшимча ахборотларни англашга ёрдам беради. Лисоний бирликларнинг жумлада, матнда, контекстда бундай функцияга киришуви нафақат уларнинг сўзлар қуршовидаги маъносини очиш воситаси бўлиб, балки янги ясама бирликларни яратишда ва уларни англашда инсон тафаккурининг ҳаракатга келтирувчи воситалари сифатида талқин қилинади.

Ҳар қандай конкрет фикрда нутқнинг прагматик (эгоцентрик- шахснинг ўзлигини характерловчи) компонентлари мавжуд дейиш мумкин. (Боброва 1991). Эгоцентрик сўзлар гапирувчи шахс томонидан тилни ўзлаштирганлик даражасини билдиради ва шу сабабли улар прагматик тадқиқотларнинг асосини ташкил қилади. Бунда сўзнинг «луғавий» маъноси ифодаланмишнинг мазмунини аниқлаш учун хизмат қилса, контекстуал маъноси материал ифодаланган белгининг интенционалигини, яъни бирор мақсадга йўналтирилганлигини, конкрет предметга алоқадорлигини билдириб келади. Бинобарин, фикрнинг семантик-синтактик қурилиши умумий ҳолда гапирувчи шахснинг когнитив билими ва коммуникатив мақсадларини ўз ичига олувчи прагматик тажрибасини акс эттиради. Моддий мазмун эса (тажриба орқали тўпланган эквивалент тушунчалар, унинг хусусиятлари ва улар орасидаги

алоқадорлик) аввалги ва кейинги контекст билан боғлиқ бўлган фикрнинг лексик-грамматик белгилари орқали тўлдирилади.

Ҳозирги пайтда матн нутқнинг ёзма воқеланишидаги асосий омили, муайян ижтимоий тажриба маҳсули сифатида тилшуносликнинг асосий тадқиқот объектига айланган бўлса-да, яқуний нутқ актининг шаклланиш жараёни етарли даражада ўрганилмаган. Масалан, лингвистик тадқиқотларда шахснинг билимлар захирасининг коммуникация жараёнига таъсири масаласи ҳалигача чуқур ва атрофлича тадқиқ қилинмаган (Макаров, 1996). Шу нуктаи назардан турли дискурсларда прагматик омилларнинг фикрнинг тематик ва рематик қисмлари жойлашувига таъсирини таҳлил қилиш, шунингдек нутқни ташкил қилишда лисоний воситаларни тежаш масаласи ҳам атрофлича тадқиқ қилинмаган муаммолардан биридир. Бу ўринда нутқдаги айрим ахборотлар мулоқот иштирокчиларининг ҳар бирига таниш бўлиши мумкинлиги боис, у имплицит ифодланиши ёки умуман тушириб қолдирилиши мумкин. Айнан мана шу ходиса нутқдаги «кўринмас», баъзан илғаб бўлмайдиган маъно - мазмунни вужудга келишига олиб келади. (Макарова, 1996). Фикримиз далили учун қуйидаги мисолни прагматик таҳлил қилайлик:

-Бугун «Венеция»га бориб тушлик қилиб келсак, нима дейсан?

-Тушлик қилиш учунгина чет элга боришга унчалик бадавлат эмасман.

«Венеция» атамаси биринчи суҳбатдош учун таниш. У шаҳар ресторанларнинг бирининг номи. Иккинчи суҳбатдош учун бу ном фақат чет элдаги шаҳар номини англатади ҳолос. Биринчи суҳбатдош ўз нутқида «ресторан» сўзини тежамаганида эди, суҳбатдош фикрини тўғри тушунган бўларди.

Бу ўринда биринчидан, нутқда тил воситаларидан тежаб фойдаланиш ходисасини кузатамиз, иккинчидан суҳбатдошларнинг фон билимларидаги ўзаро номувофиқликни, суҳбатдошлар тушлик қилиш учун жой

танлаётганлиги, иккинчи суҳбатдошнинг бу фикрга норози эканлиги ҳақидаги қўшимча прагматик ахборотни ҳис қиламиз.

Шундай қилиб, оғзаки ва ёзма нутқда турлича тил воситаларини танлаб қўллаш уларнинг матн ҳосил қилувчи ва стилистик функцияларига боғлиқ эканлигини, бу матн структурасига, унинг ривожланишига таъсир қилишлигини кўраемиз.

Прагматиканинг асосий аспектларини аниқлашда тил воситаларини танловчи гапирувчи(муаллиф) ва тингловчи(китобхон) тушунчалари уларнинг ижтимоий мавқелари(статуслари), коммуникатив актдаги шарт-шароитлар, суҳбатдошлар нутқининг бир- бирларига таъсири биринчи планга чиқади. Шу нуктаи назардан прагматик таҳлилда дискурс, гапирувчи шахснинг нутқдан кўзда тутган мақсади, унинг суҳбатдошига таъсири, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар сингари омиллар аниқланади.

Прагматик маъно (коннотация) шунингдек нутқ вазиятининг ўзига хос хусусиятлари, суҳбатдошларнинг ўзаро яқинлиги, ижтимоий мавқелари, эмоционал ҳолатлари, фон билимлари даражаси, мулоқот пресуппозицияси, бу жараёндаги имплекатура, референция, инференция сингари прагматик параметрлар орқали аниқланади.

Шундай қилиб матн прагматикаси нутқий акт жараёнини, унда суҳбатдошларнинг мулоқот мақсадларини ифодаланиш воситаларини, бу нутқий акт содир бўлаётган вақт ва маконни, мулоқотга суҳбатдошларнинг фон билимлари даражаларининг ва уларнинг ижтимоий мавқеларининг таъсирини, мулоқотга суҳбатдошларнинг психологик ва биологик хусусиятларининг таъсири, мулоқот жараёнидаги хулқ- атворлари ва муайян жамиятда умум қабул қилинган мулоқот одоби қоидаларига риоя қилиш даражаларини ўрганади. Мулоқот жараёнида коммуникантлар ўз суҳбатдошига у ёки бу даражада коммуникатив таъсир қилиш мақсадида у ёки бу лисоний кодлардан фойдаланганларида, нафақат лисоний воситалардан, балки керак бўлса экстралингвистик, энциклопедик

омиллардан, лисоний бирликлар орқали ифодаланган эмоционал таъсир воситалардан ҳам фойдаланадилар. Тилшуносликда коммуникантларнинг мулоқот жараёнида қўллайдиган лисоний воситалардан фойдаланиш даражаси уларнинг фон билимлари даражасига боғлиқ эканлиги таъкидланади ва улар лингвистик, экстралингвистик ва энциклопедик билимлар дея таърифланади.

Қўйидаги адабиётларни ўрганиб, мавзу бўйича билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. *Азнаурова Э.С.* Прагматика художественного слова. - Ташкент, 1988.
2. *Апресян И.Д.* Коннотации как часть прагматики слова. В кн.: Избранные труды. Том II. Интегральное описание языка и системная лексикография. М., Школа "Языки русской культуры", 1995.
3. *Арнольд КВ.* Семантика. Стилистика. Интертекстуальность. Сб. статей. Спб, 1999.
4. *Заботкина В.И.* Соотношение прагматического и семантического в структуре словозначения. - В кн.: Проблемы функциональной семантики. Сб. научн.трудов. Калининград, 1993. ,с.6.

Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича савол ва топшириқлар:

1. Лексик бирликларнинг коннотатив(қўшимча) маъноси қандай компонентлардан ташкил топади?
2. Лексик бирликларнинг бадий матнда прагматик(коннотатив) маънода қўлланилиш сабабларини изоҳланг.
3. Лингвопрагматик таҳлил принципларини изоҳлаб беринг.
4. Берилган матндан гапирувчи шахснинг (муаллифнинг) атроф борлиққа , ахборот мазмунига, тингловчига(китобхонга) прагматик муносабатини аниқланг.

PROSPERE MERIMEE. MATEO FALCONE П.МЕРИМЕ. МАТЕО ФАЛКОН

En sortant de Porto-Vecchio et se dirigeant au nord-ouest, vers l'intérieur de l'île, on voit le terrain s'élever assez rapidement, et après trois heures de marche par des sentiers tortueux, obstinés par de gros quartiers de rocs, et quelquefois coupés par des ravins, on se trouve sur le bord d'un maquis très étendu. Le maquis est la patrie des bergers corses et de quiconque s'est brouillé avec la justice. Il faut savoir que le laboureur corse, pour s'épargner la peine de fumer son champ, met le feu à une certaine étendue de bois : tant pis si la flamme se répand plus loin que besoin n'est ; arrive que pourra ; on est sûr d'avoir une bonne récolte en semant sur cette terre fertilisée par les cendres des arbres qu'elle portait.

Les épis enlevés, car on laisse la paille, qui donnerait de la peine à recueillir les racines qui sont, restées en terre sans se consumer poussent au printemps suivant, des cépées très épaisses

Отформатировано: Отступ:
Первая строка: 1 см, интервал
После: 0 пт, Междустр.интервал:

Отформатировано: По левому
краю, интервал После: 0 пт,
Междустр.интервал: одинарный

qui, en peu d'années, parviennent à une hauteur de sept ou huit pieds. C'est cette manière de taillis fourré que l'on nomme maquis. Différentes espèces d'arbres et d'arbrisseaux le composent, mêlés et confondus comme il plaît à Dieu. Ce n'est que la hache à la main que l'homme s'y ouvrirait un passage, et l'on voit des maquis si épais et si touffus, que les mouflons eux-mêmes ne peuvent y pénétrer.

Si vous avez tué un homme, allez dans le maquis de Porto-Vecchio, et vous y vivrez en sûreté, avec un bon fusil, de la poudre et des balles, n'oubliez pas un manteau bien garni d'un capuchon, qui sert de couverture et de matelas. Les bergers vous donnent du lait, du fromage et des châtaignes, et vous n'aurez rien à craindre de la ou des parents du mort, si ce n'est quand il vous faudra descendre à la ville pour y renouveler vos munitions.

Mateo Falcone, quand j'étais en Corse en 18..., avait sa maison à une demi-lieue de ce maquis. C'était un homme assez riche pour le pays ; vivant noblement, c'est-à-dire sans rien faire, du produit de ses troupeaux, que des bergers, espèces de nomades, menaient paître ça et là sur les montagnes. Lorsque je le vis, deux années après l'événement que je vais raconter il me parut âgé de cinquante ans tout au plus.

1. Порто - Веккьо шаҳарчасидан чиқиб ва шимоли-ғарбий тарафга, оролниг ичкари тарафига йўл олаётиб, замин тобора кўтарилиб бораётганлигини ҳис қиласиз. Улкан харсанг тошлар қалашиб ётган, айрим жойлари тик жарликларга бориб тақаладиган илон изи сўқмоқлардан уч соатлар юрсангиз, боши кети кўринмайдиган бир макига дуч келасиз.

Маки - корсикалик чўпонлар, шунингдек, барча қонунга чап бериб, қочиб юрганларнинг макони. Таъкидлаш жоизки, корсикалик деҳқон ориқлаб қолган даласини ўғитлаш заҳматидан қочиб, янги ер очади. Бунинг учун макининг маълум бир қисмига ўт қўяди. Олов макининг керагидан ортиқроқ қисмини ёндириб юброса ҳам майлига, нима бўлса-да, ёндирилган дарахтларнинг қули тушган янги ердан келаси йил яхши ҳосил олишлигига ишончи комил. Ҳосил ўриб олингач, поҳоли жойида қолаверади, чунки уни йигиб олиш кўшимча меҳнат. Янаги баҳорда дарахтларнинг ер остида омон қолган илдиэларидан шунчалик қалин янги буталар ўсиб чиқадики, орадан бир йил ўтар-ўтмас уларнинг бўйи етти саккиз футга етиб қолади. Мана шу тарзда пайдо бўлган қалин чакалакзорни маки дейишади. У Худонинг хоҳиши иродаси билан бир-бирлари билан аралаши- қуралаши, айқаш - чуйқаш бўлиб ўсиб кетган турли хил дарахтлар ва буталардан иборатдир. Одам боласи улар орасидан қўлида болта билангина ўзига йўл очиб ўтиши мумкин. Яна шунчалик қалин ва ўтиб бўлмас мақилар ҳам учрайдики, улар орасидан ҳатто олқорлар ҳам ўта олмайди.

Агар, тасодифон бирор кишини ўлдириб қўйган бўлсангиз, Порто - Веккьо атрофидаги макига қочиб яширининг ва сиз у ерда беҳато урадиган бир милтиқ, керагича ўқ-дори билан беҳавотир, бемалол яшайверасиз. Фақат капюшонли жигарранг пўстинингизни ўзингиз билан олишини унутманг, у сизга ҳам кўрпа, ҳам тўшак вазифасини бажариши мумкин. Чўпонлардан сиз сут, тишлоқ, каштан ёнгоқлари олиб туришингиз мумкин. Агар ўқ-дори заҳирангиз тугаб қолиб, топиб келиш учун шаҳарга тушиб келиш эҳтиёжи тугилиб қолмаса, на қонундан, на жабрдийданинг қариндош-уруғларидан зигирча қўрқмасдан, яшайверсангиз ҳам бўлади.

18... йилда Корсикада бўлганимда Матео Фальконнинг уйи мана шу макидан ярим милча берида эди.

Бу одам ўша атрофдаги анча бой кишилардан ҳисобланарди. У таралла - бедод ҳаёт кечирар, яъни сон-саноқсиз молларидан келадиган даромад ҳисобига ҳалол-фаровон яшарди. Унинг молларини кўчманчи чўпонлар тоғларда гоҳ у ерга, гоҳ бу ерларга ҳайдаб боқиб юришарди.

Мен уни учратганимда у менга эллик ёшлардан биров ошган кишидек туюлганди. Ҳозир сизга ҳикоя қилаётган бу воқеа эса, бундан икки йил аввал содир бўлганди.

3.НУТҚИЙ АКТИ НАЗАРИЯСИ. МАТНДА ПРАГМАТИК МАҚСАД ВА ҲАРАКАТНИ ИФОДАЛАНИШ ВОСИТАЛАРИ

XX асрнинг иккинчи ярмида ҳозирги замон лингвопрагматикасида инсоннинг нутқий фаолиятини ўрганишда бир неча йўналишлардаги фундаментал тадқиқотлар вужудга келди. Улардан энг асосийларидан бири Дж Остин номи билан боғлиқ бўлган, Л. Витгенштейннинг(1985) лисоний ўйинлар ғоясига асосланган *нутқий акт* назариясидир. Бу назариянинг моҳияти шундаки, лисоний фикр нафақат оламда рўй бераётган воқеа ходисаларни баён қилиш ва уларни ёлғон ёки ҳақиқат эканлигини талқин қилиш учун, балки бу воқеа-ходисаларга муносабат билдириш, бу орқали қандайдир нутқий мақсад ва ҳаракатларни амалга оширишга йўналтирилган жараёни ўрганишидир.

Нутқий акт назариясининг асосчиларидан бири Ж.Остиннинг фикрича, ҳар қандай фикр талаффуз қилинганида ёки матнда ифодаланганида ўз маъноси ифодасидан ташқари, маълум бир ҳаракатни ҳам ифодалайди, яъни бирор бир воқеа ҳақида дарак-хабар беради, бу хабар тасдиқланади ёки инкор қилинади, бирор нарса илтимос қилинади, таққиланади ёки буйруқ, маслаҳат, руҳсат берилади, ваъда ёки таклиф қилинади ҳамда такаллуф, миннатдорчилик изҳор қилинади ва ҳақозо.(Austin 1962). Буларнинг барчаси коммуникантларнинг, асар муаллифининг прагматик мақсади дея юритилади. Демак, нутқий акт коммуникантлар фикрининг аниқ бир мақсадда ва муҳитда оғзаки ёки ёзма шаклда воқеланишидир. Нутқий акт мазмунининг шаклланиши билдирилган фикр маъносининг сўзловчи(муаллиф) ва тингловчи(китобхон) томонидан мулоқот матнига нисбатан «бойитилиши», идрок этилиши натижасидир. Нутқий акт бу жараёнда матн ҳосил қилувчи,

Отформатировано: По ширине,
Отступ: Первая строка: 1 см,
интервал После: 0 пт,
Междустр.интервал: одинарный

дискурсни таркиб топтирувчи функцияларни ҳам бажаради (Сафаров 2008:73-74).

Бу жараёнда матн прагматикасининг коммуникатив аспектларига алоҳида тўхталмоқ жоиз. Маълумки, ахборот узатувчисининг(муаллифнинг) коммуникатив мақсади мулоқот жараёнининг асосий характеристикалариди бири ҳисобланади ва бундай мақсад гўё атайлаб ҳосил қилинган коммуникатив интенция сифатида матн структурасида ва мазмунида лисоний воқеланади. Бундай коммуникатив мақсаднинг яна бир хусусияти у матннинг мазмуний ва структур тузилишига боғлиқлигида, рецепторга кўрсатган коммуниктив таъсирида (унинг хулқида, жавоб муносабатларида) ўз аксини топади. Рецептор узатилаётган ахборотни қабул қилар экан матнга, ахборотга) нисбатан муайян хусусий муносабатларга киришади ва бу муносабат *рецепторнинг прагматик муносабати* дея юритилади. Бундай прагматик муносабатлар моҳиятига кўра турлича бўлиши мумкин. Яъни у фақат янги бир ахборот манбаси сифатида унга қизиқ туюлмайдиган, интелектуал характерда бўлиши мумкин. Ёки бу ахборот унга муайян қизиқиш уйғотадиган, унга ўз шахсий муносабатини билдиришга рағбат уйғотадиган даражада таъсир қилиши мумкин.

Нутқий акт лисоний ва экстралингвистик воситалар орқали воқеланади ва тадқиқотчиларнинг жуда кўпчилиги нутқий акт уч босқичли *локутив*, *иллокутив* ва *перлокутив* ҳаракатлардан ташкил топишини эътироф этишади. (Остин, 1986).

Локутив нутқий ҳаракат дейилганида, биринчи суҳбатдош томонидан коммуникатив мақсаддан келиб чиқиб иккинчисига бирор фикрнинг, ахборотни узатилиши, ахборотни қабул қилиниш жараёни тушунилади. Локуция – «эшиттирмақ, узатмоқ, тингламоқ, қабул қилмоқ» маъноларини англатади. Локутив ҳаракат оғзаки нутқда диалог шаклида, ёзма матнда муаллиф фикрининг китобхонга узатилиши, персонажлар диалоги сифатида вужудга келади. Бинобарин, локутив ҳаракат оғзаки нутқда реаллашади.

Масалан, «*Бизникидан ҳам бир пиёла чой ичиб кетинг!*» ибораси биринчи суҳбатдошнинг иккинчисини меҳмонга таклиф қилиш истагини ифодалаяпти. Айни пайтда гапда иллокутив ҳаракат ҳам мавжуд. У сўзловчининг тингловчига кўрсатаётган илтифотини, меҳмондорчиликка таклифини, унга кўрсатилаётган иззат-хурмати ва зиёфатга таклифи сингари иллокутив ҳаракатни, гапирувчининг коммуникатив мақсадини ифодаламоқда. Агар *локутив ҳаракат* миллий маданий характерга эга бўлса, бошқа миллат вакиллари бундай маънодаги таклифни эшитиб (Масалан: «*Je vous invite chez moi pour boir une tasse du thé*») энсаси қотиши мумкин. Чунки французлар бир пиёла чой ичиш учун уйларига меҳмонга таклиф қилмайдилар. Бундай мақсад нутқий тузилманинг *иллокутив натижасини*, яъни суҳбатдошга кўрсатган прагматик таъсирини белгилайди. Бинобарин, иллокутив ҳаракат мулоқот иштирокчиларининг ўзаро муносабатларининг ифодаланишидир.

О.Г.Почепцовнинг таърифича, *иллокутив ҳаракат*нинг ижрочилари сўзловчи ёки матн муаллифи бўлиб у нутқий фаолият жараёнида юзага келади (Почепцов 1986:24).3. Вендлер талқинича, иллокутив мақсад «ментал ҳаракат бўлиб, сўзловчи тингловчини ушбу ҳаракатни бажаришга ундайди». (Вендлер 1985:243) Нутқий ҳаракат коммуникатив мазмунининг тўлиқ вокеланиши учун мақсаддан ташқари, унга эришишни таъминловчи восита ва шарт-шароит бўлишлигини ҳам талаб қилинади. Ж.Серль ва Д.Вандервекенлар нутқий ҳаракатнинг *иллокутив кучини* етти қисмдан таркиб топган шарт-шароитлар сифатида таърифлайдилар. Улардан биринчиси коммуникатив мақсад бўлиб, бундай мақсадсиз нутқий ҳаракат вужудга келмайди. Кейинчилари иллокутив мақсадга эришиш усул ва воситалари, илокутив кучнинг вокеланиш жадаллиги, вокеланишни таъминлайдиган пропозицион, ҳаққонийлик каби ментал шарт-шароитлардир. (Searle, Vanderveken 1985).

Иллокутив куч қисмларининг тузилиши мантиқий тартибга эга ва бу тартиб иллокутив ҳаракатнинг мустақиллигини таъминлаб, унинг пропозиция актисиз бажарилишига ҳам имконият яратади. Масалан, «Regret!» «Helà!»- «Афсуски!», «O mon Dieu!» - «Вой худойим!», «Enfin!» - «Ниҳоят!», «Voilà donc!» - «Ана холос!», каби нутқий бирликлар пропозиция мазмунига эга эмас, аммо улар иллокутив жиҳатдан тўлиқ шаклга эга бўлиб, муайян контекстда коммуникатив мақсад ва мазмун ифодалайдилар

Нутқий ҳаракат структурасининг учинчи, якуний босқичи **перлокутив акт** бўлиб, у нутқий таъсирнинг натижаси сифатида таърифланади. Бинобарин, перлокутив акт сўзловчи томонидан тингловчига бирор жавоб ҳаракатга ундаш мақсадида амалга оширилади. Нутқий таъсир даражасини аввалдан айтиш қийин, сўзловчи фикрини эшитган (локуция), ўқиган тингловчининг бўлғуси ҳатти-ҳаракати, жавоби турлича бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан нутқий мулоқот актининг мақсади икки сатҳлидир, яъни биринчи сатҳда сўзловчининг мақсади ахборот етказиш ёки олишдир. Иккинчи сатҳда сўзловчи ва тингловчининг талабини, қизиқишини кондириш мақсади ҳам назарда тутилади. Бундай ҳаракат ва мақсад дарак, сўроқ, ундов мазмунли бўлиши мумкин. Масалан, «*Ne voulez vous pas céder la place au vieillard!?*» - «*Қарияга жой бўшатмайсизми?*» иборасида ҳам сўроқ, ҳам ундови ҳаракат мужассам. Бундай жумладаги яширин талабни эшитган (локуция) тингловчи «*S'il vous plait*»-«*Марҳамат!*»- деб унинг талабини бажаради, ё бирор баҳонани рукач қилиб, жой бўшатишдан бўйин товлайди. Бу эса мулоқот жараёнида прагматик вазифанинг коммуникатив мақсад доирасида бажарилишидир.

Бундай вазифани прагматик мазмунни аниқлаштирувчи, мулоқот мақсади мазмунини ва нутқий ҳаракат кучини аниқ белгилайдиган иллокутив феъллар бажаради. Бундай феъллар қаторига ***enjoindre, ordonner***- буюрмоқ, ***avertir, prévenir*** - огоҳлантирмоқ, ***conseiller, consulter***-маслаҳат бермоқ,

défendre, interdire - тақиқламоқ, *proposer* - таклиф қилмоқ, *menacer* - таҳдид қилмоқ, *exiger* - талаб қилмоқ, *condamner* - ҳукм қилмоқ, *être précaution* - эҳтиёт бўлмоқ, *s'offenser, se vexer* - хафа бўлмоқ ва ҳ. феълларни киритиш мумкин. Фикримизни асослаш учун қуйидаги мисолга мурожаат қилайлик:

Je t'emmenerai demain chez ton grand père. (Эртага сени бобонгникига олиб бораман).

Бундай гапнинг ижросида ваъда бериш нутқий ҳаракати бажарилапти. Аммо бу ҳаракат мазмунини аниқ ифодалаш учун иллокутив феълдан фойдаланиш мумкин: *Je promís t'emmener demain chez ton grand père.*(Эртага сени бобонгникига олиб боришга ваъда бераман).

Иллокутив феълларнинг маъно таркибида талаффуз этилаётган нутқий бирликнинг (гап ёки матннинг) прагматик-коммуникатив мазмунини ифодаловчи семалар асосий ўринни эгаллайди. Масалан,

Je ne suis pas contre fixer le samedi comme le jour de repos.(Шанба кунини дам олиш куни деб белгиланишига розилик билдираман).

Je suis contre fixer le samedi comme le jour de repos. (Шанба кунини дам олиш куни деб белгиланишига қаршилик билдираман.)

J'exige fixer le samedi comme le jour de repos (Шанба кунини дам олиш куни деб белгиланишини талаб қиламан).

Мисоллардаги тузилмалар бир хил пропозицияга эга, уларнинг фарқи фақатгина прагматик мазмунда, яъни турли нутқий ҳаракатлар ифодаланишида ва коммуникатив мақсадларнинг ҳар хил бўлишига турли иллокутив феъллар (рози бўлмоқ, қарши бўлмоқ, талаб қилмоқ) қўлланиши восита хизматини ўтамоқда. Ж.Сёрл прагматик мазмуннинг бундай намоён бўлишини «ифодаланиш тамойили» фаоллашувининг натижаси деб атайди.

Умуман олганда, нутқий акт ва унинг мазмунини ифодаловчи воситалар ўртасида функционал ва мазмуний номутаносиблик пайдо бўлишининг сабаблари турлича. Булардан бири, албатта, айрим иллокутив феълларнинг маъно структурасида сўзловчи билдираётган фикрнинг ҳақиқат эканлигига

ишонмаётганлигига ишора қилувчи сема, бўлак мавжудлигидир. Масалан, **menacer** - таҳдид қилмоқ, **provoquer** - игво қилмоқ, тўхмат қилмоқ, **gronder** - сўкмоқ, ҳақорот қилмоқ, **humilier** - камситмоқ каби феълларни биринчи шахсда қўллаш ва шу йўсинда нуткий ҳаракат мазмунини очиқ баён қилиш мумкин эмас. Чунки «**Je te menace, je te tue!** (Мен сенга таҳдид қиляпман, ўлдираман)» туридаги тузилма нуткий мулоқот маъносига хилоф, бундай бирликлар фақатгина учинчи шахс, яъни мулоқот жараёнини кузатувчи томонидан қўлланиши мумкин: «**Je te tue! – menace-t-il**» (Ўлдираман! – таҳдид қилди у).

Кўпгина иллокутив феъллар *перформатив формулаларни*, яъни нуткий бир қолипга солинган ибораларни ҳосил қилади. Масалан, **J'exige que tu viens à temps au travail** - «Ишга вақтида келишингни талаб қиламан», «**Je te promets venir à temps**»- «Вақтида келишга ваъда бераман» ва ҳ.

Перформатив формулаларнинг грамматик қурилиши ҳам ўзига хосдир. Бундай формулаларда феъл албатта ҳозирги замон биринчи шахс бирликда, иккинчи актант эса, дейктик олмошнинг иккинчи шахс бирлик ёки кўплигида ифодаланади. Ўзбек ва рус тилларида бундай «қолипланган» нутк актларида хар иккала актантнинг тушириб қолдириш ҳолатлари кузатилади. Масалан, «**Ёрдамингиз учун раҳмат**»- «*Благодарю за помощь*»; «**Тарқалмаслигингизни сўрайман**»- «*Прошу не расходиться*»; «**Майсалар устидан юрилмасин!**» – «*По газонам не ходить!*»; «**Қасам ичаманки, бу ҳақиқат**» - «*Клянусь, что это правда*»

Перформатив тизилмаларда фақат ахборот узатилиб қолмасдан, балки тингловчига жадал таъсир ўтказиш, уларни жавоб ҳаракатига ундаш мақсадлари аниқ намоён бўлади.

Нуткий актлар борасидаги тадқиқотлар кейинчалик Дж. Серль, Д. Вандервекен (Searle, Vanderveken, 1985), Дж. Версурен (Verschueren, 1980), Д. Вундерлих (Wunderlich, 1976), Дж. Лич (Leech, 1963), Т. ван Дейк (Dijk, 1981), К- Бах ва Р. Харниш (Bach, Harnish, 1980), Г. Г. Почепцов

(1981), Ю. Д. Апресян (1986), Н. Д. Арутюнова, Е. В. Падучева (1985), И. П. Сусов (1985) Ш.Сафаров(2008) тадқиқотларида янада ривожлантирилди ва уларда нутқ актларининг бир-бирларидан фарқ қилувчи турлича таснифлари келтирилди. Нутқ актларини ифодаловчи барча лисоний воситаларни аниқлаш вазифаси илк бора Т. Баллмер ва В. Бренненштуль тадқиқотида амалга оширилди (Ballmer, Brennenstuhl, 1980). Улар инглиз тилидаги нутқ актида энг кўп қулланиладиган 4800 феълни ҳар томонлама, кўп қиррали тасниф қилишиб, луғат сифатида нашр қилишди. Шундан сўнг А.Вежбицкаянинг инглиз тилидаги нутқ актида иштирок этадиган феълларнинг семантик луғати чоп қилинди ва унда барча феъллар 37та гуруҳга бўлиб тасниф қилинди (Wezbicka, 1987). Кейинчалик бу йўналишда Дж Серл ва Д. Вандервекенларнинг тадқиқотида нутқ акти назарияси янада такомиллаштирилди ва иллокутив мантиқлашнинг асослари яратилди (Searle, Vanderveken, 1980).

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб билимларингизни

чуқурлаштиринг:

1. *Вандервекен Д.* Небуквальные речевые акты. В кн.: Концептуализация и смысл. Новосибирск: Наука, 1990.-с.31-61.

2. *Вендлер З.* Иллокутивное самоубийства. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып.16. Лингвистическая прагматика. –М.: Прогресс, 1985.- С.238-250.

3. *Остин Дж.Л.* Слово как действие. В.кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. –М.: Прогресс, 1986. С.22-130.

4. *Почепцов Г.Г.* Коммуникативные аспекты семантики.-Киев: Вища школа. 1987. -131 с.

5. *Сафаров Ш.С.* Прагмалингвистика. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. -285 б.

6. *Серль Дж.* Классификация иллокутивных актов. В.кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVII. –М.: Прогресс, 1986. С.170-194.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Нутқий акт тушунчасининг моҳиятини изоҳланг.
2. Нутқий акт жараёнида воқеланадиган нутқий ҳаракатларни таърифланг.

3. Нутқий ҳаракатнинг иллокутив кучининг таркибий қисмлари нималардан иборат?

4. Иллокутив феъллар ва перформатив формулаларнинг моҳиятини изоҳланг.

5. Берилган матндан нутқий акт ҳодисасининг воқеланишига сабаб бўлувчи, локутив, иллокутив, перлокутив нутқий ҳаракатларни ифодаловчи лисоний бирликларни, перформатив формулаларни топинг ва изоҳланг.

2. Figurez-vous un homme petit, mais robuste, avec des cheveux crépus, noirs comme le jais, un nez aquilin, les lèvres minces, les yeux grands et vifs, et un teint couleur de revers de botte. Son habileté au tir du fusil passait pour extraordinaire, même dans son pays, où il y a tant de bons tireurs. Par exemple, Mateo n'aurait jamais tiré sur un mouflon avec des chevrotines ; mais, à cent vingt pas, il l'abattait d'une balle dans la tête ou dans l'épaule, à son choix. La nuit, il se servait de ses armes aussi facilement que le jour, et l'on m'a cité de lui ce trait d'adresse qui paraîtra peut-être incroyable à qui n'a pas voyagé en Corse. À quatre-vingts pas, on plaçait une chandelle allumée derrière un transparent de papier, large comme une assiette.

Il mettait en joue, puis on éteignait la chandelle, et, au bout d'une minute dans l'obscurité la plus complète, il tirait et perçait le transparent trois fois sur quatre.

Avec un mérite aussi transcendant Mateo Falcone s'était attiré une grande réputation. On le disait aussi bon ami que dangereux ennemi : d'ailleurs serviable et faisant l'aumône, il vivait en paix avec tout le monde dans le district de Porto-Vecchio. Mais on contait de lui qu'à Corte, où il avait pris femme, il s'était débarrassé fort vigoureusement d'un rival qui passait pour aussi redoutable en guerre qu'en amour : du moins on attribuait à Mateo certain coup de fusil qui surprit ce rival comme il était à se raser devant un petit miroir pendu à sa fenêtre. L'affaire assoupie Mateo se maria. Sa femme Giuseppa lui avait donné d'abord trois filles (dont il enrageait), et enfin un fils, qu'il nomma Fortunato : c'était l'espoir de sa famille, l'héritier du nom. Les filles étaient bien mariées : leur père pouvait compter au besoin sur les poignards et les escopettes de ses gendres. Le fils n'avait que dix ans, mais il annonçait déjà d'heureuses dispositions.

Un certain jour d'automne, Mateo sortit de bonne heure avec sa femme pour aller visiter un de ses troupeaux dans une clairière du maquis. Le petit Fortunato voulait l'accompagner, mais la clairière était trop loin ; d'ailleurs, il fallait bien que quelqu'un restât pour garder la maison ; le père refusa donc : on verra s'il n'eut pas lieu de s'en repentir.

Il était absent depuis quelques heures et le petit Fortunato était tranquillement étendu au soleil, regardant les montagnes bleues, et pensant que, le dimanche prochain, il irait dîner à la ville, chez son oncle le caporal, quand il fut soudainement interrompu dans ses méditations par l'explosion d'une arme à feu. Il se leva et se tourna du côté de la plaine d'où partait ce bruit.

D'autres coups de fusil se succédèrent, tirés à intervalles inégaux, et toujours de plus en plus rapprochés ; enfin, dans le sentier qui menait de la plaine à la maison de Mateo parut un homme, coiffé d'un bonnet pointu comme en portent les montagnards, barbu, couvert de haillons, et se traînant avec peine en s'appuyant sur son fusil. Il venait de recevoir un coup de feu dans la cuisse.

Cet homme était un bandit, qui, étant parti de nuit pour aller chercher de la poudre à la ville, était tombé en route dans une embuscade de voltigeurs corses.

Après une vigoureuse défense, il était parvenu à faire sa retraite, vivement poursuivi et tiraillant de rocher en rocher. Mais il avait peu d'avance sur les soldats et sa blessure le mettait hors d'état de gagner le maquis avant d'être rejoint.

Il s'approcha de Fortunato et lui dit :

-Tu es le fils de Mateo Falcone ?

Отформатировано: Отступ:
Первая строка: 1 см, интервал
После: 0 пт, Междустр.интервал:
одинарный

- Oui.
- Moi, je suis Gianetto Sanpiero. Je suis poursuivi par les collets jaunes. cache-moi, car je ne puis aller plus loin.
- Et que dira mon père si je te cache sans sa permission ?
- Il dira que tu as bien fait.
- Qui sait ?
- Cache-moi vite; ils viennent.

2. Кичкина, лекин бақувват, жингалак сочлари мумдек қоп-қора, қирғий бурун, лаблари юпқа, кўзлари катта-катта ва тийрак, юзи пойафзалнинг ишилов берилмаган тескари томонининг рангига ўхшайдиган кишини кўз олдингизга келтиринг. Унинг милтиқдан бехато ўқ ўзишдаги заройиб қобилияти уста мерганлар кўп бўлган бу ўлкада барчани қойил қолдирарди.

Масалан, Матео олқарга ҳеч қачон сочма ўқ отмасди; бироқ биргина ўқ билан бир юз-у йигирма қадам наридан туриб отиб, уни хоҳласа бошидан, хоҳласа кўкрагидан текказиб, ер тишлатарди. У қуроллардан кечаси ҳам худди кундўзгидек бехато ўқ ўзарди. Унинг бундай чапдастлиги ҳақида менга қўйидаги мисолни гаптириб беришганди. Эҳтимол, Корсикада бўлмаган киши бу гапларга ишонмас. Айтишларича, саксон қадам нарига ликопчадай келадиган мойили, ялтироқ қозғоз ортига шам ёқишиб, Матео мўлжалга олгач, уни ўчириб қўйишибди. Зим-зиё қоронғуликда у бир дақиқа ичида тўрт марта ўқ ўзбди ва улардан учтаси қозғозни тешиб ўтган экан. Бундай фавқулодда маҳорат Матео Фальконга жуда катта обрў-эътибор қозонишига сабаб бўлганди. Уни одамлар ҳам яхши дўст, ҳам хавфли душман деб билишарди. Қолаверса, у барчага хушмуомила бўлиб, баъзан хайр-эхсон ҳам қилиб турар, Порто - Векьо атрофидаги ҳамма билан иноқ, тинч-тотув яшарди. Шунга қарамасдан, у Корто шахрига уйланиши учун борганида жангда ҳам, ишқ-маҳаббатда ҳам ўта чапдаст деб ном чиқарган бир рақибидан боплаб, шафқатсизларча қутулиб олган, дейишади. Нима бўлса-да, дераза ёнида осилган кўзгучага қараб соқол олаётган рақибни ер тишлатган ўқни Матео ўзган, дея гўмон қилишади. Бу иш босди-босди бўлгач, Матео уйланди. Жўзепта аталмиш бу аёл унга аввал учта қиз туғиб берди (бу албатта Матеони роса даргазаб қилганди) ва ниҳоят ўғил кўрди. Ота ўғлига Фортунато деган исм қўйди. Бу номда оиланинг бутун орзу-умидлари, авлоднинг давомчиси, деган маъно бор эди. Қизлар улғайгач, яхши жойларга узатилди: жиддий вазиятлар рўй бериб қолса, ота куёвларининг ханжар ва милтиқлари билан ёрдамга етиб келишларига ишончи комил эди. Ўғил эса, эндигина ўн ёшга кирса ҳам, аллақачон бўладиган бола эканлиги кўриниб қолганди.

Кўз кунларидан бирида Матео хотини билан макидаги яйловлардан бирида боқилаётган подаларидан хабар олиб келиши учун саҳарлаб йўлга тушиди. Кичкина Фортунато уларга эргашимоқчи бўлди, бироқ яйлов анчагина йироқ эди, қолаверса уйга ҳам кимдир қоровуллик қилиши лозим эди. Шу сабаб ота уни уйда қолдириб кетишига мажбур бўлди. Матео бу қароридан кейинчалик қанчалик пушаймон бўлганлигини ҳикоямизнинг давомидан билиб оласиз.

Отаси жўнаб кетганидан кейин бир неча соат ўтди. Болакай офтобрўй жойда чўзилиб, мовий тоғларга тикилиб, келаси якианбада шахарга, капорал амакисиникига меҳмонга боришлигини ўйлаб ётарди. Тўсатдан гўмбурлаган ўқ овози янграб, унинг ширин хаёлларини тўзғитиб юборди. У сапчиб ўрнидан туриб, гўмбурлаш эшитилган сайхонликка қаради. Яна бирин-кетин ўқ овозлари янграб, улар тобора яқиндан эшитила бошлади; ниҳоят сайхонликдан Матеонинг уйига олиб келадиган сўқмоқда тоғликлар қиядиган учли қалпоқли, соқолдор, жулдур кийимли нотаниш бир киши кўринди. У милтигига таяниб, базўр оқсоқланиб келар, афтидан, ҳозиргина сонидан ярадор бўлганди. У милтиқдори олиб келиши учун кечаси шахарга бораётиб, ёлланма аскарлар пистирмасига дуч келиб қолган, макида яшириниб юрган қочоқлардан бири эди. У жон-

жаҳди билан отишиб, қоя тошлар ортидан паналаб, қувиб келаётган аскарлардан бироз қочиб қутулгандек эди. Бироқ, жароҳати унга макига етиб олиб яширинишига ҳалал бераётганлиги аниқ эди.

У Фортунатога яқинлашиб сўради:

-Сен Матео Фальконнинг ўғлисан, шундайми?

-Ҳа.

-Мен Жанетто Санпьероман. Мени сариқ ёқалилар қувиб келишмаяпти. Мени яшир, қочишига ҳолим қолмади.

4. ПРАГМАТИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШ ТУРЛАРИ

Гапирувчи шахснинг(муаллифнинг) объектга йўналтирилган прагматик муносабатлари нутқда ва матнда: 1)сўзловчи нутқининг аниқ ва яширин мақсадларини; 2)сўзловчининг нутқий тактикасини ва нутқий феъл атвори турларини; 3) суҳбатлашув жараёнидаги ўзаро ҳамкорлик қилиш қоидаларига риоя қилиш даражасини; 4) сўзловчи билдирган фикрнинг прагматик маъносини (бевосита ифодаланган имплицит фикрдаги шама, кесатик, қочиримларни); 5) гапирувчи шахснинг референциясини; 6) прагматик пресуппозициясини; 7) гапирувчи шахснинг ўзи узатаётган ахборотга муносабатини ифодалаб келади.

Гапирувчи (муаллиф) нутқига боғлиқ ҳолда тингловчининг: 1) нутқдан бевосита ёки яширин ифодаланган фикрни англаш қоидалари; 2) узатилган фикрнинг тингловчига таъсир даражаси: эмоционал ҳолатининг ўзгариши, ахборотни баҳолаши, унга ижобий, салбий муносабати, уларнинг жавоб нутқий актида ифодаланиши; 3) жавоб нутқий актида ифодаланувчи рағбатнинг бевосита ёки билвосита ифодаланиши, масалан, аниқ жавоб беришдан қочиш усуллари аниқланади (ЛЭС,1990: 389).

В.Н. Комиссаровнинг таъкидлашича, нутқий мулоқотда прагматик муносабатларнинг учта тури иштирок этади. Булар **биринчидан**, ахборотнинг манбаи (ахборот узатувчи, гапирувчи ёки ёзувчи) орқали ифодалаётган прагматик муносабатлар бўлиб, бундай прагматик муносабат ахборот узатувчининг нияти ва мақсадини, узатилаётган ахборотга шахсий муносабати ва рецепторга нисбатан режалаштирилган таъсирни ўз ичига

олади. Прагматик муносабатларнинг **иккинчи тури** лисоний бирлик ифодалаётган прагматик маънони қамраб олган матнда (фикр, жумла) ўз ифодасини топади. **Учинчи тур прагматик муносабат** ахборотни қабул қилувчи шахснинг (рецептор, тингловчи, китобхон) матн орқали англаган ахборотга прагматик муносабатидир. Унинг бундай муносабатида ахборотни идрок қилиш жараёни, бу ахборотга ёки унинг узатувчисига муносабати ўз аксини топади. [Комиссаров 2004:226].

Оғзаки ёки ёзма нутқда вокеланадиган ўзаро фикр алмашув ҳар доим қандайдир мақсадда уюштирилади ва бу жараёнда қандайдир янгилик баён қилинади ёки қабул қилинади, қандайдир тадбир ўтказишни, ўзаро фикр алмашишни ёки оддийгина вақтни ёқимли ўтказишни, нарса ва ҳодисаларга, суҳбатдош фикрига, шахсига муносабат билдириш мақсад қилиб қўйилади.

Бундай мақсадни амалга оширилиши суҳбатдошлар томонидан ўз нутқларида лисоний воситалардан унумли ва таъсирли қўллаш, бу орқали суҳбатдошга ўз фикрини ўқтириш, тасдиқлатиш, қизиқтиришга доир муайян нутқий ва муомила қоидаларини шаклланишига олиб келди. Улардан энг муҳимлари қуйидагилардир:

- 1) мулоқот жараёнида ўзаро ҳамкорлик қоидасига риоя қилиш;
- 2) дискурсни ташкил қилиш қоидасига риоя қилиш;
- 3) ахборот алмашув қоидасига риоя қилиш;
- 4) мулоқотда коммуникантларнинг статус (мавқе) ролларини ҳисобга олиш қоидаси.

Мулоқотда коммуникантларнинг ижтимоий статусини ҳисобга олиш прагматиканинг хушмуомилалик категориясида ўз аксини топади ва у коммуникантлар орасидаги иеархик ва ноиеархик муносабатларни ифодалайди. Бундай муносабатлар турли ҳалқларда турлича лисоний воситалар орқали ифодаланиши мумкин. Масалан, инглизлар ўз бошлиқларини *сэр*, немислар *геер*, французлар *monsieur*, руслар *шеф*, ўзбеклар *хўжайин*, *раис бобо*, *катта*, *каттакон* каби лисоний воситалар

орқали ифодаляйлилар. Бундай муносабат Ғарбий Европа мамлакатларида шаклланган *лорд, граф, графиня, баронесса, виконт, виконтесса* сингари авлоддан - авлодга ўтувчи атамаларда ўз ифодасини топади. Шунингдек, бундай фарқлар хотин-қизларга хурмат билан муносабат билдирувчи бирликларда ҳам кузатилади. Масалан, шахснинг социал мавқеи инглизларда *леди*, французларда *мадам*, ўзбекларда *бегойим, отин* каби атамалар орқали ифодаланади. Бундай иерархия ёшга, жинсга, турмуш ва хизмат доирасидаги мавқега ҳам доир бўлиши мумкин.

Ноиерархик муносабатлар эса қон-қардошликни, ўзаро яқинликни, ифодаловчи сўзларда кузатилади. (Холодович, 1979). Масалан, *тоға, хола амма, амаки* сўзлари бир пайтнинг ўзида қариндошликни ва бегона кишига хушмуомилалик мурожаат шаклида қўлланилиши мумкин. *Азизим, қадрдоним, жонгинам, меҳрибоним* каби сўзлар эса, ўзаро яқинликни ифодаловчи ноиерархик муносабатларни билдиради. Бундай муносабатларда сўзловчининг киноя, пичинг, менсинмаслик муносабатлари ҳам ўз ифодасини топади.

Муносабатларнинг хушмуомилалик категориясида одоб-ахлоқ, ўзини тутиш, мулозаматлилиқ, камтарлик, ширин сўзлик сингари қоидаларга риоя қилинади.

Кўриб ўтилган юқоридаги қоида ва тамойилларнинг ҳаммаси бадий матнда ва оғзаки нутқда суҳбатдошлар турлича нутқ актларидан, пропозициялардан фойдаланишини кўрсатиб, мулоқт контекстини ҳосил қилади ва прагматик мазмун ва ҳаркатларни ифодаляйди.

Бундан ташқари, шундай тузилмалар мавжудки, уларнинг прагматик мазмуни доимий, қарийб барча шароитларда бир хил иллокутив кучга эга бўлади ва одатда, бундай тузилмалар таркибида иллокутив феъллар қўлланилади. Нутқий акт назариясида бундай тузилмалар «аниқ перформативлар» деб аталади. Перформативларнинг грамматик тузилиши ҳам ўзига хосдир. Бундай гапларда феъл одатда, биринчи шахс ҳозирги замон

шаклида ва ушбу феълнинг биринчи актанти дейктик олмошнинг биринчи шахс бирлиги, иккинчи актант эса, дейктик олмошнинг иккинчи шахс бирлик ёки кўплиги воситасида ифодаланади. Ушбу қолипда тузилган перформатив намунавий тузилма бўлиб, унинг тўлиқ кўринишда қўлланиши кам учрайдиган ҳолдир. Кўпинча биринчи актант тушириб қолдирилади:

Je vous remercie pour votre assistance! (Иштирокингиз учун раҳмат!)

Ўзбек ва рус тиллари грамматик тизими перформатив тузилмаларининг иккала актантини ҳам тушириб қолдириш имкониятини беради:

«Прошу не расходиться - Тарқалмасликларингизни сўрайман»,

Клянусь, что это правда,- Қасам ичаманки, бу ҳақиқат..

Бундан ташқари учинчи актант, яъни пропозиция ҳам тушиб қолиши мумкин: «Раҳмат», «Табриклайман», «Талаб қиламан», «Огоҳлантираман».

Нутқ актларига доир тадқиқотлардаги учинчи йўналишда коммуникантлар томонидан нутқий тизилмада қўлланилган фон билимлар ва уларнинг даражаси, прагматик мақсадни амалга оширишдаги таъсири ўрганилади.

Прагматикада нутқий актлардаги прагматик мақсад, ҳаракат ва муносабатларни таснифий гуруҳларгага ажратиб ҳам ўрганилади. Масалан, Ж.Остин нутқ актларидаги прагматик мақсад, ҳаракат ва муносабатни ифодаловчи лисоний бирликларни куйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганишни таклиф қилади:

1.Вердикативлар - ҳукм чиқаришга оид прагматик мақсад, ҳаракат ва муносабатларни ифодаловчи нутқий актлар: *Je compte que tu es coupable- Сени айбдор деб ҳисоблайман; Je tu met à l'amande -Жарима тўлайсан; Je te préviens!-Огоҳлантираман.*

2.Экзерситивлар- буйруқ бериш, мажбур қилиш, маслаҳат бериш, огоҳлантириш мақсадидаги нутқий актлар: «*Яхшиси телефон қилма*»; «*Сени лавозимингдан бўшатаман*»; «*Чиқиб кет!*»; «*Мунофқдан эҳтиёт бўл!*».

3.Комиссивлар-ваъда бериш, мажбурият олишга оид нутқий актлар: «*Эртага келишга ваъда бераман*»; «*Режани албатта бажараман*»; «*Бурчимни бажаришга қасамёд қиламан*»; «*Жаримани тўлаш кафолатини бераман*»; «*Фикрингизни қўллаб қувватлайман!*»

4. Бехабитивлар – жамоада ўзини тутиш, бирор кишига муносабат билдиришга доир нутқий актлар: «*Ёрдаминг учун раҳмат*»; «*Саломат бўлинг!*»; «*Хафа бўлманг!*»; «*Ой бориб, омон кел!*».

5.Экспозитивлар –ўз фикрини изоҳлашга, тасдиқлашга, тушунтиришга доир нутқий актлар: «*Касал эканлигингга гумоним бор*»; «*Касал бўлишим мумкин*»; «*Қарздорлигингни эслатмоқчиман*».

Бу тасниф аниқ тамойилларга асосланмаганлиги туфайли тадқиқотчилар томонидан кўп бора танқидга учради.

Бошқа бир прагматик олим - Ж. Серль нутқ актлардаги прагматик ҳаракатни беш гуруҳга ажратади ва улар юқоридаги таснифдан анча фарқ қилади:

1.Ассертивлар- ахборотнинг ростлигини ишонтиришни ифодаловчи, тасдиқловчи нутқий актлар: «*Мақолани ёзиб тугатдим*»; «*Поезд соат 10 да жўнайди*»; «*Жамишд-талаба*».

2.Директивлар - буйруқ, савол, илтимос, огоҳлантиришга доир муносабатларни, тингловчини жавоб фаолиятга ундовчи нутқий актлар.

3. Комиссивлар (Ж.Остин ажратган гуруҳга мос келади)

4.Декларативлар - эълон қилишга оид нутқий актлар: «*Ўйгилишини ётиқ деб эълон қиламан*»; «*Сизларни эр-хотин деб эълон қиламан*».

5. Декларативлар-табрик, таъзия билдиришга доир муносабатларни ифодаловчи нутқий актлар.

Ушбу тасниф ҳам профессор Ш.С.Сафаровнинг фикрича, айрим камчиликлардан холи эмас, аммо у нутқий ҳаракатларнинг асосий хусусиятларини умумлаштириш ва истиқболда тасниф меъёрларини янада

кенгайтириш, гуруҳларни конкретлаштириш ва тизимлаштириш имкониятини беради. (Сафаров, 2010: 84 б.)

Ш.С.Сафаров ўз тадқиқотида худди шундай кенгайтирилган ва чуқурлаштирилган тасниф К.Алланга тегишли эканлигини таъкидлайди. У нутқий актларни икки асосий синфини, яъни шахслараро ҳаракатлар ва декларатив ҳаракатларга бўлиб ўрганишни таклиф қилади. У биринчи гуруҳга **констатив** (тасдиқ, дарак бериш), **предикатив** (тахмин, башорат қилиш), **комиссив** (ваъда, таклиф қилмоқ), **акнолежмент** (табрик қилмоқ, такаллуф, эҳтиром кабилар), **директив** (илтимос, савол, буйруқ, таъқиб кабилар), **авторитативлар** (ижозат бермоқ, маслаҳат бермоқ) гуруҳларини киритади. Иккинчи гуруҳга, яъни **декларатив** ҳаракатларга **эффектив** (чўқинтириш, уйлантириш, лавозимга тайинлаш,)ва **вердиктив** (ҳукм чиқариш) нутқий ҳаракатларни киритади. (Сафаров 2010: 85 б.)

Тадқиқотчилардан бир гуруҳи ўз таснифларида феъл предикатларининг маъновий хусусиятларига асосланадилар Улар феълларни у ёки бу турдаги иллокутив мақсадни ифодалаш хусусиятларига нисбатан гуруҳларга ажратадилар ва бу гуруҳларни махсус изохлашга ҳаракат қиладилар Масалан ўзбек олими И.Қўчқортоевнинг рисоласида (1976:144-150) ўзбек тилидаги нутқ актларидаги *нутқий даъват, ҳукм феъллари, сукут феъллари, талаффуз феъллари, ифодалов* феъллари ҳақида гапириладикки, уларнинг нутқ актларидаги иштирокини бошқа тиллар қиёслаб ўрганиш, шубҳасиз кизиқарли натижаларга олиб келади.

«Прагматингвистика» китобининг муаллифи Ж.Лиия нутқий актлар гуруҳларини ажратишда социолингвистик кўрсаткичларга таяниб, уларни мулоқот жараёнида «хушмуомалаликни таъминловчи ва шу муҳитни ўрганиш мақсади билан боғлиқлигига кўра: 1) **компититив** (буйруқ, савол, талаб, илтимос муносабатларни ифодаловчи нутқ ҳаракатлари); 2) **конвивиал** –(таклиф, қутлов, табрик, ташаккур изҳори) нутқ актлари; 3) **коллаборатив тасдиқ** (хабар бериш, эълон қилиш, маълумот бериш каби)

нутқий актлар: 4) **конфликтив** – (тахдид, айблов, сўқиш, қарғиш) каби муносабатларни ифодаловчи нутқий актларига бўлади.

Бундан ташқари, нутқий ҳаракат бирликларини структуравий тузилишига кўра ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин. Структуравий хусусиятлардаги фарқларга кўра *содда ва қўшма (мураккаб) нутқий ҳаракатлар* ажратилади. Содда нутқий ҳаракат нутқий фаолиятнинг энг кичик бирлигидир. Қўшма нутқий акт эса, содда ҳаракатларнинг бирлашишидан ҳосил бўлади. Қисмлар орасидаги тенглик, эргашганлик муносабатлари бўлган қўшма нутқий ҳаракатлар мантикий ва коммуникатив яхлитликни ташкил қиладилар ва сўзловчи томонидан яхлит бирлик сифатида қўлланилади (Карабин, 1989)

Шундай қилиб, нутқий фаолиятнинг умумий фаолият назарияси нуктаи назардан талқин қилиниши ва шу тарзда нутқий актлар таснифий тамойилларининг ажратилиши матн прагматикасининг тизимий хусусиятга эга эканлигини ва уни яхлит тизим сифатида ўрганиш имкониятларини яратади.

Бинобарин, нутқий фаолиятнинг умумий фаолият назарияси нуктаи назардан *прагматик мақсад, ҳаракат, муносабат* нуктаи назардан талқин қилиниши ва нутқий актлар таснифий тамойилларига ажратилиши матн прагматикасининг тизимли хусусиятга эга эканлигини ва уни яхлит тизим сифатида ўрганиш имкониятларини яратади.

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. *Богданов В.В* Лингвистическая прагматика и ее прикладные аспекты. В. Бондарко, Л.А. Вербицкая и др. Прикладное языкознание. - СПб.: Изд-во С-Петербургу. ун-та, 1996. - с.268-275)

2. Лингвистический энциклопедический словарь. М.: Советская энциклопедия, 1990.-709 с.

3. *Остин Дж.* Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVII: Теория речевых актов. М, 1986.

4. *Падучева Е.В.* Высказывание и его соотнесенность с действительностью. М-, 1985.

5.Почепцов Г.Г. Прагматика предложения // Иванова И. П., Бурлакова В. В., Почепцов Г. Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. М., 1981.

6.Сафаров Ш.С.Прагмалингвистика. Т.2008, 285 б.

7.Серль Дж. Что такое речевой акт? В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17.М.: Прогресс, 1986. С.151-169.

8.Сусов И.П. Языковое общение и лингвистика // Прагматические и семантические аспекты синтаксиса. Калинин, 1985.

Мавзуни мустаҳкамлаш бўйича савол ва топшириқлар:

1.Прагматик муносабатлар ва уларнинг уч тури тушунчаларини изоҳланг.

2.Нуткий актлар таснифидаги асосий концепцияларни таърифланг.

3.Берилган матндан прагматик муносабатларни ифодаланиш турларини аниқланг:

3.- Attends que mon père soit revenu.

- Que j'attende? Malédiction ! Ils seront ici dans cinq minutes. Allons, cache-moi, ou je te tue.

Fortunato lui répondit avec le plus grand sang-froid :

-Ton fusil est déchargé, et il n'y a plus de cartouches dans ta carchera.

- J'ai mon stylet.

- Mais courras-tu aussi vite que moi ?

Il fit un saut, et se mit hors d'atteinte.

- Tu n'es pas le fils de Mateo Falcone! Me laisseras-tu donc arrêter devant ta maison ? ”

L'enfant parut touché.

-Que me donneras-tu si je te cache ? ” dit-il en se rapprochant.

Le bandit fouilla dans une poche de cuir qui pendait à sa ceinture, et il en tira une pièce de cinq francs qu'il avait réservée sans doute pour acheter de la poudre.

Fortunato sourit à la vue de la pièce d'argent ; il s'en saisit, et dit à Gianetto: - Ne crains rien.

Aussitôt il fit un grand trou dans un tas de foin placé auprès de la maison. Gianetto s'y blottit, et l'enfant le recouvrit de manière à lui laisser un peu d'air pour respirer, sans qu'il fût possible cependant de soupçonner que ce foin cachât un homme. Il s'avisa, de plus, d'une finesse de sauvage assez ingénieuse. Il alla prendre une chatte et ses petits, et les établit sur le tas de foin pour faire croire qu'il n'avait pas été remué depuis peu. Ensuite, remarquant des traces de sang sur le sentier près de la maison, il les couvrit de poussière avec soin, et, cela fait, il se recoucha au soleil avec la plus grande tranquillité.

Quelques minutes après, six hommes en uniforme brun à collet jaune, et commandés par un adjudant, étaient devant la porte de Mateo. Cet adjudant était quelque peu parent de Falcone. (On sait qu'en Corse on suit les degrés de parenté beaucoup plus loin qu'ailleurs.) Il se nommait Tiodoro Gamba: c'était un homme actif, fort redouté des bandits dont il avait déjà traqué plusieurs.

- Bonjour, petit cousin, dit-il à Fortunato en l'abordant ; comme te viola grandi ! As-tu vu passer un homme tout à l'heure ?

- Oh ! je ne suis pas encore si grand que vous, mon cousin, répondit l'enfant d'un air niais.

- Cela viendra. Mais n'as-tu pas vu passer un homme, dis-moi ?

-Si j'ai vu passer un homme ?

Отформатировано: Отступ:
Первая строка: 1 см, интервал
После: 0 пт, Междустр.интервал:

Отформатировано: Отступ:
Первая строка: 1 см, интервал
После: 0 пт, Междустр.интервал:

- Oui, un homme avec un bonnet pointu en velours noir et une veste brodée de rouge et de jaune ?

- Un homme avec un bonnet pointu, et une veste brodée de rouge et de jaune ?

- Oui, réponds vite, et ne répète pas mes questions.

- Ce matin, M. le curé est passé devant notre porte, sur son cheval Piero. Il m'a demandé comment papa se portait, et je lui ai répondu...

3.-Мени тезроқ яширсангчи?! Улар ҳозир келиб қолишади.

-Отам келгунича кутиб туринг.

-Кутиб туринг? Вой, лаънатиёй! Ахир, улар беш дақиқадан сўнг шу ерда бўлишади-ку! Қани бўлақол, мени тезроқ яшир. Бўлмаса, сени ўлдириб ташлайман.

Фортуна то ўта совуққонлик билан жавоб берди:

-Милтигингиз уқланмаган-ку! Ўқдонингизда ҳам ўқ кўринмайди!

-Ханжаримни ишга соламан.

-Шу аҳволингизда менга етиб олармикансиз?

Шундай деб у бир сақраб, ўзоқроққа бориб турди.

-Йўқ, сен Матео Фальконнинг ўғлига ўхшамайсан! Наҳотки, уйинг олдида мени тутиб олишса-ю, сен уялмасдан қараб тураверсанг?

Бу гап афтидан болага таъсир қилди, шеқилли:

-Сизни яширсам, эвазига менга нима берасиз? - деди унга яқинлашиб.

Қочоқ камарига осиб қўйган чарм ҳамёнини титқилаб, афтидан милтиқдори сотиб олиш учун асраб юрган беш франклик тангасини чиқарди.Фортуна то кумуш тангани кўриб жилмайиб қўйди.

-Энди, ҳеч нарсадан кўрқманг, -деди у Жанеттога, тангани қўлга киритгач.

Бола бир зумда уй ёнидаги пичан гарамини ўйиб, каттагина говак ясади. Жанетто гужанак бўлиб, унинг ичига кириб олди. Бола у бироз нафас олиб туриши учун имконият қолдириб, говак оғзини пичан билан ёпиб беркитди. Фарамга қараган одам унинг ичида кимдир яшириниб ётганини хаёлига ҳам келтирмасди. Бундан ташқари у ёввойиларга хос маккорлик ишлатиб, яна бир тадбир ўйлаб топди: яқинда болалаган мушукни болалари билан олиб келиб, гарам остига жойлаб қўйди. Бу билан гарамга яқин ўртада ҳеч ким қўл урмагандай бўлди. Кейин уй олдидаги сўқмоқда қон изларини кўриб, улар устига ҳафсала билан тунроқ сеипиб чиқди ва яна ҳеч нарса кўрмагандай, хотиржамлик билан офтобруй жойга чўзилди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, сержант бошчилигидаги олти сариқ ёқали, жигарранг ҳарбий кийимдаги ўқчилар Матеонинг уйи олдида етиб келишди. Сержант Фальконларнинг ўзоқ қариндошларидан бири бўлиб, унинг исми Теодор Гамба эди. (Маълумки Корсикада бошқа жойларга қараганда қариндош-уруғчиликка қаттиқ риоя қилишади). У анча жонсарак ҳарбийлардан бўлиб, анча-мунча қочоқларни қўлга туширган ва уларни зир титратарди.

-Яшишимсан, жиянча! - деди у Фортуна тога яқинлашиб. -Каттагина йигитча бўлиб қолибсан-ку! Бу ердан ҳозиргина бирор бегона киши ўтмадимми?

-Вой, тогажон, ҳали сиздек катта бўлганим йўқ-ку! - жавоб берди бола ўзини гўлликка солиб.

-Ҳали мендан ҳам катта бўлиб кетасан. Бироқ, айта қолсангчи, бу ердан бегона киши ўтганини кўрмадингми?

-Бу ердан бегона киши ўтмадимми, дейсизми?

-Ҳа, ўзунчоқ қора духоба қалпоқ кийган, кўрткаси қизил, сариқ иплар билан ҳошияланган одам.

-Чўзинчоқ қора духоба қалпоқ кийган, кўрткаси қизил, сариқ иплар билан ҳошияланган одам дейсизми?

-Ҳа, ҳадеб саволимни такрорлайвермасдан, тезроқ жавоб берсангчи!

-Эрталаб уйимиз олдидан Пьеро номли отини миниб ҳазрат руҳоний ўтганди. У отангнинг аҳволи қалай, деб сўради. Мен айтдимки...

Отформатировано: Отступ:
Первая строка: 1 см, интервал
После: 0 пт, Междустр.интервал:
одинарный

5.МАТНДА ВА НУТҚДА ПРАГМАТИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ГЕНДЕР БЕЛГИЛАРИДА ИФОДАЛАНИШИ

Прагматика бугунги кунда лисоний белгиларни яратувчи, узатувчи ҳамда қабул қилувчи шахслар ўртасидаги коммуникатив мақсад, нутқий ҳаракат ва муносабатларни ўрганувчи фан сифатида таърифланади.

Мулоқот мақсади оддийгина ахборот алмашиш билан чегараланиб қолмайди, ахборот узатишдан «ҳамкор»га (тингловчига, китобхонга)таъсир ўтказиш, уни бирор нарсага ишонтириш, бўйсундириш, ҳаракатга ундаш сўзловчилар томонидан ўз майлини, бировни ёки бирор нарсани ёктириш-ёктирмаслигиниини, норозилик, хайрат каби прагматик мақсадлар, нутқий ҳаракатлар, муносабатлар кузатилади. Бундай муносабатлар айниқса гендер белгили сўзларда ўзига хос ифодаланади.

Гендер белгили сўзлар одатда маълум бир концепт ичида лексик-семантик гуруҳларга бўлиб ўрганилади. Масалан, «одам» концептига кирувчи гендерли сўзларни қуйидаги лексик семантик гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1) жинсий фарқларни ифодаловчи гендер белгили сўзлар (*эркак, одам, инсон, аёл, хотин, рафиқа қиз, ўғил*);

2) инсоннинг ёш-қарилигини ифодаловчи семантик гуруҳ (*ёш қиз, ёш ўғил бола, гўдак, аёл, эркак, чол, кампир, бобой, қария, оқсоқол*);

3) қардошлиқни ифодаловчи гендерли семантик гуруҳ:

-референтнинг аёл кишилигини ифодаловчи бирликлар: *буви - она, сингил, хола, амма, келин, қаллиқ;- рафиқа, янга, қайин сингил; қайнона;*

-референтнинг эркак кишилигини ифодаловчи бирликлар: *бобо, ака, биродар, тоға, почча, оғайни, ошина;*

4) оилавий аҳволни ифодаловчи гендер сўзлар: *эр-хотин; бўй қиз - турмушга чиқмаган қиз, есир, тўл, бўйдоқ;*

5) шахслараро яқинликни, меҳрибонликни ифодаловчи гендер сўзлар одатда катталар томонидан кичикларга эркалатиш маъносида, ёки эркак кишининг аёлга прагматик муносабатини ифодалаш учун қўлланилади Бу ўринда одатда нарса ва тушунчаларнинг қиммат баҳолиги, гўзаллиги, ширинлиги, ёқимлилиги ассоциация қилинади:

азизим, меҳрибоним, мушуккинам, қимматлигим, олтиним, юлдузим, каптарим, қушчам, азизим, дилбарим, гўзалим, асалим, гавҳарим, қўзичоғим, оппоғим, эркатойим, олтиним, ой юзлигим, дилбарим, қуёшим, маликам ва ҳ.

6) референтнинг бирор бир ижтимоий гуруҳга мансублигини ифодаловчи гендер сўзлар *қирол-қиролича, - шаҳзода, малика, герцогиня, деҳқон, роҳиб-роҳиба, котиб-котиба, раҳбар, раҳбар аёл, тақсир, эшон бобо, раис бобо.*

7) Бирор миллат ёки этник гуруҳга мансублигини ифодаловчи гендер сўзлар: *негритянка, ирландиялик- ирландиялик аёл(ёки қиз), -лўли- лўли аёл*

8) касбни, машулот турини ифодаловчи гендер сўзлар: *тикувчи, чевар - жодугар;- балерина, император аёл;*

9) сексуал мойилликни ифодаловчи гендер сўзлар:

бузуқ аёл; манжалақи, хотинбоз, бокира;

10) қўринишни, хулқ- атворни характерловчи гендер белгили сўзлар: - - *блондин-блондинка, кўнгли юшоқ аёл, хазилкаш, очкўз, урушқоқ, жанжалкаш - ялмоғиз, қақажон, вайсақи, мижғов.*

11) келиб чиқишини, яшаш жойини ифодаловчи гендер белгили сўзлар : *аслзода, малика, задогон, эшон, хўжа,оқсуяк;*

Лексик семантик гуруҳ (ЛСГ) шундай қилиб “ бир хил қиёсланувчи маъно англатувчи лексик бирликлар мажмуасидир, улар тилнинг тарихий тараққиёт жараёнига боғлиқ бўлган ўзига ҳос ижтимоий хусусиятларини ифодалайдилар ” [Филиппенко 2001: 119].

У ёки бу семантик майдонга кирувчи сўзларнинг кўплиги ижтимоий маданий факторларга боғлиқ.

Матнда ёки суҳбатдошлар мулоқотида икки жинсга мансуб кишилар нутқининг лексик семантик майдонининг аниқланиши нутқнинг гендер хусусиятлари муаллиф-сўзловчи (адресат), тингловчи, китобхон(адресант) нутқидаги гендер (жинсга оид лисоний бирликлар) хусусиятларининг прагматик мақсад, ҳаракат, муносабат сифатида аёллар ва эркеклар нутқининг бир тил ва қиёсланиб ўрганилаётган тиллар доирасида тадқиқ қилиш имкониятларини беради.

Бундай тадқиқотни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар ҳал қилиниши лозим:

-эркак ёки аёл суҳбатдошларнинг мулоқотга киришув жараёнидаги прагматик муносабатлари типларини аниқлаш;

- матни ҳосил қилишда турли жинс вакилларига хос гендерли прагматик муносабатларни аниқлаш;

Гендер хусусиятли сўзларнинг прагматик асослари А.В.Кирилина(1998), Е.И.Горошко (1999), Р.К.Потапов (2002), В.В.Потапова(2006), И.И.Халееваларнинг (2000) тадқиқотларида атрофлича ўрганилган ва уларда гендер стереотипи «Ҳар икки жинс вакилларининг ҳулқий меёрларида атрибут ва сифатларида маданий ва ижтимоий шароитлар билан боғлиқ ҳолда шаклланган ва нутқда, матнда воқеланадиган белгилар» сифатида таърифланади. [Кирилина,1999:63].

Гендер - бу ижтимоий ёки ижтимоий маданий жинсга оидлик белгиси ҳисобланиб, у лисоний категория эмас, аммо унинг мазмуни лисоний прагматик мақсад, ҳаракат ва муносабатларни таҳлил қилиш орқали очилиши мумкин. Бунда сўз орқали суҳбатдошнинг жинсига, маданиятига, ижтимоий мавқеига, психологик хусусиятларига доир прагматик ахборотлар ойдинлашади ва у нутқ фаолиятининг турли аспектларини ўрганувчи матн прагматикаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Адресат гендери коммуникатив вазият ҳосил қилишда ва гапирувчи (муаллиф) шахснинг нутқий ҳаракатларини олдиндан пайқашда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Одатда кундалик мулоқот жараёнида адресатнинг ўзи ҳам шахсан гендерли иштирокчи ҳисобланади. Адресат гендерининг мулоқотни ташкил қилувчилик функцияси нотаниш ва унчалик яқин бўлмаган кишиларга нисбатан воқеланадиган нутқий ҳаракатда, айниқса мулоқотнинг бошланишида кучайиши билан кўзга яққол ташланади. Масалан: *«Яхши қиз, медицина институтига қандай автобус қатнашини айтолмайсими?»* Адресат гендерни аниқлаш бу ўринда контекст орқали, коммуникатив вазият ёки гендерли сўз: *«яхши қиз»* орқали аниқланади: демак, адресат ёш йигит, у талаба; унинг мақсади йўл сўраш. Айни пайтда гендерли лисоний восита адресатнинг эмоционал экспрессив нутқий ҳаракатини ҳам ифодалаяпти. Бу нутқ актидаги гендерли мурожаатнинг мавзуй ва стилистик (эмоционал-экспрессив) белгиларлари (маркерлари) ҳисобланади. Айнан бундай гендерли воситалар мулоқот актининг коммуникатив таъсирини ҳам белгилайди. Бинобарин адресант ёш йигит мурожаатидаги *«яхши қиз»* сўзини эшитмаганида эди, адресатнинг нутқий ҳаракати, мақсади, муносабати натижасиз қолган бўларди.

«Эркалар мурожаатида гендерли белгилар аёлларникига нисбатан камлиги билан характерланади» [Вежицкая 1996: 41]. Демак, «Адресат бу коммуникатив таъсир қилувчи шахс сифатида мулоқот моҳиятини аниқлаб берувчи фигурадир» [Бородина 2001:120].

Тадқиқотларда адресатнинг мулоқот субъекти сифатидаги қуйидаги функциялари фарқланади:

1) адресант тингловчига матнни идрок қилдирувчи ва тушунтирувчи субъектдир;

2) адресат (гапирувчи шахс, муаллиф) адресантдан нутқий ахборотни эшитиб (локутив ҳаракатни) тил воситаларини танлаб

(эмоциялар, муносабатлар, ҳаракатлар орқали), жавоб нутқи вужудга келтиришга мажбур қилувчи ундовчи субъектдир;

Бундай ҳолатда турли жинсга ва гендерга мансуб шахсларнинг нутқий ҳаракатларидаги фарқлар қуйидаги гендер белгиларда ўз аксини топади:

-фонетик маркерлар- бу тур ўз ичига энг аввало эркаклар ва аёллар нутқидаги овоз тонининг баландлиги ёки пастлиги, товуш тембри, интонациялаш, паузалар, мантиқий хулосалаш турларида ўз аксини топади.;

-морфологик маркерлар - бу тур ўз ичига маъно-мазмун билан мужской ва женской родга мансуб сўзларни ҳосил қилувчи белгиларда ўз аксини топади;(ўзбекча: *ожиз-ожиза, озод-озода, рафиқ-рафиқа*; французча: *maitre-maitresse, poète-poëtesse, instituteur-institutrice, conte-contesse*).

- **лексик маркерлар** – эркак ва аёллар номини, ёки ўз семантик компонентида эркак ва аёл тушунчасини ифодаловчи сўзларни қўлланишида ўз аксини топади;(*Тешабой, Болтабой, Анора, Йўлчи, Гулнор, маъшуқа, ожиза, адиба*)

- **экспрессив-стилистик маркерлар** мулоқот жараёнида ё эркаклар ё аёллар учун кўпроқ характерли бўлган сўз ва конструкцияларни қўлланишида ўз аксини топади. Одатда фақат эркаклар стереотипига мансуб сўзлар сифатида «кўпол сўзлар» тушунилади (*пондавой, хезалак, мишиқи, кўрнамак, манжалақи, лақма*); аёллар стереотипига мансуб сўзлар сифатида юқори даражали стилистик бўёқдор сўзлар ёки ҳис-ҳаяжонли, эркалатувчи, кўтаринки нутқлар, диминутивлар ва б. тушунилади (*асалим, шакарим, пахмогим, айиқвой*);

- **тематик маркерлар** – стереотип жиҳатдан эркаклар ва аёллар мавзусига боғлиқ бўлган сўзларни қўлланишида ўз аксини топади [Горошко, Кирилина 1999: 234-241].

Юқорида берилган маркерларнинг барчаси адресат, адресант ёки учинчи шахс нутқларида учраши мумкин. Агар зоналарнинг қайси биридадир

маркерлар камроқ бўлса, бундай ҳолда жинс – гендер ноаниқлиги вужудга келади ва бу коммуникатив вазият ёки контекст орқали аниқланиши мумкин.

О.С.Иссерснинг таъкидлашича, мулоқот жараёнида адресат нутқи куйидаги параметрларда ўз аксини топади:

- у ўз нутқида ўз “мен”ини, шахсий хусусиятларини (бевосита ёки билвосита, ўз мавқеини кўтариш ёки пасайтириш даражасида) намоён қилади;

- сўзларни қуллашда одоблилигини (хушмомалалик борасида суҳбатдошини ўзига жалб қилишга қизиқиш ёки кизикмасликигини) намоён қилади;

-фикр алмашинув жараёнида суҳбатдошлар ўз нутқларининг коммуникатив-прагматик таъсирнинг самарадорлиги назорат қиладилар (оҳангни онгли тарзда танлайди, вазият ва ҳолатни бошқаради) (Иссерс 2002:173).

Кундалик мулоқот жараёнида гендерли мурожаат кишилар ҳаётида ҳар куни рўй беради, у табиийлиги, аввалдан тайёрланмаганлиги ва суҳбатдошларнинг мулоқотга бевосита иштирок этишлари билан характерланади .

Гендерли мурожаат муаммосида гапирувчи шахснинг одатда ўз суҳбатдошининг ким эканлигини билишлиги муҳим ва бундай ҳолларда унга мурожаатда хушмуомилалик формаларидан, перформатив феъллардан, олмошлардан ва ҳ. фойдаланилади. Бу адресатнинг коммуникатив мақсади, ҳаракати, муносабати ва гапнинг грамматик тизимида ўз аксини топади. Масалан:

- *Телефондан **унинг** ёқимли овозини эшитиб ўзим шошиб қолдим, ахир телефон рақамини унутиб қўйгандимда!*

-*Хўш, энди эсладингми **пондавой**? (ёшлар суҳбатидан)*

Гендерли маркерланган мавзу кўп ҳолларда бир гендерли суҳбатдошлар диалогларида ўз аксини топади,буни биз юқоридаги мисолда икки ёш йигитнинг қизлар ҳақидаги мавзуда суҳбатлашаётганини ҳис қиламиз. Агар мулоқот бошқа гендер вакили билан уюштирилса, мавзу маркери камроқ намоён бўлади.

Аёллар мулоқоти ҳақидаги тасаввурлар махсус стертиотипларда, масалан «аёллар ғийбати», «хотинлар суҳбати», экакларники - маданий онгида шаклланган «эркакча суҳбат», «эркакчасига гаплашмоқ» бирикмаларида намоён бўлади. Аёллар мулоқотига эркакларга нисбатан салбий коннотацияли бирликлардан фойдаланиш характерли бўлса, эркаклар мулоқотини характерловчи бирликларда ижобий баҳолаш кўпроқ учрайди.

Турқи кўрсин, бирам совуқ башарали одам эканки! (аёллар суҳбатидан).

Вой-вуй! Мунчалар офатижон экан(эркаклар суҳбатидан)

Эркаклар мулоқотида мавзу унчалик қизиқарли бўлмаса ёки у учинчи бир кишининг ҳаёти ҳақида кетса, бу ҳолда уларнинг суҳбати «аёлларча ғийбат» ёки «аёлларча эзмалик» сифатида баҳоланади.

Маълум бўлишича аёллар эркин суҳбат жараёнида ташқи кўриниш, соғлиқ, харид қилинган нарсалар, кийимлар, болалар, эркаклар бошқа одамлар ва ҳ. ҳақида фикр алмашишни афзал кўришади. Сотиб олинган кийим ва нарса ҳақида фикр алмашиш аёллар орасида энг кенг оммалашган суҳбат мавзусидир:

Мен ўзимга бошни айлантириб юборадиган даражада катта атлас ёқали оппоқ шоҳи булузка сотиб олдим. (аёллар нуткидан).

Адресат билан кийим-кечаклар, нимани-нима билан кийиш ҳақидаги фикр алмашувлар, маслаҳатлар аёллар суҳбатидаги энг муҳим мавзулардир:

-Оқ свитеримни нима қилсам экан-а, мен уни энди ҳеч қачон киймайман.

Олиб-сотарларга бериб юбора қол (аёллар нуткидан).

Аёллар кўпинча адресат билан ташқи кўриниш, соғлиқ, озиш ва бу орқали яхши кўринишга эга бўлиш ҳақида суҳбатлашишади. «Озиш сирлари», «гўзаллик рецептлари» сингари мавзулар айнан аёлларга хос гендер бирикмаларда ўз ифодасини топади.

Эркаклар эса ўзларидаги хушбичимлик, ташқи кўриниш мавзуларда кўпинча суҳбатлашишни хуш қуришмайди, соғлиқ ҳақидаги суҳбатлар эса кексалик ёшидаги эркакларга хос.

-Ҳалиям юрибсанми, биродар? Кампиринг қалай?

-Хали бақувватман. Ҳар куни жисмоний машқлар қиламан. Кампирим ҳам отдек, мендан норози эмас. (Кексалар суҳбатидан)

Эркаклар ҳақидаги мавзу аёллар мулоқотида ўз адресати билан эркаклар билан юз бераётган шахсий муносабатлари, эркакларнинг фазилатлари(ташқи кўриниши, хулқ-атвори, характери, жамиятдаги мавқеси ва б.) ҳақида суҳбатлашадилар ва бу мавзулар аёлларнинг ўзаро муносабатлар ўрнатишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

«Қизлар, тан олишим керакки, менга Эркин ёқиб қолди.Айтинглар, қизлар,энди нима қилай?»(Қизлар суҳбатидан).

Бошқа кишилар ҳаётини муҳокама қилиш аёллар мулоқотидаги муҳим мавзуларидан биридир ва бу уларнинг «ғийбаткашлиги» ҳақидаги тасаввур уйғотади.

«Биласанми, дугонажон, менинг тенгдошларимдаги ўзгаришлар менга жуда ёқади, аммо анави аёл эса сираям ўзгармаяптида! (Аёллар суҳбатидан).

Шу нуқтаи назардан «машҳур кишилар ҳаёти»ни муҳокама қилиш ҳам аёллар мулоқотининг энг муҳим мавзусидир.

Эркаклар мулоқотини кузатиш натижаларига кўра улар ўз адресати билан техника, куроллар, машиналар, аёллар, спорт, хобби, баҳсли ҳисобланувчи тарихий ва сиёсий масалалар ҳақида суҳбатлашадилар. Ҳатто маълум бир техник қурилма уларнинг касбига тааллуқли бўлмаса ҳам , улар бундай янгиликларга қизиқиш билан муносабат билдиришади:

«Бунга қара, жўра, қандай зўр нарса сотиб олдим: клавиатура ва инфрақизил сичқонча, диванда ўтириб олиб, масофадан туриб бошқариб бемалол кино томоша қилиш мумкин» (Катта ёшли эркаклар суҳбатидан).

Эркаклар мулоқотида ҳам аёллар мавзуси гендерли маркерланган. Улар энг аввало аёлларнинг ташқи кўринишини ва хулқини муҳокама қилишади,

аёлларнинг шахсий сифат–фазилатлари эса улар эркаклар ҳаётига муайян даражада таъсир қилганидагина муҳокама қилинади. Масалан:

-Жамилага гап йўқ, у жуда кетворган, аммо унга қандай яқинлашишни билмайман. Нима маслиҳат берасан?

- Оғзингдан сўлагингни оқизмай қўяқол, унинг қаллиги бор(Ёш йигитлар суҳбатидан).

Ўзбеклар маданиятида аёллар «фаол салбий эмоцияларини намоён қилишларида эркакларга нисбатан ўзини тия олишлари лозим» деган ахлоқий-тарбиявий ақида мавжуд. Эркаклар эса, ўз салбий эмоцияларини одатда ғазаб, аччиқланиш ва ғижинишларини уятли экспрессив сўзлар орқали ифодалашади. Айни пайтда эркаклар оғрикни, ранжишни, ҳайратни ифодаловчи салбий ва ижобий эмоцияларини ифодалашда ўзларини анча тийишади. Масалан, ёш болага қилинадиган ўғитларни қиёсланг:

-Йиғлашни бас қил, нима, қиз боламисан?

-Уни қара-я, худди қизлардек қилтиллайсан-а!

Кузатувларнинг кўрсатишича аёллар мулоқот жараёнида ўз эмоцияларини кўпроқ намоён қилишади, аммо уларни ўз дугоналарига ҳамдардлик истаганлари ҳолда гапиришади. Бундай ҳолат айниқса ранжишни, адресантдан ҳайратда қолганликни, суҳбат мавзусига баҳоловчи муносабат билдиришда ёрқин ифодаланади:

-Вой-буй, ўзимни босолмаяпман, бу қандай мухташам уй, йўқ, йўқ, ўзимни тўтолмайман, бу ердан кетаман, мен унга қаролмайман. Дугонажон, ҳозир буғилиб ўламан. Мен ҳам шундай уйда яшашни хоҳлайман! Қандай яхши! (25 ёшли аёл гапи).

Кузатувлардан маълум бўлишича эркак ва аёлларнинг адресатга нисбатан коммуникатив хулқ-атворлари эмоционаллик даражаси билан ҳам фарқланади. Аммо бу фарқлар «экспрессивликнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги» нуқтаи назардан эмас, «экспрессивликнинг кучлилиги ёки кучсизлиги» нуқтаи назардан талқин қилинади. Масалан, кўпол

йўналтирилган нутқ ҳар доим эркакларга тегишли деб баҳоланади, Айни пайтда гендер сферияти кўпол гапирувчи аёлларга ҳам хос. Бундай ҳолда улар «эркакшода» дея баҳоланадилар. Худди шунингдек, кўтаринки, ҳис-ҳаёжонли нутқни соф аёлларга хос нутқ дея талқин қилишади (Потапов М., 2000.).

Кундалик турмуш тажрибасидан биз айнан турли жинс вакилларининг ўзаро муносабатларидан - гендер белгиларини, эркак ёки аёл диққатини қандай тортиш усулларини, улар билан мулоқот қилиш усулларини билиб оламиз.

Шундай қилиб сўзловчи нутқидаги прагматик муносабатлар унга жавоб қайтарувчи тингловчида ҳам муайян тарзда ижобий, салбий прагматик муносабатларда ўз ифодасини топади. Бундай муносабатлани ўрганиш шахс гендерини прагматик таҳлил қилишда кенг имкониятларни очиши мумкин.

Куйидаги адабиётларни ўрганиб, мавзу бўйича билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. *Бородина, Т.В.* К универсальности оппозиции мужской/женский: лицо человека в культурных моделях Запада и Востока // Международная конференция: «Язык и культура». — М., 2001. С. 129.

2. *Вежбицка А.* Язык. Культура. Познание. — М: «Русские словари», 1996. — 416 с.

3. *Горошко Е.Н., Кирилина А.В.* Гендерные исследования в лингвистике сегодня // Гендерные исследования. М., 1999. Вып. 2. С. 234-241.

4. *Иссерс О.С.* Проблемы создания «коммуникативного портрета»: тендерный аспект // Гендер: язык, культура, коммуникация. М., 2002. Вып. 2

5. *Кирилина А.В.* Гендер: лингвистические аспекты. — Москва, «Институт социологии РАН», 1999.

6. *Нефёдова Н.К.* К проблеме использования гендерного анализа в лингвистических исследованиях // Вопросы лингвистики. 2001

7. *Потапов В.В.* Современное состояние гендерных исследований в англоязычных странах // Гендер как интрига познания. М., 2000. Вып. 1.

8. *Шмелев Д.Н.* Проблемы семантического анализа лексики. — М., 1973.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Нутқнинг, матнинг гендер хусусиятлари тушунчасини изоҳланг.

2. Аёллар ва эркеклар нутқидаги гендер хусусиятлардаги фарқларни изоҳланг.

3. Матнда ва нутқда гендерли муносабат маркерлари (белгилари) нималардан таркиб топади?

4. Қуйидаги матнни прагматик муносабатларнинг гендер белгилари нуқтаи назардан таҳлил қилинг.

4 - Ah ! petit drôle, tu fais le malin! Dis-moi vite par où est passé Gianetto, car c'est lui que nous cherchons; et, j'en suis certain, il a pris par ce sentier.

- Qui sait ?-

- Qui sait ? C'est moi qui sais que tu l'as vu.

- Est-ce qu'on voit les passants quand on dort ?

- Tu ne dormais pas, vaurien; les coups de fusil t'ont réveillé.

- Vous croyez donc, mon cousin, que vos fusils font tant de bruit ? L'escopette de mon père en fait bien davantage.

- Que le diable te confonde, maudit garnement ! Je suis bien sûr que tu as vu le Gianetto. Peut-être même l'as-tu caché. Allons, camarades, entrez dans cette maison, et voyez si notre homme n'y est pas. Il n'allait plus que d'une patte, et il a trop de bon sens, le coquin, pour avoir cherché à gagner le maquis en clopinant. D'ailleurs, les traces de sang s'arrêtent ici.

- Et que dira papa? - demanda Fortunato en ricanant; que dira-t-il s'il sait qu'on est entré dans sa maison pendant qu'il était sorti ?

- Vaurien! dit l'adjutant Gamba en le prenant par l'oreille, sais-tu qu'il ne tient qu'à moi de te faire changer de note? Peut-être qu'en te donnant une vingtaine de coups de plat de sabre tu parleras enfin."

Et Fortunato ricanait toujours.

- Mon père est Mateo Falcone ! dit-il avec emphase.

- Sais-tu bien, petit drôle, que je puis t'emmener à Corte ou à Bastia. Je te ferai coucher dans un cachot, sur la paille, les fers aux pieds, et je te ferai guillotiner si tu ne dis où est Gianetto Sanpiero."

L'enfant éclata de rire à cette ridicule menace. Il répéta : " Mon père est Mateo Falcone!

- Adjudant, dit tout bas un des voltigeurs, ne nous brouillons pas avec Mateo. "

4. - *Вой кичкина шайтончаей! Муғомбирлик қиялсан шеқилли! Қани ҳозироқ жавоб бер-чи! Биз қидираётган Жанетто қаерга зойиб бўлди? У шу сўқмоқ бўйлаб кетганига шиончим комил.*

- *Мен қаёқдан билай?*

- *Қаёқдан биласан? Мен эса, шуни биламанки, сен уни кўргансан.*

- *Ахир, ухлаб ётган бўлсам, ўтган-кетганларни қандоқ кўраман?*

- *Сен уйғоқ бўлгансан, муғамбир! Ўқ товушларидан уйғониб кетгансан.*

Жин урсин сени, лаънати, ҳароми! Мен аминманки, сен анаву ярамас Жаннеттони кўргансан. Балки уни яшириб ҳам қуйгандирсан.

- *Тоғажон, сизизнинг милтигингиз отамнинг эскопетидан кучлироқ муғамбирлайли деб ўйлайсизми?-*

- *Сен уйғоқ бўлгансан, муғомбир. Ўқ товушларидан уйғониб кетгансан. Жин урсин сени, лаънати, ҳароми! Мен аминманки, сен анави ярамас Жаннеттони кўргансан. Балки уни яшириб ҳам қуйгандирсан. Йигитлар, уйга кириб, қочогимизни тўзукроқ қидириб кўринлар. У оёғидан ўқ еган бўридек базур оқсоқланиб қочаётганди. Бу аблаҳнинг майиб оёғи билан макигача қочиб бора олмаслигига ақли етади. Қолаверса, қон излари ҳам шу ергача келиб ўзилиб қолган.*

Отформатировано: По левому краю, Отступ: Первая строка: 1 см, интервал После: 0 пт, Междустр.интервал: одинарный

Отформатировано: Отступ: Первая строка: 1 см, интервал После: 0 пт, Междустр.интервал:

Отформатировано: Отступ: Первая строка: 1 см, интервал После: 0 пт, Междустр.интервал: одинарный

-Отам нима деркин?-сўради *Фортуна*то истеҳзоли жилмайиб.-Ўзи йўқ пайти уйимизга бостириб кирганингизни билса, у нима деркин?

-*Муттаҳам!*-деди *Гамба* унинг қулогидан ушлаб чўзганича.-*Истасам, сени бошқача оҳангда сайратиб қўйишим мумкинлигини биласанми? Эҳтимол, ниҳоят тилга киришинг учун, қиличнинг юзаси билан думбанга ўн-йигирма марта савалаш керакдир?*

Бола эса, ҳамон истеҳзоли жилмайиб турарди.

-*Билиб қўй, иштакка, агар Жанетто Санъеронинг қаердалиги айтмасанг, сени Кортога ёки Бастияга олиб бориб, оёқларинга кишан урдириб, поҳол тўшалган қамоқхонага тиктиришим, ахир оқибат каллангни кестиришим мумкин.*

Бола бундай кулгили нўписани эшитиб қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

-*Менинг отам - Матео Фалькон! - деди у яна такрорлаб.*

-*Сержант!*-деди ёлланма аскарлардан бири, шивирлаб. -*Келинг, қўйинг, Матео билан ўчакишиб қолсак, яхши бўлмас.*

6.ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР ОРҚАЛИ ИФОДАЛАНАДИГАН

КОННОТАТИВ - ПРАГМАТИК МАЪНО

Кейинги йилларда лексик бирлик семантикасининг структураси, айниқса унинг предмет-манتيкий мазмунини ифодаловчи семантик компонентларининг нутқда ифодаланиши турли соҳа тадқиқотчиларининг алоҳида диққат-эътиборини тортмоқда. Шундай масалалардан бири лексик бирлик семантик сруктурасидаги прагматик хусусиятларнинг коннотатив компонентлар орқали ифодаланишидир. Ҳозирги замон тилшунослигида лексик бирликлар семантикаси таркибидаги коннотация орқали ифодаланган прагматик маъно Т.В.Лиховидова (1978), Н.Д. Арутюнова (1979). Стернин(1985), В.Н.Телия (1986), Ю.Д.Апресян (1995), А.Н.Вставский (2006)) ва бошқаларнинг тадқиқотларида атрофлича талқин қилинган. Бундай тадқиқотларда лексик бирлик орқали ифодаланувчи коннотациянинг прагматик хусусиятлари инсон фаолиятининг билишга оид ўзига хос компоненти сифатида биринчидан, лисоний белгиларнинг мулоқотда, нутқда баҳоловчи функцияларда қўлланилиши, иккинчидан хорижий тилларда мулоқотга ўргатишда муҳим восита вазифасини бажариши таъкидланади.

Тадқиқотларида коннотация якка лисоний бирлик, фразеологик бирикмалар, миллий реалиялар орқали вокеланиши, бунда *ингегрент, агдерент*

концептуал, текст ҳосил қилувчи коннотация турлари ва уларнинг прагматик хусусиятлари алоҳида ажратлиб ўрганилади.

Лексик бирликнинг коннотатив компоненти дейилганида одатда шу тилда гапирувчи шахснинг онгида шаклланган одамларга, воқеа-ҳодисаларга нисбатан субъектив муносабати тушунилади. Бундай муносабат лисоний бирликлар орқали ифодаланиб, нутқда объектга нисбатан яхши, ёмон, ёки нейтрал прагматик муносабатни белгилаб келади. Кишиларнинг реал борлиқ объектларига баҳоловчи муносабатлари тил системасида, жумладан шу тилнинг лексик бирликларида прагматик муносабатлар сифатида ўз ифодасини топади. Сўз лексик маъносининг баҳоловчи компонентларини прагматик нуқтаи назардан ўрганилиши қатор ечимини топмаган баҳсталаб муаммоларни ўрганилишини тақозо қилди.. Шу нуқтаи назардан лексик бирликнинг прагматик маъносидаги баҳоловчи компонентининг хилларини, типларини аниқлаш, уларни семантик компонент сифатида лексик бирлик маъносида иштирокини ўрганиш тилшунослар, таржимонлар, методист ўқитувчилар учун ҳам ғоят муҳимдир

Воқелик ёки предметларни баҳолашда гапирувчи шахснинг ижтимоий характердаги прагматик муносабатлари ҳам иштирок этади. Бундай муносабат одатда меъёр тушунчаларига, жамиятда шаклланган муайян қоидаларга риоя қилишни тақозо қилади. Баҳолаш объекти сифатида энг аввало одамлар табиатидаги турли сифатлар (*ширатпараст, такасалтанг, энгилоёқ, фоҳиша, оқбилак, танноз, ялқов, ишёқмас, дангаса, танбал, текинхўр, анқов, хайлпараст*); уларнинг хулқ-атвори (*ялқов, дангаса, ишёқмас, шаллақи, хомкалла, оқнадар*); улар фаолиятининг натижалари (*пала-партши қилинган иш, шалоқ арава, драндулет*); турли ижтимоий воқеликлар (*ғижиллашиши, низо, жанжал, хўжакурсинчилик*) асос қилиб олинади. Эмоционал ва баҳоловчи компонентларнинг бундай органик бирлиги лексик бирликларнинг **коннотатив компонентлари** атамаси билан юритилади.

Лисоний бирликлар орқали ифодаланадиган прагматик

коннотациянинг баҳоловчи компонентининг икки типи мавжуд:

1.Атроф-муҳитни, субъектни, сифатни, фазилатни, ходисаларни **рационал (интеллектуал) баҳолаш;**

2.Уларни инсон психикаси иштироки ёрдамида **эмоционал баҳолаш.**

Рационал баҳолаш сўз маносини детонатив аспектда воқеланиши натижасида ҳосил қилинади. Эмоционал баҳолаш эса, сўз маъносини баҳоловчи семаларини коннотатив аспектда воқеланиш натижасидир.

Сўз маносининг прагматик ифодаланган коннотатив компонентлари ўзаро бир-бирлари билан интеграциялашган, яъни доимий алоқада, аммо уларнинг ҳар бирининг миқдорий ўзига хосликлари мавжуд. Баҳолаш коннотациянинг бошқа компонентлари билан бирга сўз маъносининг экспрессивлигини (прагматик таъсирини) оширишга хизмат қилади ва айнан улар коммуниатив актда субъектив муносабатларни янада кучлироқ, ифодалироқ, таъсирчанроқ ифодалаш учун хизмат қилади. Экспрессивлик шу жиҳати билан сўз маъносининг прагматик компоненти ҳисобланади ва у мулоқот жараёнида сўз танлаш, уни мулоқот вазиятига кўра қўллаш ва бу орқали суҳбатдошга коммуникатив таъсир ўтказишни кўзда тутди.

Коннотациянинг эмоционал баҳоловчи компоненти дейилганида тингловчига, атроф муҳитга, предметга, воқеликка ижобий (маъқуллаш, меҳрибонлик,хайрат ва ҳ.) ва салбий муносабат (ранжиш, ғазаб, жирканиш, кўполлик,беписандлик ва ҳ.) билдириш тушунилади .

Профессор Ш.Сафаровнинг тадқиқотида таъкидланишича баҳолаш ҳаракатининг юзага келишида беш элемент иштирок этади, булар *субъект, объект, асос, эталон (намуна) ва баҳолаш* белгиларидир. Баҳолаш дастлаб субъект-объект муносабатида, яъни субъект томонидан объектнинг муҳимлиги, ижтимоий мавқеси, этиборга моликлиги, миқдор ва сифат жиҳатидан ажралиб туришини аниқлаш жараёнида вужудга келади. Бу жараёнда субъект объектнинг баҳоланаётган хусусиятини идеал намуна ёки меъёрга қиёслайди ҳамда бу меъёрга қай даражада мос келиши ёки мос

келмаслигига баҳо беради. Ниҳоят барча «ўлчовлар» босқичидан ўтган баҳо лисоний белги воситасида воқеланади. Баҳонинг юзага келиши ва баҳолаш ҳаракатининг фаоллашуви учун мантиқий асос талаб қилинади. Бундай асос мавжуд бўлмаса, ақлий ва лисоний фаолият бесамар, ҳатто ножўя характер касб этади. Асоссиз қиёс ва баҳолаш нотабиийликка олиб келади. Шундай қилиб баҳолаш ҳаракатининг мантиқий асосида эмоция интенцияси ётади. (Сафаров 2008: 184-185 .)

Лексик бирликнинг баҳоловчи коннотатив компоненти ёки лексик-семантик варианты одатда имплицит ифодаланган ижобий ва салбий маъно сифатида прагматик идрок қилинади. Масалан, *ишчан*= *ишёқмас, дангаса, ёлқов*; *ақлли* = *хомкалла, эшакмия*; *тартилли, интизомли* = *шумтака, тирранча*. Келтирилган мисоллардан лексик бирликлар ифодалаган ижобий ва салбий маънолардан прагматик муносабатни аниқ ҳис қилишимиз мумкин. Айни пайтда бундай сўзларнинг салбий баҳоловчи компонентлари улар ифодаладиган синонимик қаторларда ҳам ўз аксини топиши мумкин. Масалан, ўзбекча: **уй-кулба, бошпана** , французча **bicoque- mesure**, русча - хижина ва х. Шу тўғрисида прагматик баҳоловчи коннотатив компонент нутқ вазиятларига ва гапирувчи шахснинг субъектга муносабатига кўра лексик маънонинг турли вариациялардаги синонимларидан фойдаланиш имкониятини яратади.

Шундай қилиб баҳолаш сўз ифодаладиган маънонинг махсус детерминациялашган прагматик компоненти сифатида уч хил кўринишда намаён бўлади:

- 1) нейтрал ёки нол қийматли баҳоловчи компонентли лексик бирлик;
- 2) ижобий (мелиоратив) қийматли баҳоловчи компонентли лексик бирлик;
- 3) салбий (дерогатив, пейоратив) қийматли баҳоловчи компонентли лексик бирлик.

Бундай баҳоловчи шкала турли хил лексик-семантик гуруҳларга мансуб бўлган сўзларни алоҳида лексик гуруҳларга бўлиб ўрганиш имкониятини беради. Масалан, инсон шахсини нейтрал баҳоловчи номинатив лексик бирликларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Paysan- деҳқон; *moisson* –ўрим; *homme*- одам, киши, *femme* - аёл, *bonnet* -шапка ва ҳ. ;

Инсон шахсини предикатив мелиоратив(ижобий) белгиларини ифодаловчи коннотатив баҳоловчи лексик бирликлар:

Beauté –гўзалик, *charmant*-мафтункор, *sensible* –ҳиссиётли, *intelligent*-ақлли ва ҳ.

Инсон шахсини, нарса предметларни предикатив дерогатив(салбий) белгиларини ифодаловчи коннотатив баҳоловчи сўзлар: *gendarme*- жандарм, полициячи, *cruauté* - бешафқатлик, *férocité*-вахшийлик, *putaine*- бузук аёл, *étranger* -бегона, *piquer* – чакмоқ, *béjane* – сариқ тумшук, она сути оғзидан кетмаган ва ҳ.

Айрим ҳолларда коммуникатив вазиятга кўра нейтрал баҳоловчи компонентли французча номинатив бирлик бошқа тилларда салбий коннотатив маънода ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, французча «*cordonnier*» сўзи рус тилида ҳам касб эгаси - «сапожник» (этикдўз) номини, ҳам салбий маъно ифодаловчи «*шиёқмас, ўз касбини яхши билмайдиган киши*» маъносида ишлатилади. Айни пайтда нейтрал маъноли «*la vache*» - «сигир» сўзи французларда салбий маънода полициячиларга нисбатан қўлланилади.

Баҳоловчи белгиларга эга бўлган предикативли шахс номлари асосида инсонларга хос бир ёки бирнеча сифат, фазилат белгилари ифодаланиб, уларда субъектнинг, лисоний коллективнинг, ижтимоий гуруҳ вакилининг ижобий, салбий баҳоловчи муносабатлари ўз аксини топади. Масалан, «*Voilà un Donjuan!* «*Донжуан бўлиб кет-э!*» иборасидаги персонаж номи

«хотинбоз» маъносида қўлланилиб, унга қиёсланаётган шахсга нисбатан салбий муносабатни ифодалаяпти.

Шу нуқтаи назардан шахснинг предикатив, дерогатив сифатларини ифодаловчи лексик бирликларни икки хил йирик гуруҳга ажратиш мумкин:

1.Ижтимоий келиб чиқишга асосланган субъектни интеллектуал – мантиқий белгиларига кўра салбий баҳолашга оид лексик бирликлар:

Le voleur – ўзри;

Le traître, le félon – сотқин;

Le menteur – ёлгончи;

Le voyou, polisson- хулиган;

Le criminal, le délinquant – жиноятчи ва ҳ..

2.Ҳис-ҳаяжон, руҳий кечинмалар туфайли субъектга хос бўлмаган сифатларни ошириб кўрсатишга йўналтирилган интеллектуал белгиларни ифодаловчи салбий коннотацияли баҳоловчи лексик бирликлар:

Gerdin, chenapan, miserable, vorien - ярамас, ифлос, (негодяй) муттаҳам;

Le larbin, le caudataire- хушомадгуй, дум;

Le ladre, le grigou, le grippe-sou, l'avare, rapiat- хасис, зикна, қуримсоқ;

Bavared, hableur – сафсатабоз, қуриқ гап сотувчи, валдировчи киши;

Le pingre, le rapiat - очкўз, қизганчоқ; la bavarde, la caillette - серган, эзма, вайсақи, ичида гап ётмайдиган, оғзи бўш одам(аёл),

Бу ўринда денотатив маъноли лексик бирликлар кўчирма маънода баҳоловчи компонент ҳосил қилишини таъкидлаш жоиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, лексик бирликларнинг белгиларини ифодаловчи бу йирик икки гуруҳига оид сўзлар умуммиллий, ижтимоий гуруҳларда шаклланган тил нормаларига асосланади ва шундай қилиб субъектнинг турли сиёсий, ижтимоий гуруҳларга мансублигини ифодалаб келади. Лексик бирликнинг баҳоловчи компоненти бирор ижтимоий гуруҳга мансублиги баҳоловчи шкаланинг турлича ўзгаришларга, вариацияли

баҳоловчи маъноларда қўлланишига олиб келади. Бундай ҳолатни масалан, ўғрилар жарғонида умуммиллий тилда қўланиладиган сўзларни турли шкаладаги баҳоловчи маъноларда қўлланилишида кўриш мумкин: *карам-доллар, кушча- қиз бола*. Лексик бирликлар семантик маъносидаги коннотациялар ана шу жиҳатлари билан прагматик коннотациялар деб ҳам юритилади.

Лексик бирлик семантикасидаги прагматик коннотация *ингерент ва адгерент* турларга бўлиб ўрганилади.

Лисоний факт сифатида тан олинган *ингерент коннотация* гапирувчи шахс (муаллиф) томонидан ўз фикр ва ҳиссиётларини маълум бир нутқ вазиятида, муайян мақсадда эмоционал-экспрессив ва баҳоловчи лисоний воситалардан фойдаланиб ўз суҳбатдошига таъсир ўтказишни ифодалайди. Бу жараёнда *суҳбат рўй бераётган жой, вақт, замон, суҳбатдошларнинг ижтимоий мавқеи, улар орасидаги масофа сингари* прагматик омиллар иштирок этади. Буларнинг ҳаммаси нутқ жараёнида қўлланилган лексик бирликнинг маъно оттенкаларини очиш учун хизмат қиладик, бу маъно муайян бир жумла ёки контекст орқали, кўпинча эса контекст рамкасида ташқари омиллар орқали идрок қилинади.

Лексикология ва стилистикада лексик бирлик семантикасидаги бундай маъно сўзнинг кўчма маъносида, метофорик қўлланилиши дея талқин қилинса, лингвопрагматикада *ингерент коннотация* орқали ифодаланган *прагматик муносабат* сифатида ўрганилади.

Лексик бирлик жумла ичида биринчи бор қўлланилганида *адгерент* буёқдорликка эга бўлади, айнан шу лексик бирлик такрорий қўлланилганида эса, у бутун бир жумладаги афсус надоматни, қайғуни, гапирувчи шахснинг кайфиятини ифодалаб келади. Сўз ифодайдиган бундай прагматик маъно *адгерент коннотация* деб аталади. Бундай кайфиятнинг воқеланишига нутқ вазияти, суҳбатдошлар ўртасидаги масофа ва хушмуомилалик талабларига риоя қилиниши ёки қилинмаслиги, суҳбатдош томонидан воқеа ёки ҳодиса

ҳақида умумий маълумотлардан беҳабарлик сингари омиллар ўзаро англашилмовчиликка олиб келиши мумкин.

Адгенрент коннотация гапирувчи шахснинг муайян мақсадни, ниятни амалга оширишдаги прагматик эҳтиёжлари сифатида воқеланади. Агар, гапирувчи шахснинг лўғат бойлигида унинг фикрини ифодалаш учун керакли экспрессив сўз мавжуд бўлмаса, у ўзи биладиган сўзнинг иккиламчи номинациясидан (кўшимча маъносидан) фойдаланишга мажбур ва уни тушуниш учун муайян контекст зарур бўлади. Масалан: Ги де Мопассаннинг «Сув ўраси» новелласидан олинган куйидаги парчани прагматик таҳлил қилар эканмиз, воқеа қаёрда, қасон содир бўлганлигини, унда сўзловчи қандай вазиятда ўз фикрини баён қилаётганлигини англаш учун кичик контекст зарур бўлади.

- *Ce trou-là, m'sieu l'président, je pouvais le considérer comme à moi, vu que j'en étais le Christophe Colomb. Tout le monde le savait dans le pays, tout le monde sans opposition. On disait : « Ça, c'est la place à Renard; » et personne n'y serait venu, pas même M. Plumeau, qu'est connu, soit dit sans l'offenser, pour chiper les places des autres.*

- *Donc, sûr de mon endroit, j'y revenais comme un propriétaire. A peine arrivé, le samedi, je montais dans Dalila, avec mon épouse.*

- *Dalila c'est ma norvégienne, un bateau que j'ai fait construire chez Fournaise, quelque chose de léger et de sûr.*

- *Je dis que nous montons dans Dalila, et nous allons amorcer. Pour amorcer, il n'y a que moi, et ils le savent bien, les camaraux.*

- *Vous me demanderez avec quoi j'amorce? Je n'peux pas répondre. Ça ne touche point à l'accident : je ne peux pas répondre, c'est mon secret.*

- *Ils sont plus de deux cents qui me l'ont demandé. On m'en a offert des petits verres, et des fritures, et des matelotes pour me faire causer !! Mais va voir s'ils viennent, les chevesnes. Ah ! oui, on m'a tapé sur le ventre pour la connaître, ma recette... Il n'y a que ma femme qui la sait... et elle ne la dira pas plus que moi!... Pas vrai, Mélie?...*

Бу сув ўрасини, жаноб раис, мен ўзимнинг хусусий жойим деб ҳисоблардим. Чунки уни мен худди Христофор Колумб сингари ўзим кашф қилгандим. Одамлар ҳам «Бу жой Ренарнинг жойи» - деб тан олишарди ва ҳеч ким бу борада бахслашмас, ҳатто хафа бўлса ҳам айтай, чунки бунга ҳамма билади, бегоналар ҳисобидан қорин тўйдиришни хуш кўрадиган жаноб Плюмо ҳам менинг сув ўрамга яқинлашмасди. Шундай қилиб, мен ўзсув ўрамдан мутлоқа ҳотиржам эдим ва ҳар сафар у ерга унинг ҳақиқий эгаси сифатида

Отформатировано: Шрифт: (по умолчанию) Times New Roman, 14 пт, курсив, Цвет шрифта: Авто, Английский (США)

Отформатировано: Шрифт: (по умолчанию) Times New Roman, 14 пт, курсив, Цвет шрифта: Авто, Английский (США)

Отформатировано: Шрифт: (по умолчанию) Times New Roman, 14 пт, курсив, Цвет шрифта: Авто, Английский (США)

Отформатировано: Шрифт: (по умолчанию) Times New Roman, 14 пт, подчеркивание, Цвет шрифта: Авто, Английский (США)

Отформатировано: Шрифт: (по умолчанию) Times New Roman, 14 пт, курсив, Цвет шрифта: Авто, Английский (США)

Отформатировано: Шрифт: (по умолчанию) Times New Roman, 14 пт, курсив, Цвет шрифта: Авто, Английский (США)

Отформатировано: Шрифт: (по умолчанию) Times New Roman, 14 пт, курсив, Цвет шрифта: Авто, Английский (США)

Отформатировано: Шрифт: (по умолчанию) Times New Roman, 14 пт, курсив, Цвет шрифта: Авто, Английский (США)

келардим. Шанба куни кечқурун Пуассига етиб келишимиз биланоқ хотиним билан «Далила»га чиқиб оламиз. «Далила» бу менинг норвегия қайиғим: Мен уни Фурпездан буюртма орқали олганман, енгилгина ва мустаҳкамгина қайиқча. Демак, «Далила»га ўтирамизу сув ўрага бориб балиқлар учун хўрак ташлашга жўнаймиз. Хўрак масаласида ҳеч ким мен билан тенглаша олмайди, менинг оиноларим ҳам буни жуда яхши билишади. Эҳтимол сиз ҳам бу хўрак нима эканлигига қизиқарсиз? Йўқ, буни сизга ҳам айта олмайман. Бу терговга тааллуқли эмас, мен ҳам айта олмайман, чунки бу сир. Эҳтимол икки юз киши, балки ундан ҳам кўпроқдир, бу хўракни қандай тайёрлашимни билишга қизиқиб кўрди. Қайси бири ичимликлар билан, кимлардир қоврилган балиқ билан сийлаб, сиримни билиб олишга уринишди. Нима мен аҳмоқманми, улар ҳам зогара балиқларни осонгина тутиб олишаверсинми? Хўракни қандай тайёрлашимни билиб олишлари учун улар қандай хушомадгўйиклар қилмади дейсиз? Э, йўқ... Буни хотинимдан бошқа ҳеч ким билмайди... қолаверса у ҳам ҳеч кимга ҳеч нарса айтмайди. Тўғрими, Мели?

Нутқ актида янги маъно билан қўлланилган лексик бирликнинг бундай адгерент коннотатив маъноси унинг семантик структурасини кенгайтириши мумкин, аммо ҳар доим ҳам янги лексик-семантик вариантни яратилишига олиб келавермайди чунки, бундай маъно бошқа контекстда қўлланилганида, бу маънони йўқотиши мумкин.

Шундай қилиб контекст орқали ифодаланган адгерент коннотацияни тушунилиши прагматик факторларга боғлиқ бўлади. Бу ҳолда сўз маъносини гапирувчи шахс томонидан образли ифодаланган сўзни у айтган маънода тушуниши учун тингловчи ёки китобхон олдинги контекстдаги воқеа-ходисалардан хабардор бўлишлиги талаб қилинади. Адгерент коннотация орқали ифодаланган маънони тушуниш учун тингловчи ёки китобхон инференциялаш қобилиятига, яъни лисоний ифодаланмаган, кўзда тутилган маънони фарқлай олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Прагматиканинг бу параметри концептуал коннотацияни идрок қилишда жуда муҳим.

Концептуал коннотациянинг асосий функцияси муаллиф ёки гапирувчи шахс томонидан жумлада, матнда, бадиий асар контекстида яширинган маъно мазмунни интерпретация орқали тингловчига, китобхонга етказишдир. Бундай коннотациянинг мазмунидаги метафорик маъно контекстдан ташқари йўқолиб кетади ва у доимий эмас.

Концептуал коннотация оккозионал характердаги лисоний бирликнинг нафақат эмоционаллигини, баҳоловчи ёки стилистик бўёқдорлигини ифодалаб келади, балки муаллиф ёки гапирувчи шахс томонидан матнга, асарга киритилган имплицит (яширин) маъно ва мақсадни тушуниш учун рамз вазифасини ҳам бажаради. Бундай сўзда яширинган маъно одатда лейтмотив вазифасини бажаради, яъни сўзда ифодаланган яширин маъно бутун контекст ёки асарни ўқиш жараёнида аста-секинлик билан ойдинлашиб боради. Шахснинг характерини, ички дунёсини, атроф-муҳитга муносабатини ифодаловчи бундай сўзларнинг йиғиндиси шундай қилиб турли сўзлар, сўз бирикмалари ёки уларнинг синонимларини қўллаш орқали қаҳрамон ҳақида муайян концепт ҳосил қилади. Агар бу сўзлар матндан ташқарида қўлланилса, асардагидек эмоционал таъсир кўзгата олмайди.

Матнни лингвистик тадқиқот объекти сифатида талқин қилган И.Р.Гальперин концептуалликни бадий матннинг энг муҳим категорияси ва у асарнинг асосий ғояси билан боғлиқ эканлигини таъкидлаб: «Концептуаллик атамаси бирданига эмас, аста-секинлик билан англашиладиган, уни фақат катта бир нутқ бирлигида, кўпинча каттга матн ҳажмида тушуниш мумкин бўлган янги маънога диққат эътиборни қаратади» [Гальперин, 2004] дегани бежиз эмас. Концептуал коннотацияни аниқлаш учун матнни ва унинг қисмларини атрофлича ва чуқур таҳлил қилиш зарур бўлади. Бадий асар ичидаги барча ассоциациялар ижодий жараён махсули сифатида образларни вужудга келтиради, асардаги алоҳида қисмлари асарнинг ички мазмуни билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ҳис қилинади. Француз ёзувчиси Ги де Мопассаннинг «Une vie»- «Ҳаёт» аталмиш романи сарлавҳаси айнан ана шундай концептуал коннотацияга эга.

Шундай қилиб концептуал коннотацияни ҳосил қилишда асарнинг кенг контексти, номинатив бирлик замиридаги яширин маъно, ўқувчининг муаллиф ниятини пайқашдаги интуицияси, фон билимлари каби қатор прагматик омиллар муҳим рол ўйнайди

Матн ҳосил қилувчи коннотациянинг асосий белгиларидан бири сўзлашув нутқида, диалогларда рўй беришидир. Шу сабабли матн ҳосил қилувчи коннотацияни ўрганишда суҳбатнинг тузилишига, суҳбатдошлар орасидаги муносабатнинг (масофанинг) хилма-хиллигига, суҳбат жараёнидаги ўзаро ҳамкорликка, гапирувчи шахснинг тингловчининг фон билимлари тўғрисидаги пресуппозициясига, гапдаги имплектурага, инфенцияга, яъни прагматик ифодаланган яширин маънонинг аниқланишига асосий эътибор қаратилади.

Матн таҳлили жараёнида вужудга келиши ва тузилиши жиҳатидан ўзаро фарқланадиган икки турдаги матн ҳосил қилувчи коннотация фарқланади:

1) бир сўз бирикмасини ёки унга синоним бўлган сўз бирикмаларини суҳбатдошлар томонидан турлича имплектурада қўллашларига асосланган прагматик коннотация; («Венеция» ресторани ҳақидаги мисолни эсланг).

2) фикрдаги лексик маънонинг унинг асл маъносига мос келмаслигига асосланган прагматик коннотация. Масалан, латифага асосланган қуйидаги мисолга эътибор берайлик:

Райком идорасида илғор механизаторни коммунистик партия сафига қабул қилиш масаласи кўриляпти. Бюро аъзоларидан бири унга савол беради:

- Манифестни биласанми, уни ким ёзган?

- Билмайман. Қишлоғимизда фақат Сафарнес деган киши бор, уни яхши танийман, у ҳеч қачон ёзувчилик қилмайди. -жавоб берибти механизатор.

-Ўртоқ райком, рухсат беринг, мен унинг бўйнига қўяман, бу хатни ундан бошиқа ит ҳам ёзмайди,- луқма ташлади милиция бошлиғи.

Мисолдаги имплектура гапирувчи шахсининг фон билимларига ва ижтимоий мавқеларига асосланганлигини кўраяпмиз. Айрим ҳолларда гапирувчи шахснинг қайтийлиги, олийжаноблиги ёки калтабинлиги ва ҳақоза сифатлари имплектура орқали очиб берилади.

Шундай қилиб лексик бирлик семантикасидаги тахмин қилинган яширин маъно у ёки бу даражада ҳар бир ифодаланган фикрда ўз ифодасини

топади ва объект ва субъектнинг қўшимча прагматик характеристикаларини очиб беради.

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. *Апресян Ю. Д.* Лексическая семантика / Ю. Д. Апресян // Избр. труды. – М., 1995. – Т. 1.

2. *Вставский А.Н.* Коннотативный компонент: проблемы интерпретации. Электронный научный журнал Омского гос.пед.института. Выпуск 2006* WWW.omsk.edu.

3. *Лиховидова Т.В.* Фразеографическое толкование коннотативного значения фразеологических единиц. Канд дисс. филол н. М., 1978.

4. *Стернин, И. А.* Лексическое значение слова в речи. Воронеж, 1985. Арутюнова Н.Д. Языковая метафора. Синтаксис и лексика // Лингвистика и поэтика. – М.: Наука, 1979. – с.147-173.

5. *Телия В.Н.* Коннотативный аспект семантики номинативных единиц. – М.: Наука, 1986. – 143с.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Коннотация, лексик бирликнинг коннотатив компонентлари тушунчасининг прагматик нуқтаи назардан изоҳланг.

2. *Интегрент, агдерент, концептуал, текст ҳосил қилувчи, концептуал коннотация* тушунчаларини изоҳланг.

3. Лисоний бирликлар орқали ифодаланадиган прагматик коннотациянинг баҳоловчи компонентининг икки типии ўртасидаги фарқларни изоҳланг.

4. Лисоний бирликлар орқали концептуал ва матн ҳосил қилувчи прагматик коннотация тушунчаларини изоҳланг.

5. Лисоний бирлик орқали ифодаланадиган имплекатура тушунчасини изоҳланг.

6. Лисоний бирликлар орқали иллокутив ва перлокутив прагматик ҳаракатни ифодаланиш турларини изоҳланг.

7. Берилган матндан белгилаб қўйилган сўзларни юқоридаги кетма-кетликда таҳлил қилинг:

5. Gamba paraissait évidemment embarrassé. Il causait à voix basse avec ses soldats, qui avaient déjà visité toute la maison. Ce n'était pas une opération fort longue, car la cabane d'un Corse ne consiste qu'en une seule pièce carrée. L'ameublement se compose d'une table, de bancs, de coffres et d'ustensiles de chasse ou de ménage. Cependant le petit Fortunato caressait sa chatte, et semblait jouir malignement de la confusion des voltigeurs et de son cousin.

Un soldat s'approcha du tas de foin. Il vit la chatte, et donna un coup de baïonnette dans le foin avec négligence, en haussant les épaules, comme s'il sentait que sa précaution était ridicule. Rien ne remua; et le visage de l'enfant ne trahit pas la plus légère émotion.

Отформатировано: Отступ:
Первая строка: 1 см, интервал
После: 0 пт, Междустр.интервал:

L'adjudant et sa troupe se donnaient au diable, déjà ils regardaient sérieusement du côté de la plaine, comme disposés à s'en retourner par où ils étaient venus, quand leur chef, convaincu que les menaces ne produiraient aucune impression sur le fils de Falcone, voulut faire un dernier effort et tenter le pouvoir des caresses et des présents.

- Petit cousin, dit-il, tu me parais un gaillard bien éveillé! Tu iras loin. Mais tu joues un vilain jeu avec moi; et, si je ne craignais de faire de la peine à mon cousin Mateo, le diable m'emporte!, je t'emmènerais avec moi.

- Bah !

- Mais, quand mon cousin sera revenue, je lui conterai l'affaire, et, pour ta peine d'avoir menti, il te donnera le fouet jusqu'au sang.

- Savoir?

- Tu verras... Mais tiens... sois brave garçon, et je te donnerai quelque chose.

- Moi, mon cousin, je vous donnerai un avis: c'est que, si vous tardez davantage, le Gianetto sera dans le maquis, et alors il faudra plus d'un luron comme vous pour aller l'y chercher.

L'adjudant tira de sa poche une montre d'argent qui valait bien dix écus; et, remarquant que les yeux de petit Fortunato étincelaient en la regardant, il lui dit en tenant la montre suspendue au bout de sa chaîne d'acier:

- Fripon! Tu voudrais bien avoir une montre comme celle-ci suspendue à ton col, et tu te promènerais dans les rues de Porto-Vecchio, fier comme un paon; et les gens te demanderaient: « Quelle heure est-il ? » et tu leur dirais: « Regardez à ma montre. »

- Quand je serai grand, mon oncle le caporal me donnera une montre.

- Oui; mais le fils de ton oncle en a déjà une... pas aussi belle que celle-ci, à la vérité... Cependant il est plus jeune que toi.

L'enfant soupira.

- Eh bien, la veux-tu cette montre, petit cousin?

5. Гамба нима қилишини билмай гангиб қолган одамга ўхшарди. У уйни аллақачон титқилаб чиққан аскарлар билан шивирлашиб, алланималарнидир маслаҳатлашди. Уйни текшириб чиқишга кўп вақт ҳам кетмади. Чунки ҳар қандай корсикаликнинг кулбаси тўртбурчак биттагина хонадан иборат бўлади. Уй жиҳозлари: ҳам овқат учун, ҳам каравот вазифасини бажарувчи столдан, кўрсилардан, сандиқлардан, ов анжомлари-ю, рўзгор буюмларидангина иборат бўлади. Болакай Фортунато бу пайтда мушугини силаб, ёлланма аскарларни, тоғажонисини бошлаб чув туширганидан ўзича хурсанд бўлиб ўтирарди.

Аскарлардан бири тичан гарамига яқинлашди. Мушукни кўриб, лоқайдлик билан гарамга милтигининг найзасини санчиб кўрди ва ўзининг бундай эҳтиёткорлиги кулгули эканлигини ҳис қилгандай, елкасини қисиб қўйди. Фарам ичида ҳеч нарса гимир этмади, боланинг қиёфасида ҳам энгилгина бўлсада, хавотирлик аломатлари сезилмасди.

Сержант ва унинг аскарлари аллақачон умидсизликка тушиб қолишган; келган томонларига қайтиб кетишга чоғлангандек, сайхонлик томон жиддий нигоҳ ташлаб бошладилар, уларнинг бошиги-сержант эса, Фальконнинг ўғлига дўқ-нўписалар зигирча ҳам таъсир қилмаётганига амин бўлгач, охириги чора: эркалатиб ва бирор нарса тортиқ қилиш орқали унинг кўнглини топиб, сирни билиб олишга аҳд қилди.

- *Жиянжон!* - деди у. - *Сен ўзинг азамат бола кўринасан. Келажакда мартабанг улуг бўлади. Бироқ, сен мен билан бемаъни ўйин қилаяпсан. Агар биродарим Матеони ранжитиб қўйишдан қўрқмаганимда, ўлай агар, сени қамоққа тиқишга олиб кетардим.*

- *Ўғ-э!*

- *Қараб тур, биродарим қайтиб келсин, мен унга бор гапни айтиб бераман, ёлгон гапирганинг учун бурнингдан қонинг келгунича савалатаман.*

- *Кўрамиз-да!*

Отформатировано: Отступ:
Первая строка: 1 см, интервал
После: 0 пт, Междустр.интервал:
одинарный

-Ҳа, кўрасан... Менга қара, агар кўрқмасдан ҳаммасини айтиб берсанг, мен сенга бир нима тортиқ қилган бўлардим.

-Мен эса, тогажон сизга яхши бир маслаҳат бермоқчиман. Агар сусткашлик қилиб, бу ерда ўтираверсангиз, ярамас Жаннетто бемалол макига етиб олишга улгуради. Кейин уни у ердан тутиб олиш учун сиздақалардан яна анчаси керак бўлади.

Сержант чўнтагидан кумуш соатини чиқарди. У камида ўн эю турадиган қимматбаҳо соат эди. Соатга қараб, болакай Фортунатонинг кўзлари ёниб кетганини сезган сержант, соатнинг нўлат занжирининг учидан ушлаб осилтирганича унга гапира бошлади:

-Ҳой муғомбир! Кўкрагинга мана шунақа соатни осиб олиб, Порто-Веккьо кўчаларида товусдай гердайиб юргинг келар-а? Йўловчилар сендан «Соат неча бўлди?» деб сўрашади, сен эса: «Мана ўзингиз кўра қолинг»,- деб соатни тутган бўлардинг.

- Катта бўлсам, капорал амаким албатта менга соат совға қилади.

-Эҳтимол. Бироқ амакинг ўғлига аллақачон соат олиб берган. Тўғри, у бунчалик чиройли эмас...Қолаверса, амакингнинг ўғли сендан анча кичкина.

Бола хўрсиниб қўйди.

-Хўш, жиянжон, соатли бўлгинг келаяптими?

7. ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР СЕМАНТИКАСИДАГИ КОГНИТИВ-ПРАГМАТИК АХБОРОТ ВА УЛАРНИ ТУШУНИШ УСУЛЛАРИ

Фразеологизм семантикасидаги прагматик ахборот нутқ жараёнида ёки матнда муайян коммуникатив вазиятда реаллашиб, лингвистик ва экстралингвистик, тарихий–маданий, ижтимоий-маданий, этимологик ахборотларни ифодалаб, мулоқот иштирокчиларининг (муаллиф, китобхон-сўзловчи-тингловчи) прагматик мақсад ва муносабатларни ифодаловчи лисоний воситалардир. Бу жараёнда адресат(муалиф, сўзловчи) прагматик маънонинг, яъни муносабат билдирувчининг субъектив баҳоловчиси вазифасини бажаради. Субъектнинг объектни баҳолаши табиат, одамлар, нарса ва ҳодисаларга нисбатан ижобий, салбий, нейтрал муносабатларда, оламни лисоний идрок қилишдаги миллий, маданий, этнографик, ижтимоий мавқе, этнографик хусусиятларини ифодаловчи лисоний бирликларда ўз аксини топади. Улар фразеологик бирлик семантикасидаги миллий маданий коннотатив компонентлар дея юритилиб, тил концептосферасига кирувчи тушунчалар сифатида ўрганилади (Королова 1982).

Фразеологик бирликлар семантикасида ифодаланадиган прагматик ахборотда прагматик мақсад ва муносабат, коннотатив образлилик,

миллий-маданий ўзига хосликлар бошқа лисоний бирликларга қараганда кучлироқ ифодаланади.

Прагматик ахборотдаги маънони англашда фразеологизм таркибидаги қуйидаги макростратегик координатлар аниқланади: а) фразеологик бирликни қўллашдан мақсад(функциялар); б) бунда қандай нутқий ҳаракатлар амалга оширилади; в) нутқий ҳаракатлар орқали коммуникантлар ўртасида қандай прагматик муносабатлар юз беради (субъект-объект муносабатлари); г) фразеологик бирлик қўлланилган матннинг прагматик потенциали (китобхонга, тингловчига таъсири), унда муаллифнинг, сўзловчининг коммуникатив интенцияси. Бундай ахборот рецепторнинг когнитив ментал онгида таҳлил қилинганда, фразеологизмнинг ҳақиқий маъносининг идрок қилиш жараёни бошланади ва тингловчида (китобхонда) ахборотга нисбатан вербал прагматик муносабатлар юз беради.

Идрок қилиш манбадаги ахборотнинг имплицитлиги ва эксплицитлигида, билдирилган ахборотнинг онгли ёки онгсиз идрок қилиниши билан боғлиқ.

Муаллифнинг(сўзловчининг) ментал нияти турли вариантлардаги мазмунни ифодалаш мумкинлиги туфайли дастлаб, англаш учун фразеологизмнинг матндаги денотатив структурасига таянилади. Бу ўринда фразеологик маъно бирликнинг ўзидан ёки контекст ёрдамида идрок қилинадиган фразеологизмлар фарқланади.

Маълумки, фразеологизмлар таркибидаги прагматик ахборот мулоқот жараёнига, матнга эмоционаллик, ифодадорлик, интенсивлик берадиган, фикрни эстетик таъсирли ифодалашда турлича ассоциациялардан фойдаланиб, образли ифодалашда муҳим рол ўйнайди.

Профессор А.Маматов фразеологизм семантикасидаги образлиликни тушунишнинг бешта асоси ҳақида фикр билдиради:

1. Тилда мавжуд бўлган эркин сўз бирикмаси ифодаловчи маъно билан фразеологизм ифодалайдиган маънодаги ўхшашликка асосланган образлилик. Масалан:

Etre en colère – газабланмоқ = Tirer son épee – қиличини ялонгочламоқ – газабланиб кетмоқ.

2. Фразеологик характерга эга бўлмаган турғун сўз бирикмасига асосланган фразеологик образлилик:

Piler sous le poids du travail – оғир меҳнат туфайли қадди букилмоқ = avoir l'échine souple – кимнингдир оёғига тиз чўкмоқ.

3. Ибора ёки лисоний бирликнинг сўзма-сўз маъносига асосланиб ясалган фразеологик образлилик:

Être en hausse- мансаби кўтарилмоқ = faire son chemin ;

4. Айрим иборалар компонентларининг сўзма-сўз маъносига асосланган фразеологик образлилик:

Se mettre sur les bancs = ўқишга кирмоқ;

Avoir de la barbe au menton = ияғига сақол битмоқ, ҳақиқий эркак (йигит) ёшига етмоқ.

5. Фразеологик бирликнинг асосий маъносига асосланиб вужудга келган образлилик: *La saison d'or – олтин куз = La saison d'or - кексалик, умрнинг охири* (Маматов2015:10-12) .

Фразеологик маънони аниқлашда тадқиқотчидан куйидаги фаолият турларини режалаштириш талаб қилинади: 1) фразеологик бирликлар ҳақидаги билимларни тўлиқ эгаллаб олиш; 2) фразеологик бирликларни матн ичидан ажрата олиш; 3) фразеологик маънони англашда нафақат уларнинг семантикасини, балки экспрессив-семантик, прагматик функцияларини ҳам фарқлай олиш.

Фразеологик маънони англашдаги кўпчилик хато-камчиликлар айнан уларни матн ичидан таний олмаслик билан боғлиқ. Тингловчи ёки китобхон уларни кўпинча эркин сўз бирикмалари деб тушунади ва бу уларни оддий

сўзлар воситасида тушунилишига сабаб бўлади. Тингловчи ёки китобхон уларни муаллиф(сўзловчи)нинг индивидуал услуби сифатида ҳам тушуниши мумкин ва бу эркин сўз бирикмаларини тургун сўз бирикмаси сифатида тушунилишига олиб келади. Масалан, француз ёзувчиси О.Бальзакнинг «Евгения Гранде» асаридан олинган қуйидаги парчадаги хизматкор аёлнинг ташқи қиёфасини тасвирлаш учун қўлланилган « *une taille de cinq pieds huit pouces*» жумласига эътибор берайлик: *La grande Nanon ainsi nommée à cause de sa taille de cinq pieds huit pouces appartenait à Grandet depuis trent-cinq ans.* Узунлик бирликларини ифодаловчи сўзлардан ташкил топган бу иборадаги « *pied*» - *оёқ*, «*pouce*»- *бармоқ* маъносини беришлиги билган китобхон ёки *сухбатдош* жумлани «*оёқ қўли чаккон, баланд бўйли аёл*» дея тушуниши мумкин. Аслида эса бу жумла хизматкор *аёлнинг бўйи беш футу саккиз дюм* (тахминан 1 метр 75 см.) эканлигини ифодалаяпти холос.

Қўлланилишдан чиқиб кетган ва луғатларда белгиланмаган фразеологизмлар, фақат алоҳида ижтимоий гуруҳларга таниш бўлган фразеологизмлар орқали ифодаланадиган прагматик ахборот кўпинча уларни тушунилишида муайян қийинчиликлар туғдиради.

Шунингдек, фразеологик ахборот бошқа тил вакиллари учун номаълум бўлган, жамиятнинг муайян бир ижтимоий-маданий қатламига мансуб персонажлар тилини, хулқ-атворларини, характерларини, ўзаро муносабатларидаги дейктик белгиларини ҳам ифодалалаш мумкин. Китобхон ёки тингловчини фразеологик бирликдаги прагматик ахборотни хато тушунишга мажбур қилувчи омиллардан яна бири – ифодаланган маъноларнинг бир хиллиги, аммо бу маъно бошқа тилларда ўзгача лексик бирликлар орқали ифодаланишидир. Бундай ҳолларда таржима тилида мавжуд бўлган, аслиятга семантик эквивалент бўла оладиган эквивалентлар танланади. Масалан, «*froid de loup*»(сўзма-сўз: *бўри совуғи*)- «*қаҳратон совуқ*»; «*le loup mourra dans sa peau*» (сўзма-сўз: *бўри ўз терисида ўлади*)- «*букрини гўр тўғрилайди*».

Демак, фразеологик бирликлар тингловчи ёки китобхондан, мугаржимдан нафақат аслият ва таржима тилларини яхши билишликни, балки аслият тилидаги стилистик, маданий-тарихий фактлардан тўлиқ хабардор бўлишликни, уларни таржима тилида тушунишда ўзига хос усул ва воситалардан тўғри фойдаланиш ҳам талаб қилади.

В.С.Виноградовнинг фикрича, фразеологизмлар семантикасидаги ахборотни англашда уларни учта катта гуруҳга бўлиб ўрганиш муҳимдир зарур:

1.Лексик фразеологизмлар. Масалан: **«le vieux routier»** (сўзма-сўз: қари йўловчи)- *стреляный воробей - тўллак; қув пихини ёрган; кўпни кўрган одам;* **«le bouc émissaire»** (сўзма-сўз: элчи така) -*козел отпущения- ҳамма балога тўғонок, балагардон;* **«montrer les talons»** (сўзма-сўз: тавонини кўрсатмоқ) - *сматывать удочки- думини тугмоқ; жуфтакни ростламоқ..*

2.Предикатив фразеологизмлар. Масалан: **« la vérité finit toujours par percer au dehors»** (сўзма-сўз: яширилган ҳақиқат бир кун ёриб чиқади)= *бигизни қонда яшириб бўлмайди; ойни этак билан ётиб бўлмайди; касалини яширсанг, иситмаси ошкор қилар;* **« un tiens- vaut mieux que deux tu l'auras»-** (сўзма сўз: бир қариндошинг икки бегонадан афзал)= *узоқдаги қўйруқдан, яқиндаги ўпка яхши.*

3.Тилда мустаҳкам турғунлашган компаратив фразеологизмлар. Масалан, **«rusé comme le renard»= тулкидек айёр;** **« dure comme la pierre»= тошдек қаттиқ ва ҳақозо** (Виноградов2004:181)

Нутқ жараёнида, айниқса бадиий асар матнида муаллифнинг индивидуал мақсадларига кўра фразеологизмлар турли деформацияларга, таркибий ўзгаришларга учраши мумкин. Бу одатда муаллиф томонидан персонаж тилига киноя ва юмор, нутқ жараёнга тантанаворлик ёки кулгили тус бериш мақсадида турлича прагматик характердаги экспрессив-эмоционал, баҳоловчи воситаларни киритишни кўзда тутувчи стилистик усулдир.

Фразеологик бирликлар таркибидаги прагматик ахборотни ўзбек тилида идрок қилиш кўпинча трансформациялар орқали амалга оширилади. Трансформация (тадбил) – бу таржимавий хатоларни бартараф қилишнинг, аслиятнинг лексик, грамматик, стилистик, прагматик сатҳидаги маъно мазмунни таржима тилида бошқа воситаларни қўллаб тушуниш усулидир.

Прагматик ахборотни англашда фразеологизмларнинг нутқ жараёнидаги функцияларини таҳлил қила билиш ҳам муҳимдир. Улар бадиий матнда, нутқда қуйидаги прагматик функцияларни бажаради:

- 1) фразеологик бирлик субъектнинг объектга нисбатан баҳоловчи, эмотив, экспрессив муносабати, нутқий ҳаракатини ифодалайди;
- 2) фразеологик бирлик субъектнинг волюнтатив, яъни адресатнинг бирор иш ҳаракатга ундашини, коммуникатик-прагматик мақсадини ифодалайди;
- 3) фразеологик бирлик орқали ифодаланадиган прагматик маъно аппелятив функцияни бажариб, адресатнинг нутқий ҳаракатини бажаришга даъватини ифодалайди;
- 4) фразеологик маънонинг муносабат ўрнатувчи функцияси, яъни муайян нутқ вазиятларида адресатнинг (тингловчи-китобхонни) диққат-этиборининг тортиш, прагматик таъсир қилиш, бу орқали суҳбатдошни жавоб реакциясига рағбат уйғотиш вазифасини бажаради.
- 5) фразеологик ахборот мулоқот жараёнида экспрессив эстетик таъсир қилиш функциясини ҳам бажаради. (Вольф 1985:228).

Фразеологик бирликнинг коннотатив-прагматик маъноси шу ўринда фикрни икки планда ифодалаш учун хизмат қилади: биринчидан оламдаги, аъроф–борликдаги нарса ва воқеалар иккиламчи номинция қилинади ва иккинчидан, субъектнинг объектга турлича баҳоловчи муносабатларини ифодалайди.

Фразеологик бирлик семантикасидаги импликация, пресуппозиция, инференция, имплекатура, аллюзия ва ҳ. орқали ифодаланадиган прагматик

маънони ёки когнитив-фон ахборотни англаш қуйидаги омилларга таянилган ҳолда идрок қилинади:

а) фразеологизм қўлланилган нутқ вазияти. Бунда мулоқот содир бўлган жой, шароит, вақт, коммуникантларнинг ўзаро муносабатларидаги ижтимоий мавқе, (дейктик воситалар):

б) коммуникантлар ўртасидаги суҳбат услубини, характерини, мавзусини белгиловчи дистанция, қўшимча тушунтиришлар бериш заруратининг йўқлиги, аввалдан маълум бўлган ахборотни четлаб ўтиш имкониятининг мавжудлиги(имплекатура);

в) мулоқот жараёнида суҳбатдошларнинг турли соҳаларга доир фон билимлардан фойдаланиш даражаси (лисоний тажриба бойлиги);

г) мулоқот жараёнида қўлланилган пресуппозицияли ёки имплицит ахборотнинг суҳбатдошлар томонидан аниқ тушунилиш даражаси;

д) фразеологик бирлик қўлланиш жараёнидаги прагматик мақсаднинг аниқлиги, мулоқот жараёнидаги ўзаро ҳамкорлик;

е) мулоқот жараёнида нутқ одоби талабларига жавоб бера оладиган ўзаро хушмуомилалик.

Одатда фразеологик маъно лексик маънога қўшимча коннотатив прагматик маъноларни қўшиш орқали ясалади. Масалан, «*débaucher*» феълининг денотатив маъноси – *фахшига бошламоқ, ахлоқни бузишига ундамоқ, ҳаддан ортиқ эркалатиб, талтайтириб юбормоқ*», коннотатив маъноси – *шидан бўшатмоқ*» бўлса, шу сўз асосида ясалган фразеологизмлар семантикасида вужудга келган коннотатив маънода турли соҳаларга доир қўшимча ахборотлар вужудга келганлигини кўраимиз:

Débauche des couleurs – *масвирий санъатда ранглارнинг тартибсиз ишлатилиши*;

Etre en débauche – *айиш- ишратга берилиб ҳаёт кечирмоқ*;

Faire une petite débauche – *бирозгина ўзини бебош ҳаёт кечиришига йўл қўймоқ*;

Faire une petite débauche de table – Дастурхондан ҳаддан ортиқ кўп таом истеъмол қилмоқ.

Фразеологизмлар семантикасидаги прагматик-коннотатив маънолар одатда бирор мотивга асосланади. Ҳар қандай мотив қиёслашга асосланадиган образлар орқали вужудга келади ва у фразеологик номинация жараёнида ҳам иштирок этади. Масалан, француз талабалари нутқида қўлланиладиган фразеологизмларда мотивнинг қуйидаги турлари иштирок этади:

1. Лексик бирликларни маълум бир коммуникатив вазиятда кўчма, образли маънода қўлланилиши орқали ҳосил бўлган мотив:

La bombe atomique – (сўзма-сўз: атом бомбаси) = кетиворган қиз;

Patiner dans la blédine – (сўзма-сўз: бўтқа ичида сузмоқ(сирпанмоқ)) = дарсда саволларга жавоб бера олмаслик;

Passer à la casserole (сўзма-сўз: кастрюлька ичига кирмоқ) = имтиҳон топширмоқ;

Tomber sur un bec (сўзма-сўз: бирор кишининг бурни остига йиқилиб тушмоқ) = имтиҳондан йиқилмоқ;

Etre sur les ronules (сўзма-сўз: тиз чўкиб турмоқ) = чарчоқдан тик тура олмаслик;

Temps de chiande (сўзма-сўз: тушунмасдан ёдлаб олиш даври) = имтиҳонларга тайёрланиш даври.

2. Товушларга тақлид қилиш асосида ҳосил қилинадиган мотив:

En glouglouter (қулқиллатмоқ) *ipe* = ичимликни шиша идишининг бўғзидан ичмоқ.

3. Сўзнинг морфологик ва синтактик шаклига асосланган мотив:

S'occuper de ses oignons (сўзма сўз: ўз пиёзи билан шуғулланмоқ) = бировнинг ишига бурун тиқмаслик;

Se prendre un carton (сўзма сўз: картон қоғоз олмоқ) = имтиҳондан ёмон баҳо олмоқ.

4. Жой номларига асосланган мотив:

On dirait qu'il a chié la colonne Vendome –(Париждаги машхур колонна номи)= у ўлгудек шухратпараст.

5. Сўз этимологиясига асосланган мотив:

Un pâté-rillette (сўзма сўз: *паишем*) ёки *un fromage blanc* (творог)= насл-насаби асл француз.

Шундай қилиб фразеологизм семантикасидаги прагматик ахборотни тушунишда лисоний бирликнинг фразеологик маъноси, бу маъно орқали ифодаланувчи прагматик мақсад, бу мақсад орқали юз берадиган нутқий ҳаракат, бу ҳаракатдаги прагматик муносабатларнинг воқеланиши иштирок этади.

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. *Виноградов В.С.* Перевод. Общие и лингвистические вопросы. М. 2004.-240 с.

2. *Вольф Е.М.* Функциональная семантика оценки. М.: Наука, 1985, - 279с.

3. *Королева А.Л.* Передача образности в переводе как прагматическая проблема.// Прагматика языка и перевод. С.науч. тр. М., 1982

4. *Левковская Н.А.* Прагматическая установка текста и прагматическая установка адресата // Коммуникативные единицы языка: структурные, семантические, прагматические аспекты. М.,1990. с.125-130.

5. *Маматов А.Э.* Ряд специфических особенностей, свойственных фразеологической образности. Грамматик ва семантик муаммолар ҳамда уларнинг қиёсий-типологик тадқиқи. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Самарқанд, 2015, 12-13 июнь, 10-12 бетлар.

Мавзун мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Прагматик маънони англаш жараёнида фразеологизм таркибидаги макростратегик координатларни изоҳланг.

2. Матндаги фразеологизм орқали ифодаланган прагматик ахборотнинг имплицитлиги ва эксплицитли тушунчаларини изоҳланг.

3. Берилган матндан фразеологик бирликлар орқали француз халқига хос миллий ўзига хосликлар, миллий қадриятлар, ижтимоий ахлоқ, оламга, одамларга муносабатни ақс эттирувчи прагматик маъно ифодаланган лисоний бирликларни таҳлил қилинг.

6. Fortunato, lorgnant la montre du coin de l'oeil, ressemblait à un chat à qui l'on présente un poulet tout entier. Et comme il sent qu'on se moque de lui, il n'ose y porter la griffe, et de temps en temps il détourne les yeux pour ne pas s'exposer à succomber à la tentation; mais il se lèche les babines à tout moment, et il a l'air de dire à son maître : “ Que votre plaisanterie est cruelle !”

Cependant l'adjudant Gamba semblait de bonne foi en présentant sa montre. Fortunato n'avança pas la main; mais il lui dit avec un sourire amer:

- Pourquoi vous moquez-vous de moi ?

- Par Dieu! Je ne me moque pas. Dis-moi seulement où est Gianetto, et cette montre est à toi.

Fortunato laissa échapper un sourire d'incrédulité; et, fixant ses yeux noirs sur ceux de l'adjudant, il s'efforçait d'y lire la foi qu'il devait avoir en ses paroles.

-Que je perde mon épaulette, s'écria l'adjudant, si je ne te donne pas la montre à cette condition! Les camarades sont témoins; et je ne puis m'en dédire.

En parlant ainsi, il approchait toujours la montre, tant qu'elle touchait presque la joue pâle de l'enfant. Celui-ci montrait bien sur sa figure le combat que se livraient en son âme la convoitise et le respect dû à l'hospitalité. Sa poitrine nue se soulevait avec force et il semblait près d'étouffer. Cependant la montre oscillait, tournait, et quelquefois lui heurtait le bout du nez.

Enfin, peu à peu, sa main droite s'éleva vers la montre : le bout de ses doigts la toucha ; et elle pesait tout entière dans sa main sans que l'adjudant lâchât .pourtant le bout de la chaîne... le cadran était azuré... la boîte nouvellement fourbie... ; au soleil, elle paraissait toute de feu... La tentation était trop forte.

Fortunato éleva aussi sa main gauche, et indiqua du pouce, par-dessus son épaule, le tas de foin auquel il était adossé. L'adjudant le comprit aussitôt. Il abandonna l'extrémité de la chaîne ; Fortunato se sentit seul possesseur de la montre. Il se leva avec l'agilité d'un daim, et s'éloigna de dix pas du tas de foin, que les voltigeurs se mirent aussitôt à culbuter. On ne tarda pas à voir le foin s'agiter ; et un homme sanglant, le poignard à la main, en sortit ; mais, comme il essayait de se lever en pied, sa blessure refroidie ne lui permit plus de se tenir debout. Il tomba. L'adjudant se jeta sur lui et lui arracha son stylet. Aussitôt on le garrotta fortement malgré sa résistance.

6. Соатга кўз қирини ташилаб турган Фортунато эгаси бутун жўжани кўрсатиб эрмак қилаётган мушукнинг ҳолига тушиб қолганди. Мушук эгаси атайлаб унинг жигига тегишни хошлаётганини ҳис қилиб, жўжага панжа уришга ботинолмайди, лаззат васвасасидан ўзини тийиши учун ўқтин-ўқтин кўзларини четга буради, бироқ дақиқа сайин оғзини ялайди ва бутун қиёфаси билан хўжайинига «ҳазил ҳам шунақа бешафқат бўладими?» - деётгандек қарайди.

Бироқ сержант Гамба соатни ростдан ҳам унга совга қилмоқчига ўхшарди. Фортунато соатга кўл чўзишига журъат қилмади, лекин:

-Нега мени мазах қилятсиз? - деди алам билан.

-Худо ҳақи, мазах қилаётганим йўқ. Жаннетто қаерга яширинганини айтсанг бас, бу соат сеники.

Фортунато шиоңқирамайгина жилмайиб кўйди. Қора кўзларини сержантаникига синчковлик билан қадаб, унинг гапларига шионса бўлиш- бўлмаслигини ўқиб олмоқчи бўлди.

-Шу шарт билан соатни сенга бермасам, елкамдаги эполетларимдан айрилай, - хитоб қилди сержант. - Мана, аскарлар гувоҳ бўлишсин, мен сўзимдан қайтмайдиган одамман.

Шу сўзларни айтarkan, сержант занжирда осилиб турган соатни тобора Фортунатога яқинлаштиради, у боланинг бўздек оқариб кетган юзига тегиб - тегиб кетарди. Айни пайтда боланинг қиёфасида, қалбида рўй бераётган соатга эга бўлиш иштиёқи билан меҳмондўстлик бурчи ўртасида рўй бераётган кескин кўраш ҳам ўз ифодасини топиб турарди. Унинг ялонғоч кўкраги оғир-оғир кўтарилиб тушар, гўё ҳаво

Отформатировано: Отступ:
Первая строка: 1 см, интервал
После: 0 пт, Междустр.интервал:
одинарный

Отформатировано: Отступ:
Первая строка: 1 см, интервал
После: 0 пт, Междустр.интервал:
одинарный

етишмай қолаётгандек ҳансираб нафас оларди. Соат эса, ҳамон унинг рўпарасида чайқалар, занжирида айланар, аҳён- аҳёнда боланинг бурни учига тегиб ҳам кетарди. Ниҳоят Фортунато журъатсиз равишда аста - секин соатга ўнг қўлини чўзди, бармоқларининг учи билан соатни ушлади, сержант ҳамон унинг занжирдан ушлаб турган бўлса-да, у ўз кафтларида соат оғирлигини сизди. Рақамлари мовий соат... қопқоғи ҳам ярқираб турибди... Қуёш нурида оловдек ярқираётгандек. Бундай совгани қўлга киритиш вазвасасидан воз кечиш амри маҳол эди.

Фортунато чап қўлини қўтариб, бош бармоғи билан елкаси оша ўзи суяниб турган пичан гарамига шиора қилди. Сержант уни дарров тушунди ва соат занжирини учини қўйиб юборди. Энди Фортунато ўзини соатнинг ягона хўжайинидек ҳис қила бошлади. У кийикдек чаққонлик билан ўрнидан сақраб турди-да, ёлланма аскарлар аллақачон тита бошлаган пичан гарамидан ўн қадам нарига бориб турди.

8. ПРАГМАТИК МАЗМУННИ ИМПЛИЦИТ (НОВЕРБАЛ, БЕВОСИТА)

ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ВОСИТАЛАР: ИМПЛИКАЦИЯ, ПРЕСУППОЗИЦИЯ, ПРОПОЗИЦИЯ, РЕФЕРЕНЦИЯ, ЭКСПЛИКАТУРА, ИНФЕРЕНЦИЯ, РЕЛЕВАНТЛИК

Тилдаги имплицитлик муаммосини ва унинг бадиий матнни тушунишдаги ролини тадқиқ қилиш ҳозирги замон прагмалингвистикаси, когнитив тилшунослиги билан шуғулланаётган тадқиқотчилар учун энг мураккаб ва кизиқарли масалалардан биридир. Ўзида имплицит ахборотни мужассам қилган, муаллиф томонидан вербал ифодаланмаган, китобхон ёки тингловчининг ўзи англаб етишни кўзда тутадиган бундай яширин маънолар бадиий асарнинг эмоционал, прагматик таъсирини, муаллифнинг бадиий маҳоратини белгилаши бугунги кунда сир эмас. Бадиий матнда имплицит ифодаланган фикр, унинг ифодаланиш турлари ва воситалари бир асрдан бери нафақат тилшуносларни, балки адабиётшуносларни, файласуфларни, рухшунос олимларни ҳам кизиқтириб келмоқда. Бу борада илгари сурилган ғоялар, концепциялар, йўналишлар шунчалик кўп бўлишига қарамадан ханузгача имплицит ахборотнинг моҳияти, унинг тингловчининг (ўқувчининг) реакциясига боғлиқлиги, имплицит ахборотни тушуниш механизми борасида хилма-хил баҳслар давом этиб келаяпти. Бу борада лингвистик, психологик, психоллингвистик, когнитив ва прагматик нуқтаи назардан амалга оширилган назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг

Ўзиёқ тил ва нутқдаги имплицитлик муаммоси кўп аспектли ва кўп қиррали эканлигидан далолат беради.

Тилда ва нутқда имплицитлик муаммоси бугунги кунда тилшуносларни, мантиқ ва файласуф олимларни қизиқтириб келаётган, ўзининг мураккаб семантик таркиби билан, тилда турлича воситалар билан ифодаланиши билан энг қизиқарли ва мураккаб муаммолардан биридир. Муаммонинг назарий асослари И.В. Арнольд 1982, 1991; С.А. Аскольдов 1997; А.В. Бондарко 1978, 1984; Е.С. Кубрякова 1981, 1991, 1996, 2002; А.А. Масленникова 1999; Ю.М. Скребнев 1975, 1985, 1990; Ю.С. Степанов 1971, 1997, 2002 ва кўплаб бошқа олимларнинг тадқиқотларида атрофлича ўрганилган.

Лисоний воситалар орқали ифодаланган ахборотнинг муайян бир тилнинг грамматик, синтактик қурилишига боғлиқлиги имплицитликнинг грамматик аспекти ташкил қилса, яширин ифодаланган маънонинг стилистик, прагматик, когнитив аспектида қиёслаб ўрганилишини унинг тил ва нутқ жараёнида қўлланилишини тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Ҳозирги замон тилшунослигида фикрнинг имплицит ифодаланиши нутқий актнинг аспектиал, темпорал, модал, персонал, локатив, посессив аспектида тадқиқ қилиниб келинмоқда-ки, бу борада ҳамон баҳслар давом этаётганини, айниқса имплицит ахборот тушунчасини изоҳлашда ягона таърифнинг мавжуд эмаслиги кузатилмоқда. Жумладан, айрим олимлар [Т.И.Сильман (1969), А.А.Брудный (1976), К.А.Долинин (1983)] имплицит маънони ўрганишда асос сифатида лексик бирликларни тан олсалар, бошқалари уни мулоқат акти жараёнида тадқиқ қилиш фикрини илгари сурадилар.[И.В.Арнольд (1982), А.В.Бондарко (2006), А.Г. Баранов (2007), Г.К. Хамзина (1997)]. Бундай хилма-хил ёндашувларни имплицит маънони вужудга келтирувчи лисоний воситалар талқинида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, айрим тилшунослар имплицит ифодаланган маънони подтекст, пресуппозиция, лакуна, аллюзия, «тўлиқ ифодаланмаган фикр» [Т.И. Сильман (1969), В.Я. Мыркин (1976), А.А. Брудный (1976), И.Р.

Гальперин (1981)] дея атасалар, бошқалари уларнинг барчасини имплицит ифодаланган фикр, ёки импликация дея аташни [Арнольд (1983), Долинин К.А (1983), А.Г. Баранов (2007), Хамзина Г.К(1997)] маъқул кўрадилар. Фикримишча, юқорида келтирилган атамаларнинг барчаси фикрнинг имплицит ифодаланишида баробар иштирок этишади ва биз ҳам уларни фикрни имплицит ифодалаш воситалари деган талқинга қўшиламыз.

Тилшуносликда ахборотнинг лисоний белгилар орқали бевосита ифодаланиши фикрнинг *эксплицит* ифодаланиши, фикрнинг лексик ва грамматик белгилари орқали узул ифодаланмаган, аммо тингловчи ёки ўқувчи томонидан мустақил идрок қилишни кўзда тутувчи маъноси *имплицит* ифодаланган маъноси дея талқин қилиниши барча тилшунослар томонидан тан олинган ягона таърифдир (Долинин 1983:37).

Шу нуқтаи назардан прагматик таҳлилда новербал (имплицит) ифодаланадиган фикрнинг вужудга келишининг умумий механизмларини аниқлаш ва бундай фикр вужудга келишининг энг муҳим лингвистик ва экстралингвистик факторларини аниқлаш муҳимдир. Аммо бу муаммони ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотларнинг хаддан ташқари кўплигига қарамадан, унинг лингвоконцептуал ва когнитив аспектда, жумладан кардош бўлмаган тиллар мисолида қиёслаб ўрганилиши ҳамон ўз ечимини топмасдан келинмоқда Жумладан, *импликация*, *имплицитлик*, унинг моҳияти, унинг фикрни формал структураларида вокеланиши, бир тилда ифодаланган имплицитлик турлари ва уларнинг бошқа тилларда қайта тикланиши каби масалаларда ҳамон олимларнинг турлича қарашлари мавжудлиги кузатилмоқда.

Импликация дейилганида, китобхон ёки суҳбатдош мулоқот жараёнида дуч келадиган, муаллиф томонидан матн ҳосил қилишда қўлланилган вербаллашмаган шакллардаги, китобхон ёки суҳбатдошнинг ўзи англаб олишга мўлжалланган новербал (назарда тутилган, яширин) ахборотлар тушунилади. Шу нуқтаи назардан тадқиқотларда *«имплицитлик»*, «

импликация», «имплицитив» «тагмаъно»(подтекст) каби тушунчаларнинг аралаш ишлатилиб келинаётганлигини, кўпинча улар турли типдаги пресуппозициялар, семантик мураккаб шакллар, турли шаклларда назарда тутилган, вербал ифодаланмаган ахборот турлари билан аралаш ишлатилиб келинаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Тадқиқотларда *импликация* ва *имплицитлик* тушунчасини талқин қилишда икки хил ёндашувни кузатиш мумкин. Биринчи ёндашувда импликация умумий лингвистик тушунча сифатида мантикий тушуниладиган, инсоннинг психологик фаолияти билан боғлиқ бўлган жараён сифатида талқин қилинади ва имплицитлик тилнинг объектив ходисаси сифатида унинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Иккинчи ёндашувда импликация соф лисоний ходиса сифатида, тилшунослик нуқтаи назардан ўрганилади ва бу ўринда унинг таъсир доираси бирмунча торайтирилганлиги кузатилади. Бу ўринда энди имплицитлик *пресуппозиция, подтекст, эллипсис* ва бошқа кўзда тутиладиган маънолар сифатида ўрганилади. Лингвистик ёндашув орқали импликациянинг аниқ ифодаланадиган каузуал типларини, сабаб ва натижага боғлиқ бўлган типларини аниқланади.

Дастлаб имплицит маънони аниқлашда тингловчига ёрдам берувчи «таянч» нуқталар ҳақида тўхталсак. Рус тилшунос олими А.И. Шевченко уларни учта типга бўлади: 1) контекст, 2) визуал-ҳиссий вазият, 3) тингловчининг (ўқувчининг) фикрнинг вербал компонентларининг синтактик-семантик хусусиятларига асосланган хусусий апперцепцион базаси(фон билимлари) (Шевченко 1983:23). Иккинчи бир тадқиқотчи А.В. Бондарко юқоридаги типларни яна алоҳида бўлақларга бўлиб, имплицит ифодаланувчи маънони аниқлашда 1) фикрнинг(матннинг) лисоний мазмунини; 2) контекст орқали ифодаланадиган ахборот мазмунини; 3) вазият орқали ифодаланадиган ахборот мазмунини; 4) мулоқот жараёнида

қўлланиладиган фон билимларни; 5) дискурснинг прагматик элементларини ҳисобга олишни таклиф қилади.

Таклиф қилинаётган 1 ва 2 тип таянч воситалар контекст орқали англашиладиган имплицит маънони кўзда тутуди ва уларни алоҳида таянч воситалар сифатида ажратишга асос йўқ. Бу ўринда 4 ва 5 типдаги «таянч» воситалар ҳам прагматик ифодаланадиган фон билимларни ифодалаш туфайли, уларни Е.Н.Ширяев таклиф қилган 3 тип «таянч» воситалар сафига қўшиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса, фикрнинг имплицит ифодаланишида юқоридаги таянч воситаларнинг барчаси ўзаро боғлиқликда иштирок этади ва буларнинг ҳаммаси бадиий матннинг имплицит ахборотини ташкил қилади.

Бу ўринда фикрни имплицит ифодаланишида қўлланиладиган *подтекст, аллюзия, пресуппозиция, импликатура, лакуна* каби атамаларнинг барчасини **импликация** дея аташни таклиф қилган К.А Долинин фикрига қўшилишга тўғри келади (Долинин 1983: 37). Демак, импликация биринчи навбатда подтекст(тагмаъно) орқали англашилади ва гапирувчи томонидан қўлланилган пресуппозицияга гапирувчи ва тингловчиларнинг мулоқот вазиятларига, фон билимларига асосланади.

Ҳар қандай фикр коммуникатив мақсадни ифодалашда муайян пресуппозицияларга асосланиб, тўлиқсиз ифодаланиши ва бундай тўлиқсизлик турли нутқ вазиятларида турлича бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан имплицит ифодаланадиган маънони ва ахборотни тушуниш учун қуйидагиларга аҳамият бериш лозим бўлади:

1) фикрнинг тўлиқ тушуниш учун жумла ифодалаётган ахборотдан ташқарида, новербал ифодаланган ички тўлиқсиз маънони англашга йўналтирилган ментал фаолият;

2) гапирувчи томонидан стратегик усул сифатида амалга ошириладиган, тингловчининг(ўқувчининг) бу жумла ичидаги тўлиқсиз маънони ўзи англаб етишига йўналтириладиган ментал фаолияти .

Биринчи тип имплицитлик кўпинча ахборотнинг вербаллашган ва вербаллашмаган звеноларидан маълум бир хулосага келиб, мантикий фикрлашни талаб қиладиган пресуппозицияга асосланади.

Куйидаги мисолда объектив сабаб ва семантик-синтактик боғланиш орқали мантикий пресуппозиция қилинадиган ва инкор қилинган суҳбатдош фикри, имплицит ифодаланган ахборотни кўришимиз мумкин:

- *Ce soir je t'invite aller au cinema-Бугун кечқурун мен сени кинога таклиф қиламан.*

- *Ma mère est malade -Онам касал.*

Ушбу мисолда биринчи суҳбатдош узатаётган ахборот - иккинчи суҳбатдош томонидан тасдиқ формада келаётган, биринчи суҳбатдош гапига синтактик-семантик жиҳатдан боғланган ахборот орқали инкор маънони ифодалаяпти. Биринчи суҳбатдош жавобдан мантикий хулоса чиқариб, ўз таклифи инкор қилинаётганлигини англаб олиши лозим. Яъни, жавоб ахборотдаги вербаллашмаган инкор (тўлиқсиз ахборот) мантикий пресуппозиция орқали тўлдирилаяпти.

Бундай имплицитлик матн орқали ифодаланганида эса, тингловчи (ўқувчи) контекст орқали ифодаланган имплицит ифодаланган ахборотни: яъни биринчи суҳбатдош - йигит, иккинчиси- киз эканлигини, улар анчадан бери кадрдон эканлигини ҳам пресуппозиция орқали англаб олади.

Прагматик ахборот мулоқот вазияти орқали ҳам новербал ифодаланиши мумкин. Аммо бундай вазият ҳам албатта контекстга ва тингловчининг апперцепцион (идрок) базасига боғлиқ бўлади.

Имплицит ифодаланган фикрни эшитган (ўқиган) ҳар қандай киши уни ўзининг фон билимларига таяниб апперцепция(идрок) қиладики , бу энди имплицит ифодаланган фикрни тингловчи(ўқувчи) томонидан идрок қилиниши даражасига боғлиқ бўлади. Бу имплицит ифодаланган фикрнинг референциаллигини билдириб, объектив борлиқдаги тушунчаларнинг муайян тил эгалари онгида акс этиши билан боғлиқдир. Масалан , «Gaston veut se

marier avec Luise» - «Гастон Луиза билан турмуш қурмоқчи » жумласи орқали тингловчи(ўқувчи) куйидаги референциал ифодаланган имплицит ахборотни англаши мумкин: а) Луиза- қиз бола, Гастон- йигит; б) улар ҳар иккаласи ҳам балогат ёшига етишган; в) исмларига кўра, улар француз миллатига мансуб бўлса керак, г) улар бу пайтгача ҳали никоҳда бўлишмаган; д) улар энди биргаликда бир оила бўлиб яшайдилар, бола-чакали бўладилар ва ҳ.

Бадий матндаги имплицит ифодаланадиган фикр камида учта ахборот мазмунидан ташкил топади: бу биринчидан матндаги лисоний воситалар орқали ифодаланган ахборот; иккинчидан китобхонга аввалдан маълум бўлган, матнни тушунишга ёрдам берадиган фон билимлар; матнни мазмунидан ва лисоний воситаларнинг қўлланилиш усулларида келиб чиқадиган, китобхон томонидан интуитив англонадиган янги ахборот.

Имплицит ифодаланадиган ахборот ва унинг матннинг лисоний воситаларига ва асосий мазмун – маъносига, шунингдек экстралингвистик омилларга боғлиқлиги масалани когнитив аспектда ўрганиш истиқболларини белгилайди.

Бинобарин имплицитлик инсоннинг фикрлаш қобилиятининг бир тури сифатида, бадий асар муаллифи, персонажлар нутқида ўз аксини топадиган умуминсоний мантикий фикрлаш доирасида матнда ва тилда яширин ифодаланадиган ахборот ва уни ифодаланиш усуллари сифатида ўрганилади. Матн таркибида ифодаланадиган бундай яширин ахборот ҳозирги замон тилшунослигида синонимлар сифатида қўлланилиб келинаётган *пресуппозиция* ва *презумпция* атамалари билан ҳам юритилади.

Тилда ва бадий матнда пресуппозиция ва презумпция сингари имплицит категорияларнинг мавжудлиги биринчи навбатда бадий асар муаллифи ёки асар персонажларининг нутқда сўзларни тежаб ишлатиш истаги, ёки тингловчига бу орқали кўпроқ эмоционал таъсир ўтказиш истаги билан боғлиқдир. Бу жараёнда ахборот компрессия қилинмайди, аксинча

фикрнинг умумий мазмуни бузилмагани ҳолда имплицит ифодаланган ахборот ўқувчи ёки суҳбатдош онгида экспликация қилинади, бошқача айтганда ўқувчи ёки тингловчи яширин ифодаланган фикрни ўзининг ҳаётий тажрибаларига, фон билимларига таянгани ҳолда англаб олади. Бадиий матнда ифодаланадиган бундай имплицит ахборот тилшуносликда гап структурасидаги имплицит ифодаланган ахборотни синтактик жиҳатдан тадқиқ қилишга йўналтирилади. Бу ўринда матн ҳосил қилишда пресуппозицияга асосланган имплицит пропозицияли гап типлари ва имплицит презумцияга асосланган гап типлари аниқланади.

Имплицитликни лингвокогнитив нуқтаи назардан ўрганилишида бир-бирларини тўлдирувчи, гоҳида бир-бирлари билан синоним равишда қўлланиладиган, масалан, *имплицит билим, имплицит маъно, имплицит мазмун* сингари қатор атамаларга дуч келамиз. Имплицит билим дейилганида, одатда кўзда тутилган, аммо лисоний воситалар орқали ифодаланманган маъно-мазмунни англаб олишга доир ақлий –мантикий операциялар тушунилади. Бу атама тилшуносликка Л.В.Бондарко томонидан киритилган бўлиб, лисоний маънонинг интерпретатив компонентлари кўзда тутилади. Бу компонент грамматик категориялар: аспектваллик, темпораллик, модаллик, персоналлик, локативлик, поссессивлик каби категориялар орқали воқеланади (Бондарко 2006).

Бадиий матнда имплицит ифодаланадиган ахборот *подтекст –тагмаъно* тушунчаси билан ҳам боғлиқ. Муҳим маъновий категориялар ҳисобланмиш подтекст ва импликация тушунчаларининг умумий томонлари бўлса-да, улар ўртасида муайян даражада фарқлар ҳам мавжуд. Одатда подтекст –тагмаъно дейилганда кишиларга ўрганиш бўлиб қолган, кундалик турмушда суҳбат жараёнида қўлланиладиган яширин, ҳамма тушунавермайдиган маъно назарда тутилади. Имплицитлик атамаси эса терминологик характерга эга бўлиб у нутқнинг белгили лисоний ва психологик аспектларини назарда тутади. Подтекст дейилганида, кўпинча мулоқот жараёнида интуитив англаб

олинадиган, новербал ифодаланган фикр ҳам назарда тутилади. Ана шу нуқтаи назардан ҳар иккала атама синонимик равшда қўлланилиб келинмоқда.

Бадиий матндаги имплицит ифодаланадиган фикр рус тилшунос олимлари Долинин К.А (1983), Багдасарян (1983), Никитин (1988), Ситдикова (1985), Молчанова (1988), Безугла (2007), Ермакова (2007, 2008, 2009)ларнинг тадқиқотларида атрофлича ўрганилган. Қатор тадқиқотларда имплицитлик ва подтекстнинг тўлиқсиз синонимлари сифатида «яширин маъно» (Попов 1983, Масленникова 1999, Облачко 2005), «маъно кўпплнлиги» (Федоров 1981), «матний импликация» (Кухаренко 1974, Арнольд 1982, 1983, 1990) атамалари қўлланилишини ҳам кузатамиз.

Имплицитлик мулоқот жараёнида нутқ вазияти ва контекст орқали аниқланади. Бу ўринда нутқий имплицит маънонинг лисоний воситалар орқали ифодаланган имплицит мазмундан фарқлаш муҳимдир. Чунки нутқий имплицит маънони ҳосил қилишда турли-туман компонентлар: ситуатив контекст, аввалдан ўзлаштирилган энциклопедик, прагматик, коммуникатив билим ва малакалар ҳам иштирок этади.

Имплицит мазмунни идрок қилиш жараёнида қўл келадиган когнитив билимлар шундай қилиб нутқий фикрни пресуппозициялар орқали контекст ёрдамида идрок қилинишига олиб келади.

Нутқ жараёни когнитив аспектда тадқиқ қилинган ишлар таҳлилидан куйидаги икки хулосага келиш мумкин: биринчидан, когнитив билимлар инсон онгида муайян маъно англатувчи структуралар шаклида сақланади. Улар индвиднинг муайян бир нутқ вазиятида кимлар биландир муносабатга киришув жараёнидагина фикрлашда ва нутқда вокеланади. Бундай структуралар инсон онгида категориялар, фреймлар, сценариялар сифатида шаклланиб, сақланиб келинади. Шундай қилиб, инсон онгидаги когнитив билимлар нутқ жараёнида тизимли характерга эга бўлган прагма-

коммуникатив ва баҳоловчи прагматик имплицит мазмунни вужудга келишига хизмат қилади.

Иккинчи хулоса - фикр ментал репрезентация қилинади ва уларнинг турли типларга ажратиб таҳлил қилиш мумкин. Масалан, ментал модел концептуал моделдан тилда аниқ структур анологлари мавжуд бўлмаслиги билан, тасаввур ва хотира ёрдамида воқеланиши билан фарқ қилади. Ўз навбатида пропозиционал модел гап структурасининг лингвистик моделига яқин туради. Ментал модел концептуал модел орқали формаллашуви мумкин, аммо бунда унинг сенсо – мотор аспектдаги қиммати тушиб кетади.

Имплицит маъно ахборотни концептуал репрезентация қилинишида иштирок этади ва инсон руҳиятининг перцептив, когнитив, аффектив доиралардаги фаолиятининг натижаси сифатида ҳосил бўлиб, бадий матнларда ўз аксини топади. Айни пайтда бадий матн ўқувчининг қиёсловчи, фараз қилувчи интеллектуал фаолиятини ҳам назарда тутаяди. Прагматик жиҳатдан шартланган бундай фаолият тилда ва ўқувчи онгида шаклланган муайян қонун-қоидалар асосида рўй беради. Яъни ўқувчи бадий матндаги имплицит ифодаланган ахборотни тўғри англаб олишлиги учун ўз диққат –эътиборини доимий равишда баён планидан (муаллиф ниятидан) дискурс планига (персонажлар нутқи, муайян эпизодлар баёни) ахборотнинг локал баён қилинишидан глобал баёнига мослаштириб боришига тўғри келади. Бундан ташқари имплицитликнинг прагматик ифодаланиши бирор бир нуқтаи назарни билвосита ифодаланиши билан ҳам боғлиқ. Бундай ҳолда муаллиф айрим ахборотларни англашни ўқувчи ихтиёрига қолдиради ва уни изоҳлаш маъсулиятдан чекланади. Айни пайтда муаллиф мақсадидан фарқли уларок бундай имплицитлик асар персонажи тили орқали ҳам ифодаланиши мумкин.

Бадий матнда ифодаланадиган *имплицит ахборот* дейилганида, матннинг ташқи структурасида ўз ифодасини топмаган, аммо матннинг ички структурасида новербал ифодаланган мазмун ва маъно компонентлари кўзда

тутилади. Шу нуқтаи назардан прагматик ахборотнинг прецедент отлар орқали ифодаланиши ҳанузгача атрофлича ўрганилмаганлигини таъкидлаш жоиз.

«Прецедентлик» тушунчаси латин тилидан «praecedens» – сўзидан олинган бўлиб, илгари содир бўлган бирор воқеа, машҳур шахс, жой номлари орқали уларга боғлиқ бўлган новербал, имплекатура қилинган ахборотга ишора қилишни ифодалайди. Масалан, французлар Париждаги домий фаолият юритадиган тасвирий санъат ва скульптура кўргазмаси илк бора куз фаслида ташкил қилингани учун уни «*Le salon d'Automne*» деб аташади.

Бадий матнда ёки мулоқот жараёнида қўлланилган прагматик ахборот ва прецедентлик феномени муайян ижтимоий муҳитида яшаган ва яшаётган барча кишилар учун доимо тушунарли бўлади ва уни нутқ жараёнида, дискурста қўлланиши бошқа тил вакиллари учун доимо тушунарли бўлавермайди (Бабенко 2004).

П.Мерименинг «Таманго новелласидан олинган қуйидаги мисолда прагматик ахборот жой номи орқали *импликация* қилинмоқда. Иккинчи тил вакили учун бундай жой номи ҳеч қандай прагматик ахборот узата олмаслиги сабабли у матн остида ёки ичида изоҳланади.

Au combat de Trafalgar, il eut la main gauche fracassée par un éclat de bois ; il fut amputé.

Трафалгар жангида кема матчасининг замбарак ўқидан қулаган ёғочи унинг чап қўл панжасларини мажақлаб юборди. Унинг панжасларини кесшига тўғри келди. (Au combat de Trafalgar - Французлар денгиз флоти инглизлар тамонидан тор-мор қилинган денгиз қиргоғидаги жой номи)

Бу ўринда прецедент отлар орқали имплицит ифодаланган фикр ва ахборотнинг қуйидаги умумий белгиларини келтириш мумкин:

- прецедент отлар орқали ифодаланган имплицитлик, яъни новербал ифодаланадиган ахборот миллий-лисоний жамиятнинг барча вақллари томонидан яхши тушунилгани ҳолда таржимада тилида ёки бошқа миллий маданият вакиллари учун қўшимча изоҳ беришни талаб қилади;

- прецедентлик орқали ифодаланган имплицит ахборот муайян миллат вакилларининг миллий-маданий онгида шаклланган когнитив билимларга асосланади. Бунда шу миллатга мансуб ўзига хослик ва умуммиллий универсал категориялар ўз ифодасини топади;

-мулоқотда ёки дискурсда қўлланилган прецедент от билан ифодаланган имплицит ифодаланган ахборот у ёки бу миллий-лисоний, маданий жамият ривожланиши жараёнида доимо янгилашиб туриши мумкин (Гудков 1997:106-117).

Рус прагмалингвисти М.Л.Макаров матнни умумий тузилишини ўрганишда новербал ифодаланадиган имплицит ахборотни **пресуппозиция**, **пропозиция**, **референция**, **экспликатура**, **инференция**, **импликатура**, **релевантлик** каби новербал воситалар орқали талқин қилишни таклиф қилади (Макаров 2003: 119-137). Қуйида улар ҳақида алоҳида тўхталамиз.

ПРЕСУППОЗИЦИЯ. Матннинг ва умуман турли кўринишдаги нутқий тузилмаларнинг имплицит мазмунини белгиловчи ҳодисалардан бири бу-пресуппозициядир. Пресуппозиция французча «presupposer» феълидан олинган бўлиб «мўлжалламоқ», «тахмин қилмоқ» деган маъноларни англатиб, прагматик белгини мантиқий, фалсафий ва лисоний таҳлил қилишни кўзда тутаяди. Масалан, П.Мерименинг «Матео Фалкон» новелласидан олинган қуйидаги мисолда муаллифнинг матн воқеаларига нисбатан прагматик муносабати пресуппозиция орқали ифодаланмоқда:

Le fils n'avait que dix ans, mais il annonçait déjà d'heureuses dispositions.

Ўғил эса, эндигина ўн ёшга кирса ҳам, аллақачон бўладиган бола эканлиги кўриниб қолганди.

Пресуппозиция тилнинг коммуникатив функциясидаги яширин имкониятларини очиш усули сифатида таржимашуносликда ҳам кенг қўлланилади.

Пресуппозиция махсус адабиётларда инференциянинг хусусий кўринишларидан бири сифатида талқин қилинади ва бунда ифодаланаётган

фикр-хукмнинг ҳақиқий ёки ўринли эканлиги эътиборга олинади. Бунинг учун мулоқот иштирокчилари воқелик, юз бераётган ёки хабар қилинаётган ходиса ҳақида олдиндан бирор бир умумий маълумотга эга бўлишлари талаб қилинади. П.Мерименинг «Таманго» новелласидан олинган қуйидаги мисолда пресуппозиция қиёслашлар ҳам орқали инференция қилинган ва персонажнинг кейинги қиладиган ишларига ишора қилинмоқда:

Le capitaine Ledoux le considéra quelque temps en silence, tandis que Tamango, se redressant à la manière d'un grenadier qui passe à la revue devant un général étranger jouissait de l'impression qu'il croyait produire sur le Blanc. Ledoux, après l'avoir examiné en connaisseur se tourna vers son second, et lui dit :

-Voilà un gaillard que je vendrais au moins mille écus, rendu sain et sans avaries à la Martinique.

Капитан Леду унга сукут сақлаганича бир пас тикилиб қолди. Таманго эса бу пайт ажнабий генерал олдида кўриқдан ўтаётган аскар мисол қаддини ростлаб, ўзича оқ танли капитанни роса қойил қолдираяпман деб қувонарди. Леду уни роса синчковлик билан кўздан кечириб ёрдамчисига юзланди:

-Бу азаматга қаранг-а! Агар уни Мартиникагача эсон-омон олиб боролсам, камида минг экюга пуллардим.

Пресуппозиция шундай қилиб талаб қилинаётган лисоний фаолият ижросидан олдин содир бўладиган, назарда тугилган имплицит ахборотдир.

Масалан, *Emil a inventé un auto à supervitesse* - *Эмил супер тезликда юрадиган машина ихтиро қилди* қабалидаги гапларни матнда қўллаш ва уни тушуниш учун сўзловчи ва тингловчи «тезлик», «супер тезлик» каби тушунчалар нимани англатишини билиши керак бўлади. Демак, пресуппозиция ҳақида гапирар эканмиз сўз замиридаги яширин, интуиция орқали англашиладиган тағмаъно мавжуд эканлиги назарда тутилади.

Масалан, *Le frère de Nicole a acheté une novella auto* - *«Николнинг акаси янги машина сотиб олди»* жумласини айтиш учун сўзловчи Николнинг акаси борлигини, у машина сотиб олиш учун етарли маблағга эга эканлигини билиши лозим. Бу маълумотларни берувчи пресуппозициялар сохиби

сўзловчи ёки муаллифдир. Бу турдаги маълумот асосида хулосавий ҳукм чиқарилади.

Пресуппозициянинг гап таркибидаги лисоний бирликлар ва синтактик тузилмалар билан боғлиқлиги лексик ва структуравий пресуппозициялар мавжудлигидан далолат беради.

Масалан, «У чекишни ташлади», «У яна шикоят қила бошлади» гапларининг пресуппозициялари «У илгари чекар эди», «У илгари ҳам шикоят қилар эди» эканлигини «ташламоқ» «бошламоқ» сўзларига таяниб аниқлаймиз.

Структуравий пресуппозицияни қуйидаги сўроқ гаплар мисолида аниқлаймиз:

«У қачон кетди? = У кетган. Бу велосипедни қаердан сотиб олдинг? = Сен велосипед сотиб олгансан.

Прагматик пресуппозиция ҳодисаси талқинида икки йўналиш мавжуд: улардан биринчисида нутқий ҳаракатнинг жўялилиги ва самарадорлиги асосий мезон сифатида қабул қилинган. Ижро этилаётган нутқий фаолият ва қўлланилаётган лисоний тизилмалар жўяли, ўринли бўлган тақдирдагина мулоқот натижалари кўчишини биламиз. Шунинг учун ҳам нутқий жўялилик ва самарадорлик шартлари прагматик пресуппозициянинг асосий тамойили ҳисобланади.

Иккинчи йўналишдаги талқинда прагматик пресуппозиция мулоқот иштирокчиларининг ахборот мавзуси, предмети ҳақидаги умумий билими, сифатида талқин қилинади. Бунда коммуникатив фаолиятнинг ички ва ташқи шарт-шароитларининг когнитив идроки асосий ўринни эгаллайди. Бу кўринишдаги талқинда прагматик пресуппозиция бевосита матн таркиби, унинг қисмларининг ўзаро муносабати билан боғлиқлиги аён бўлади.

Мулоқот бирлигининг жўялилиги шундай қилиб фақатгина контекстда, унинг бўлаклари таркибида аниқланади.

Прагматик пресуппозициянинг матнга хослиги, контекстга оидлиги лисоний бирликларнинг кўп маънолилиги, уларнинг турли мулоқот вазиятларида турлича мазмун ифодалашлари мумкинлигини унутмаслик лозим.

Матннинг прагматик хусусиятларини англашда икки тур пресуппозициядан фойдаланилади. Биринчи турдаги пресуппозиция «аниқлик» пресуппозицияси деб аталади ва у тил бирликларининг лисоний-семантик категорияларининг мослигига асосланади. Иккинчи тур пресуппозиция эса «миллий-маданий» пресуппозиция бўлиб, тил белгиларининг экстралингвистик категорияларига таянади.

«Аниқлик» пресуппозицияси» дейилганида - реал-семантик адекватлик, яъни тил бирлиги ифодалаган маънонинг объектив ҳақиқатга мос келишлиги тушунилади. «Аниқлик пресуппозиция»си куйидаги шартлар билан белгиланади:

1. Прагматик ахборотни тушунишга асос бўлган ва у орқали ифодаланган тушунчаларнинг аниқ бўлиши;

2. Аслият тилида ахборот узатувчи ва таржима тилидаги ахборот қабул килувчи ҳам тил бирлигининг ана шу маъносини бир хил тушуниб, умумий белгисини ажратиб олишлари лозим.

3. Прагматик ахборотни тушуниб олиш жараёнида умумий белгини ажратиб олиш жуда осон кечиши лозим.

«Аниқлик» пресуппозицияси ёрдамида кўчма маъноли ибораларнинг, метафорали бирикмаларнинг прагматик хусусиятларини аниқлаш, уларни бевосита ва билвосита таржималарда берилишини таҳлил қилиш қизиқарли натижаларга олиб келиши мумкин.

Пресуппозициянинг иккинчи тури –«маданий-миллий пресуппозиция» деб аталиб у аслият асари тилида сўзлашувчиларнинг миллий ҳамда социал-психологик хусусиятларини, уларнинг ижтимоий, этник ва адабий тараққиёт жараёнидаги тушунчаларининг ифодаланишидаги лисоний, семантик, стилистик хилма-хилликларни ўрганишга йўналтирилади. Бундай тушунчалар аслият

тилидаги нарса ва предметлар, воқеликларни номланишида, кўчма метафорик ибораларда ўз аксини топадики, улар китобхон ёки тингловчиданбундай тушунчаларни аслият тилидагидек тушунишни талаб қилади.

Прагматик пресуппозиция ҳодисаси лисоний мулоқотнинг рамзий, маросимий, анъанага айланган расмий томонлари ҳам бор Масалан, инглизлар ҳурматли, юқори мартабали кишиларга «сэр», «мисс», «лорд» французлар «monsieur, seigneur, madame» сўзларини қўллаб мурожаат қилсалар, ўзбеклар: «таксир, ҳазрат, жаноби олийлари, аъло ҳазрат», «хўжайин» сўзларини қўллаб мурожаат қиладилар. Мулоқот жараёнида бундай талаб ва қоидаларга риоя қилиниши *риторик прагматикани* шаклланишига олиб келди.

ПРОПОЗИЦИЯ ахборот етказишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бу ахборотни тўплаш ва саклашнинг когнитив структурасини ташкил қилади. Аммо пропозиция ҳодисаси таҳлилида унинг ахборот ташиш хусусияти билан чекланиб қолмаслик керак. Чунки бу ҳолда ушбу ҳодисанинг коммуникатив белгилари эътибордан четда қолади. Масалан, қуйидаги нутқий тизилмаларни қиёслайлик:

Серж менга битта китоб берди.

Серж менга битта китоб бердимми?

Серж, менга битта китоб бер!

Мен биламан, Серж менга китоб бермоқчи.

Серж менга битта китоб беришига ишонаман.

Бу қатордаги лисоний тизилмалар ягона пропозицияга эга, яъни «китоб», «Серж», «мен» терм ва актантлари ҳамда «бермок» предикати воситасида тузилаётган ушбу тузилмаларнинг семантик структураси ягона, аммо бу пропозиция мулоқот матнида фаоллашиб, турли прагматик мазмун билан бойийди. Мазмуннинг коммуникатив мақсадига биноан бундай кенгайтирувчи воситалар қаторига модаллик ва замон-аспект кўрсаткичларини ҳам киритиш мумкин.

РЕФЕРЕНЦИЯ ҳодисаси эса, денотатив семантика доирасида талкин қилинади ва анъанага биноан номловчи лисоний бирликларнинг борлиқдаги объектга муносабати, унинг билан боғлиқлиги сифатида тавсифланади. Лисоний номни борлиқ билан боғлашда сўзловчининг (ёки лисондан фойдаланувчи шахснинг) мақсади, лисоний фаолият нияти муҳим ўрин эгаллайди. Дискурсив таҳлил назарияси референцияни сўзловчи ёки ёзувчи ижросидаги бир томонлама ҳаракат натижаси эмас, балки икки томонлама, яъни сўзловчи ва тингловчи иштирокидаги «шахслараро ҳаракат» асосида ҳосил бўладиган лисоний фаолият тури ҳисоблайди. (Макаров 2003:122) ва бу ҳолат кўпинча социал дейксисда ўз ифодасини топади. Масалан:

-*Ҳа қалайсан? Ҳалиям тирик юрибсанми?*

-*Ҳа, тақсир, сояи-давлатингизда бир амаллаб қимирлаб юрибман.*

Мисолда биринчи сўзловчининг гапи орқали унинг ижтимоий мавқеи юқори эканлиги, тингловчига бепасанд муносабати, иккинчи гапда тингловчи жавоби орқали у сўзловчига нисбатан паст мавқега эга эканлиги ва айни пайтда уни ҳурмат қилишлиги, гапида киноя борлиги референция қилинмоқда.

РЕЛЕВАНТЛИК. Нутқий мулоқот матнининг когнитив хусусиятга эга эканлиги *релевантлик*да ўз аксини топади. Релевантлик, биринчидан, ўзига хос мазмуний когергантлик бўлиб, нутқий ҳаракат маъносининг матндан олдинги ҳаракатлар маъносига мос келишлигини талаб қилади. Иккинчидан, маълум нутқий тизилма мулоқот муҳити ва матнга мос, ўринли бўлмоғини талаб қилади ва фақат шу ҳолдагина тингловчи узатилаётган ахборотни тез ва осон «ҳазм қила олади».

Куйидаги мулоқот матнини солиштирайлик:

1.а) – *Le train s’approche à la gare, levez-vous-* Поезд келаяпти, туринг.

1.б) – *Ne vous - vous dépêchez pas au train, nous-nous leverons à temps.-*

Шошилманг, ҳали вақтимиз бор.

2.а) *Le train s'approche à la gare, allons nous-nous lever.*-Поезд вокзалга яқинлашаяпти, қани турдик.

2.б) *Le train s'approche à la gare, sortons*-Поезд вокзалга яқинлашаяпти, қани турдик.

1.б) гапи воситасида сўзловчининг ахборотга беписанд муносабати ифодаланаётган бўлса, 2.б) гапи воситасида тингловчининг мулоқот мантига мос оҳангда тузилганлиги коммуникатив натижага олиб келган.

Келтирилган мисоллардан релевантликнинг мантиқий таҳлил воситасида аниқланиши кўриниб турибди. Аммо бундай таҳлил ўта формал-дедуктив кўринишга эга бўлишлиги ҳаммага ҳам маъқул келавермайди, чунки матн пропозицияларини индуктив таҳлил йўли билан, эҳтимоллар асосида ҳам ажратиб олиш мумкин.

ИНФЕРЕНЦИЯ. Турли мантиқий–семантик амаллар асосида мазмуний хулосаларга эришишнинг яна бир йўли сўзловчи «нимани назарда тутаётганлигини» фараз қилиш ва англашдир. Бу усул *инференция таҳлили* деб аталади.

Масалан: “*L’hiver arrive*- Қиш келаяпти.” гапини эшитиб, сўзловчи «Ҳово совуй бошлади, иссиқ кийимларингни тайёрла!» мазмунидаги маслаҳатни бермоқчи бўлган, деган хулосага келиш мумкин. Аммо бу хулоса бор-йўғи эҳтимол, балки у «Ўтин ғамини е!» демоқчидир. М.Макаров инференциянинг **дедуктив ва индуктив** амаллар билан бажарилишини икки турини фарқлаш лозимлигини ўқтиради (Макаров 1990: 125-127)

Дедуктив амал асосида эришиладиган хулоса қуйидаги кўринишда бўлади:

1) *On ne prend pas le téléphone, donc il n’y a personne dans la maison*- Телефон гўшагини ҳеч ким кўтармаяпти, демак уйда ҳеч ким йўқ.

2) *On ne repond pas à la sonnerie*- Қўнғирокқа ҳеч ким жавоб бермаяпти.

3) *Il n’y a personne dans la maison*- Уйда ҳеч ким бўлмаса керак.

Индуктив инференция ва эҳтимолдаги хулосанинг мисоли:

1) *Gaston fait ses études à l'institut*- Гастон институтда ўқийди.

2) *Il est étudiant*- У талаба.

ИМПЛИКАТУРА. Импликатура тушунчаси доимий бўлмаган, матнда тез ўзгариб турадиган, ҳатто йўқолиши мумкин бўлган маъно, мазмун элементидир. Импликатура айим фикрларни билвосита ифодалашда мулоқот қоидаларини бузган ҳолда ҳам воқеланиши мумкин. Бунда гапирувчи шахснинг жанжал бўлишидан хавфсираб, ҳақиқатни айтишни хоҳламаслик истаги, ноқулай ахволга тушиб қолмаслик мақсади, ёки аксинча кинояси суҳбатдошга нисбатан бетакаллуф муносабати ўз аксини топиши мумкин. Шу нуктаи назардан импликатура орқали ифодаланадиган новербал ахборот вербал ифодаланадиган ахборотга нисбатан кўпроқ ахборотни ифодалаш мумкин. Шу сабабли бундай новербал воситалар орқали узатилаётган прагматик ахборотни тушунишда коммуникатив вазият ва коммуникантларнинг ижтимоий мавқеасига мансуб муносабатлари, уларнинг ифодаланишида шахс ва ижтимоий дейксис каби прагматик белгиларига асосий эътибор берилади. П.Мерименинг «Матео Фалкон новелласидан олинган қуйидаги мисолда Импликатура базан иллокутив феъллар орқали: экспликатура қилиниши ҳам мумкин :

Figurez-vous (иллокутив феъл) *un homme petit, mais robuste, avec des cheveux crépus, noirs comme le jais, un nez aquilin, les lèvres minces, les yeux grands et vifs, et un teint couleur de revers de botte.* (экспликатура).

Кичкина, лекин бақувват, жингалак сочлари мумдек қоп-қора, қирғий бурун, лаблари юпқа, кўзлари катта-катта ва тийрак, юзи пойафзалнинг ишлов берилмаган тескари томонининг рангига ўхшайдиган кишини кўз олдингизга келтиринг

Импликатура замон дейксиси билан ҳам ифодаланиши мумкин

Dieu soit loué ! s'écria Giuseppa. Il nous a volé une chèvre laitière la semaine passée.

Ces mots réjouirent Gamba.

Отформатировано: Отступ:
Первая строка: 1 см

Жавоб репликада субектнинг объектга прагматик муносабаии ачиниш, афсус орқали эмоционал имплекатура қилинмоқда:

-Pauvre diable ! dit Mateo, il avait faim.

- Худога шукур, зап иш бўпти-да! - хитоб қилди Жузеппа. - У ўтган хафта согин эчларимиздан бирини ўғирлаб кетган эди.

Бу гапдан Гамба қувониб кетди.

-Шўрликкина! - деди Матео. - Оч бўлгандан кейин, нима қилсин!

Шу нуқтаи назардан фикр(гап) даражасида ва сўз даражасида ифодаланадиган имплекатуралар фарқланади. Масалан, «*Demain je vole pour Paris*» = «Эртага мен Парижга учиб кетмоқчиман» жумласида фикр даражасидаги имплекатура «самолётда», «*Je te defends boire trop!*» = «Кўп ичишлигингни тақиқлайман!» жумласида «ароқ» сўзини тушириб кетиш орқали ифодаланмоқда. «*Ўчир!*», «*Ўйқ бўл!*» сингари сўз орқали ифодаланувчи имплекатурада «*гапирма!*», «*кўзимдан йўқол!*» сингари мазмунни ифодаловчи имплекатура кузатилмоқда.

Пресуппозиция кўпинча лисоний шакл билан боғлиқ бўлса, имплекатурада лисоний шаклнинг ўзгариши умумий маънога таъсир қилмайди.

Шундай қилиб, мулоқот матнида лисоний-коммуникатив мазмунни шакллантиришда пропозиция, референция, экспликатура, имплекатура, пресуппозиция, инференция каби турли новербал воситалар иштирок этадилар. Албатта бу категорияларнинг матн мазмуний тузилмасида тугган ўрни турлича бўлади, аммо уларнинг барчаси бир хилда мулоқотнинг самарали кечиши учун хизмат қилади.

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб билимларингизни чуқирлаштиринг:

1. *Бабенко Л.Г.* Общие методы и механизмы выявления имплицитного содержания в языке и речи // Семантико-дискурсивные исследования языка: Эксплицитность/имплицитность выражения смыслов. Калининград; Светлогорск, 2006. С. 8.

2.Бондарко А.В. Эксплицитность/имплицитность в общей системе категоризации семантики // Эксплицитность/имплицитность выражения смыслов. Калининград;Светлогорск, 2006. с. 24.

3.Гудков Д.Б. Некоторые особенности функционирования прецедентных высказываний.// Вестник МГУ. Сер.9.Филология . 1997 №4. С.106-117

4.Долинин К.А.Имплицитное содержание высказывания. Вопросы языкознания, 1983, №6, с.37.

5.Макаров М.Л. Коммуникативная структура текста. – Теврь, 1990 130 с.

6.Шевченко А.И. Прагматическая обусловленность номинаций невербальных компонентов коммуникации в англоязычном художественном тексте. Автореф. канд. дисс. к.филол. наук. Киев, 1983. 23 с.

Мустақил ўрганиш учун савол ва топшириқлар:

- 1.Новербал ифодаланган фикр, имплицитлик деганда нимани тушунаси?
- 2.Имплицитликнинг мулоқот жараёнидаги аҳамиятини изоҳланг.
- 3.Имплицитлик тушунчасининг фикрнинг бошқа новербал ифодаловчи воситалар билан алоқадорлигини исботланг.
4. Фикрни новербал ифодалаш воситаларини таърифланг.
- 5.Берилган матндан пресуппозиция пропозиция, референция, экспликатура, инференция, импликатура, релевантлик орали ифодаланган прагматик ахборотларни аниқланг.

7. Gianetto, couché par terre et lié comme un fagot, tourna la tête vers Fortunato qui s'était rapproché. -Fils de...! - lui dit-il avec plus de mépris que de colère.

L'enfant lui jeta la pièce d'argent qu'il en avait reçu, santant qu'il avait cessé de la mériter; mais le proscrit n'eut pas l'aire de faire attention á ce mouvement. Il dit avec beaucoup de sang-froid à l'adjudant: -Mon cher Gamba, je ne puis marcher, vous allez être obligé de me porter à la ville.

-Tu courais tout à l'heure plus vite qu'un chevreuil,- repartit le cruel vainqueur ; mais sois tranquille : je suis si content de te tenir, que je te porterais une lieue sur mon dos sans être fatigué. Au reste, mon camarade, nous allons te faire une litière avec des branches et ta capote ; et à la ferme de crespoli nous trouverons des chevaux.

- Bien, dit le prisonnier ; vous mettrez aussi un peu de paille sur votre litière, pour que je sois plus commodément.

Pendant que les voltigeurs s'occupaient, les uns à faire une espèce de brancard avec des branches de châtaignier, les autres á penser la blessure de Gianetto, Mateo Falcone et sa femme parurent tout d'un coup au detour d'un sentier qui conduisait au maquis. La femme s'avancait courbée péniblement sous li poids d'un énorme sac de châtaignes, tandis que son mari se pléassait, ne portant qu'un fusil á la main et un autre en bandoulière; car il est indigne d'un homme de porter d'autre fardeau que ses armes. A la vue des soldats, la ptemière pensée de Mateo fut qu'ils venait pour l'arrêter. Mais pourquoi cette idée? Mateo avait-il donc quelques démêlés avec la justice? Non. Il jouissait d'une bonne reputation. C'était, comme on dit, un particulier bien famé; mais il était Cors et montagnard,et il y a peu de Corses montagnards qui, en scrutant bien leur mémoire, n'y trouvent quelque peccfdille, telle quecoups de fusil,coupedestylet et autres bagatelles. Mateo plus qu'un autre, avait la conscience nette; car

Отформатировано: Отступ:
Первая строка: 1 см, интервал
После: 0 пт, Междустр.интервал:
одинарный

depuis plus de dix ans il n'avait dirigé son fusil contre un homme ; mais toutefois il était prudent, et il se mit en posture de faire une belle défense, s'il en était besoin.

- Femme, dit-il à Giuseppa, mets bas ton sac et tiens toi prête.

Elle obéit sur-le-champ. Il lui donna le fusil qu'il avait en bandoulière et qui aurait pu le gêner. Il arma celui qu'il avait à la main, et il s'avança lentement vers sa maison, longeant les arbres qui bordaient le chemin, et prêt, à la moindre démonstration hostile, à se jeter derrière le plus gros tronc, d'où il aurait pu faire feu à couvert.

7. Бир бог ўтиндай боғланиб ерда ётган Жаннетто ўзига яқинлашаётган Фотунатога ўғирилди.

-Хароми! - деди у ғазабдан кўра нафрати кучлироқ оҳангда.

Бола бирозгина олдин қўлига киритган қумуши тангани унинг олдига ташлади, чунки унга энди ҳаққи йўқ эканлигини ҳис қилганди. Бироқ банди унинг бу қилигига заррача ҳам эътибор бермади.

У жуда ҳам босиқ оҳангда сержантга мурожаат қилди:

-Мухтарам Гамба. Мен юролмайман. Мени шаҳаргача кўтариб боришларингга тўғри келади.

-Ҳозиргина такадан ҳам тезроқ чопиб юргандинг-ку, сени қўлга туширганимдан хурсандман, бунинг учун сени елкамга кўтариб, бир миля жойгача чарчамасдан кўтариб боришига ҳам рози бўлардим. Энди эса, ошина, ҳозир сенга дарахт шохларию, камзулингдан замбил ясаймиз; кейин, Кресполи фермасига бориб, отлар топамиз.

- Майли, - деди банди, ювош тортиб. Фақат замбилга, менга қулайроқ бўлиши учун бироз ноҳол ташлаб қўйинглар.

Ёлланма аскарлардан айримлари қаиштан шохларидан замбил ясаётган, боиқалари Жанеттонинг жароҳатини боғлаш билан банд бўлиб турган пайтда, тўсатдан, маки йўлидаги сўқмоқ бурилишида Матео ва унинг хотини кўринди.

Аёл қаиштан ёнгоқлари билан тўлдирилган каттакон қопни кўтариб, қадди буқилганича зўрга одимлаб келар, эри эса, қўлидаги ва елкасидаги милтигидан ўзга ҳечқандай юки йўқ, шахдам юриб келарди. Чунки бу ерда эркак кишиларга қуролдан боиқа бирор нарсани кўтариб юриши уят ҳисобланарди.

Ёлланма аскарларни кўриб Матео дастлаб улар ўзини қамоққа олиши учун келган деб ўйлади. Бироқ, хаёлига бундай фикр қаёқдан ҳам кела қолди? Ё Матео ҳукуматга манзур бўлмайдиган бирор ножўя иш қилиб қўйганмиди? Йўқ, у барчанинг ҳурмат-эътиборини қозонган кишилардан. Ҳукумат одамларининг тили билан айтганда, у аравасини тинчгина ўзи тортиб юрадиган фуқаролардан. Бироқ у айни пайтда ҳам корсикалик, ҳам тоғлик одамлардан бири эди. Ўз хотирасини ковлаштириб кўриб, ўтмишида содир қилган бирор бир гуноҳини: бировни отиб ўлдирими, чавақлаб кетишими, ёки шунга ўхшаиш бирор «майда гуноҳ»дан соқит бўлган корсикалик-тоғлик кам топилса керак. Аммо Матеонинг виждони ҳар қандай боиқа корсикаликниқига нисбатан покроқ эди. Чунки мана ўн йилдан ошдики, у инсон боласига милтигини ўқталган эмас. Шундай бўлса-да, у ҳушёр тортиб, зарур бўлиб қолса, ўзини матонат билан ҳимоя қилишига чоғланди.

-Хотин! - деди у Жўзеппага. -Юкингни ерга қўй ва тайёр тур!

Хотини ўша заҳотиёқ унинг айтганини бажарди. Матео елкасидаги, унга ҳалақит қилиши мумкин бўлган милтиқни олиб хотинига ўзатди. Қўлидаги милтиқни ўқталганича йўл четидаги дарахтларни паналаб, бирор душманона ҳаракатни сезса, ўзини энг йўгон дарахт панасига олиб, у ердан туриб отишига тайёр ҳолда уйи томон оҳиста бора бошлади. Жўзеппа иккинчи ўқланган милтиқни ва ўқдонни кўтарганича эрининг ортидан изма-из келарди. Яхши уй бекаси эри жангга кираётган пайтда унинг милтигини ўқлаб бериши ҳам билиши лозим.

9. ПРАГМАТИК АХБОРОТНИНГ ДЕЙКТИК ВОСИТАЛАР ОРҚАЛИ ИФОДАЛАНИШИ

Матнда воқеланадиган ҳар қандай мулоқот лисоний бирликларнинг шахсга, маконга ва замонга, эмоционал ҳолатга, суҳбатдошларнинг ижтимоий мавқесига доир прагматик ахборотни ҳам ўз ичига олади. Чунки ҳар қандай мулоқат маълум маконда (вазиятда) ва замонда, муайян коммуникатив мақсадни амалга ошириш учун амалга оширилади. Бу ҳақдаги ахборотни қабул қилаётган суҳбатдош унинг қачон, қайрда, қандай мақсадда айтилаётганлигини тушунишга уринади. Шундай экан, тил бирликларининг маъно хусусиятлари нутқда воқеланади, аниқ тус олади, ҳар бир нутқ иштирокчиси воқеликда кечаётган ҳодисани ўзича идрок қилади, уни маълум макон, замон, вазият ичида тасаввур қилиб, ҳосил бўлган мантиқий тасаввурга лисоний либос беради. Демак, нутқий фаолиятлар доимо лисоний шаклни воқелик билан боғлиқ ҳолда унга нисбатан шахсий муносабат билдириш эҳтиёжи туфайли вужудга келади. Бундай нутқий фаолият дейктик воситалар орқали амалга оширилади.

«Дейксис» сўзининг асл маъноси юнонча «кўрсатиш, ишора» бўлиб, илмий адабиётларда «воқеликка ишора, кўрсатиш» маъносида ишлатилади. Кўрсатиш, ишора вазифасини бажарувчи бирликлар *дейктик иборалар* ёки «*индикаторлар*» атамаси билан ҳам юритилади. Бу турдаги ибораларни мулоқот ифодадорлигини таъминловчи **экспрессив, эмотив, баҳоловчи компонентлар** деб ҳам аташ мумкин. Шунингдек, дейктик иборалар мулоқот вазиятида рўй берадиган ҳодиса, узатилаётган ахборотни маълум қисмларини алоҳида таъкидлаш, баҳолаш, бу орқали ахборот таъсирини ошириш учун ҳам хизмат қилади. Муаммо ўзбек олимлари С.Раҳимов(1989) ва Ш.Сафаровларнинг(2008) тадқиқотларида ҳартамонлама ва батафсил ўрганилган.

Профессор Ш.Сафаров ўзининг бадиий матнда дейктик марказни таркиб топтирувчи қисмлар қуйидагилардан иборат эканлигини таъкидлайди : 1)

марказий шахс – сўзловчи; 2) марказий вақт (замон нутқий ҳаракат ижро этилаётган вақт; 3) марказий макон - сўзловчининг нутқий ҳаракатни бажараётган пайтдаги ўрини; 4) ижтимоий марказ – сўзловчининг ижтимоий мавқеи (Сафаров 2008: 164.)

Прагматикада мулоқот жараёнидаги суҳбатдошларнинг ўзаро муносабатлари дейксиснинг куйидаги турларида ўрганилади: 1) шахс дейксиси; 2) замон (макон) дейксиси; 3) дискурс дейксиси; 4) эмоционал дейксис, б) социал дейксис.

Куйида юқоридаги олимларнинг фикрларига таянганимиз ҳолда дейксис турлари ҳақида алоҳида тўхталамиз.

Шахс дейксиси. Дейксис майдони марказида шахс туради. Нутқий мулоқот жараёнида бажарадиган ролига кўра шахс дейксисининг таркиби аниқланади. Биринчи шахс- мулоқотдаги сўзловчининг ўрнига ишора, «ўзини кўрсатиши, эслатиши»нинг лисоний ифодасидир. Бундай ифода матнда муаллиф фикри, персонаж фикри сифатида воқеланади. Иккинчи шахс - тингловчи ёки китобхоннинг лисоний белгиланиши, ҳамда учинчи шахс мулоқотнинг бевосита иштирокчиси бўлмаган шахсга билдириладиган муносабатларнинг ишорасидир. Масалан, П.Мерименинг «Матео Фалкон» новелласидан олинган куйидаги жумлада «сарик ёқалилар» прецедент оти орқали Корсикадаги полициячилар кийиб юрадиган кийим рангига ишора қилинмоқда: *Moi, je suis Gianeto Sanpiero. Je suis porsuivi par les collets jaunes. Cache-moi, car je ne puis aller plus loin.* = Мен Жаннетто Санпьероман. Мени **сарик ёқалилар** қувиб келишяпти. Мени яшир, қочишга ҳолим қолмади.

Мулоқот юз беришига қўшадиган ҳиссасига кўра фарқланаётган ушбу тизим олмошлар гуруҳида ҳам ўз аксини топади. Олмошлар эса ўз навбатида, уч шахсдан ташқари кўплик, род каби категориал белгилар асосида ўзаро фарқланади. Масалан, «биз» олмоши ҳар қандай контекстда ҳам сўзловчиларнинг сони кўплигини англамайди. Жумладан, француз тилида

гапирувчи биринчи шахс birlikда бўлса-да «On est venu!» иборасини учинчи шахсда ишлатиб ўз «мен»ини алоҳида таъкидлагани ҳолда «Биз келдик!» дейиши мумкин. Шунинг учун айрим ҳолларда «биз» олмоши орқали узатилаётган ахборот мазмунини birlik ёки кўпликда эканлигини аниқлаш тингловчининг(китобхоннинг) ихтиёрига қолдирилади. Бу ўринда бобомиз Амир Темурнинг «*Биз ким жаҳонгир, Турон султони*» иборасини мисол келтириш мумкин.

Макон дейксиси. Мулоқот жараёнида унинг иштирокчилари эгаллаган ўрнига ишора макон дейксиси орқали воқеланади. Матндаги воқеликнинг идрок қилиниши ва бу идрокнинг лисоний белгиларда ифода топиши икки лисоний-тафаккур ҳаракатини талаб қилади: биринчидан, воқелик парчасини тавсифлашни тақозо қилса, иккинчиси уни маълум маконда жойлаштиришни талаб қилади. Айрим ҳолларда макон дейксиси денотатив birlikлар воситасида, айрим ҳолларда ўрин равишлари, кўрсатиш олмошлари орқали ифодаланади. Масалан,

Le maquis est la patrie des bergers corses et de quiconque s'est brouillé avec la justice (p.19) (Маки-барча корсиканлик чўпонлар, шунингдек барча қонунга чап бериб, қочиб юрганларнинг макони) жумласида макон дейксиси «**Le maquis**», «**corses**» ва «**la patrie**» каби денотатив birlikлар билан ифодаланса, шахс дейксиси «**des bergers**» денотатив бирлиги ва «**quiconque**» олмоши орқали ифодаланапти.

Мулоқот фаолияти учун макон ва замон ҳодисалари муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир воқеа маълум бир макон ва замонда кечади ва у ёки бу ҳодиса ҳақидаги ахборотни қабул қилаётган тингловчи унинг қачон, қаерда содир бўлганлигини билишга интилади. Нутқий актларнинг бу тури прагматик жиҳатдан макон ва замон дейксисида ўрганилади.

Сухбатдошнинг фон билимларидан аввалдан хабардор бўлиши тарихий ва бадий ассоциацияларга асосланган идеоматик ибораларни қўллашда жуда зарур. Масалан, *Макка сўзи* мусулмон олами учун «муқаддас жой» -

деган маънони англатади. Бу сўзни тилга олган киши у Саудия Арабистонидаги зиёратгоҳ шаҳар эканлигини, у ерда Муҳаммад пайғамбар туғилганлигини, мусулмонлар у ерга ҳажга боришлари ҳақидаги фон билимлардан хабардор бўлишлари керак.

Замон дейксиси. Матнда тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар баёни ва улар ҳақида ахборот узатишда унинг кечиш даврга, пайтига ишора қилувчи иборалар қўлланилади. Бундай ишора вазифасини замон (вақт) дейксиси воситалари бажаради. Замон ёки темпорал дейксис деб ифодаланувчи бундай лисоний воситалар иш харакатининг бирор бир нутқий акт ижросидан олдинги ёки кейинги даврига ишора қилади. Масалан, П.Мерименинг «Матео Фалкон» новелласидан олинган қуйидаги матнда замон дейксиси ишлатилишини таҳлил қилайлик:

La nuit, il se servait de ses armes aussi facilement que le jour, et l'on m'a cité de lui ce trait d'adresse qui paraîtra peut-être incroyable à qui n'a pas voyagé en Corse.(p.20).

Биринчидан, ахборотда Матео айнан кечалари ҳам худди қудузгидек ўқни чапдастлик билан нишонга текказа олиши баён қилнапти. Бу ўринда қачонлардир содир бўлган қунлар ва тунлар замон дейксиси вазифасини бажараяпти. Иккинчидан, матн давомидаги «менга айтиб беришларича» ибораси воқеа гапирилётган пайтга нисбатан анча олдин содир бўлганлигини, бундай чапдастлик Корсикага бормаганлар учун ғайритабиий туюлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрда корсикаликларнинг ҳаммаси ана шундай чапдаст мерганлар эканлиги ҳақидаги ишорани қўрамыз. Учинчидан, парчадаги замон дейксиси грамматик жиҳатдан ўтган замон давом феъл билан баён қилинганлиги матндаги ахборотни тўлиқ тушунилишига ёрдам бераяпти. Замон дейксиси орқали кўпинча прецедент номлар орқали тарихий воқеаларга ҳам ишора қилинади. « -Сиз Ватерлао жангида иштирок этганмисиз? П.Мерименинг «Коломба» қиссасидан олинган бу мисолда

Наполеон Бонапартнинг биринчи мағлубиятга учраган жангига ишора қилинмоқда.

Барча тил ва маданиятларда замон майл, замонга оид тушунчалар кун ва тун, ой, мавсум, йил каби лисоний белгиларнинг алмашинуви билан меъёрланади. Улар тақвимли меъёрлар ҳисобланиб, аниқ дейктик мазмун олишлари учун аниқловчилар ёрдамига муҳтожлик сезадилар:

L'année passé, -ўтган йил; le dimanche prochain –келаси яшанба, cette nuit - бу оқшом. Масалан:

Mateo Falcone, quand j'étais en Corse en 18..., avait sa maison à une demi-lieue de ce maquis..

18... йилда Корсикада бўлганимда Матео Фальконнинг уйи мана шу макидан ярим милча берида эди.

Lorsque je le vis, deux années après l'événement que je vais raconter il me parut âgé de cinquante ans tout au plus. Мен уни учратганимда у менга эллик ёшлардан бироз ошган кишидек туюлганди.

Замон ва макон дейкислари бошқа дейктик мазмун ифодаловчилар тўқнашадиган, ўзаро қоришадиган ҳудуд бўлиб, бундай сарҳаддошлар қаторига социал дейкисни ҳам киритиш мумкин.

Дискурс(матн) дейкиси. Ушбу турдаги дейкис матннинг маълум бир қисмига ишора қилувчи ибораларнинг қўлланишида намоён бўлади. Масалан, “*en tout cas*”-«ҳар ҳолда», “*au contraire*”-«аксинча», “*donc*”-«бинобарин», «демак», “*par exemple*”-«жумладан», «масалан» каби иборалар матннинг олдинги ёки кейинги қисмларига ишора қилувчи воситалардир. Бундай ибораларнинг матн дейктиклари қаторига киритилишининг сабаби, улар иштирокидаги тузилган нутқий структураларнинг референтини матндан излаш имкони мавжудлигидир.

Эмоционал дейкис шахснинг(сўзловчининг) воқелик билан муносабати натижасидир ва унинг ифода воситаси тил тизимининг турлича сатҳларига оид лисоний бирликлардир. Эмотивлик ҳар қандай нутқий ҳаракатга хос, зеро сўзловчи кечаётган воқеа-ҳодисани идрок қилишда

бетараф бўлиб қола олмайди ҳамда нутқий баёнида, ахборот узатишда ўз хиссиётларини изҳор қилишга мажбурдир. Аммо хиссиёт даражаси ҳар хил, унинг миқдори тингловчига қай даражада таъсир ўтказиш ва қандай фаолиятга ундаши мақсади билан белгиланади. Эмоционалликнинг нутқий фаолиятда турли кўриниш ва даражаларда ифодаланиши ҳис туйғуни изҳор қилиш мақсади, модаллик мазмуни, тоналлик(оҳангдошлик) каби нутқий бирликлар орқали ҳосил бўлади. В.В.Шаховскийнинг фикрича турли сўзловчилар қўллайдиган эмотив нутқий тузилмаларнинг мазмун ва ифодаси мулоқотдошларнинг эмоционаллик ифодасига бўлган эҳтиёжи, мақсади билан боғлиқ. Бу эҳтиёж сўзловчининг воқеликка муносабати, уни идрок этиш мақсади билан белгиланади. Айнан шу мақсаднинг лисоний ифодаланиши эмоционал дейксиснинг воқеланишидир. (Шаховский, Жура, 2002, с.45).

Эмоционал нутқий фаолиятнинг воқеланиши мулоқатнинг тўрт асосий кўрсаткичларининг ўзаро муносабатга киришуви натижасидир. Булар: 1) сўзловчининг эмотив мақсади;2) унинг хиссиётининг модаллиги;. 3) эмоционаллик даражаси; 4) эмоциянинг йўналтирилиши(мўлжали) (Шаховский, Жура, 2002, с.47.)

Эмоция дейксисининг кўрсаткичларидан бири бўлган баҳолаш ҳаракати иллокутив мақсад ва перлокутив вазифа умумлашмасидан иборат (Пиотровский 1995:45) Иллокутив мақсад воқеланишида нутқ субъектининг эмоционал-ҳиссий ҳолати намоён бўлса, перлокутив мақсадда тингловчига - адресатга таъсир ўтказилишини такозо қилади. П.Мерименинг «Матео Фалкон» новелласидан олинган қуйидаги мисолда биринчи ҳолатда сўзловчи воқеликда кечаётган ходисани баҳолаётиб ўз хиссиёти, туйғусини ифодалайди. Иккинчи ҳолда эса, перлокутив вазифани, яъни тингловчида ўз қилмишидан уялишга, афсусга ундаш мақсади кузатилади:

-Femme, dit-il, -cet enfant est-il de moi?

- Que dis-tu, Mateo? Et sais-tu à qui tu parles?

-Et bien, cet enfant est le premier de race qui a fait une trahison (p.33)

- Хотин! –деди у. –Шу бола мендан бўлганми?

-Нималар деясан, Матео? Бу гапни кимга гапирётганингни биласанми?

- Демак, бу бола наслимиздан чиққан биринчи сотқин эканда!?(84 б.)

Социал (ижтимоий) дейксис. Дейксис категориясига прагмалингвистиканинг асосий тадқиқ объекти сифатида қараган кўпчилик тадқиқотчилар шахс дейксисининг уч қисмдан иборат эканлигига (мен, сен, у) қайд этишиб ўз эътиборларини дунёнинг кўпгина тилларида сўзловчи, адресат ва учинчи (кузатувчи ёки мулоқот иштирокчиси бўлмаган) шахснинг жамиятда туган ижтимоий мавқеига нисбатан муносабатга киришувига эътиборларини қаратади. Демак, барча тилларда шахснинг ижтимоий мавқеси махсус лисоний бирликлар, грамматик шакллар воситасида ифодаланади ва улар прагматиканинг социолингвистик омиллари сифатида ўрганилади. Шу сабабли социал дейксисни гапларнинг нутқий акт ижро этилаётган ижтимоий муҳитнинг амалийлиги билан шартланган ва бу амалийликни аниқлаб, акс эттирувчи хусусиятларига оид ходиса деб таърифлаш мумкин. Социал дейксис муайян гап таркибида эмас, мулоқот матни таркибида коммуникантларнинг ижтимоий мавқеси қандай ҳолатларда акс этишини ифодалайди. Масалан француз тилида “on” ноаниқ олмоши кўпинча шундай вазифада келиши мумкин. Нутқ жараёнида(матнда) ўзбек тилида будай дейксис тингловчига нисбатан кинояни, баъзан ҳурматни ҳам ифодалаб «ўз» олмоши билан ифодаланиши мумкин.

Масалан, Ўзлари ҳам келибтилар-да!? - Voilà, on est venu enfain! - Ўзлари келармиш! - On va venir!

Худди шу жиҳати билан социал дейксис баҳоловчи категорияларга ҳам эга бўлиши мумкин. Бундай мазмунни ифодаловчи манба турли тилларда турлича бўлиши мумкин. Ҳар қандай тилда сўзлашаётган шахс ахборот узатиш учун мулоқотдошига бўлган муносабатини яширин ёки очик, ижобий

ёки салбий, бевосита ёки билвосита шаклларда амалга оширади Бундай муносабатларнинг барчаси социал дейксис мазмунида ўз аксини топади.

Социал дейксисга хос бўлган белги-муносабатлар турли ижтимоий гуруҳларда турлича мулоқот вазиятларида рўй бериши мумкин. Бундай фарқ хатто мулоқот иштирокчиларнинг жинсига ҳам боғлиқ. Масалан, ўзбеклар «Эй, белингда белбоғинг борми, ўзи? - дейиш орқали эр кишига номуносиб ишлар билан шуғулланувчи кишиларни камситади. Яна П.Мерименинг юкоридаги асаридан олинган мисолга мурожаат қилайлик:

- *Mon père est Mateo Falcone! –dit l'enfant avec emphase.*

- *-Sais-tu bien, petit drole, que je puis t'emmener à Corse ou à Bastia? Je te ferai coucher dans un cachot, sur la paille, les fers aux pieds, et je te ferai guillotiner, si tu ne dis pas ou est Gionetto Sanpiero!(p.25)*

- *Менинг отам Матео Фалкон эканлигини биласизми! -деди бола истеҳзоли оҳангда.*

- *Ҳой шумтака, биласаними, агар Жианетто Саньперонинг қаерга яширинганини айтмасанг, истасам сени Кортога ёки Бастияга олиб бориб, оёқ- қўлларингга кишан уриб, самон тўшалган қамоққа тиқиб қуйишим , ёки каллангни олишим мумкин (78 б).*

Ушбу парчадаги коммуникатив вазиятда боланинг барча корсикаликларга хос мағрур характери, ўз отаси билан фахрланиши, жандарм сержанти Гамбанинг эса, ўз ижтимоий бурчидан, мавқесидан фойдаланиб болага қилаётган дўқ пўписаси орқали социал дейксис вокеланаяпти.

Ҳар қандай тил ва маданиятда социал дейксис икки асосий тури мавжуд. Булар ижтимоий мавқенинг давомийлиги ва ўзгарувчанлигини ҳисобга олиб **мутлақ ва нисбий** социал дейксислар номини олишган. Социал дейксис мазмунининг нисбийлиги сўзловчининг референт, адресат, кузатувчи (3-шахс) ва ижтимоий муҳитга бўлган муносабатида намоён бўлади. Бу боғлиқликлар кўпинча маънавий ва маданий қадриятларига қарам ҳолда

шаклланади. Бунда мулоқотнинг расмий ва норасмий руҳда кечиши алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки расмий ва норасмий муносабатларнинг грамматик ва луғавий бирликлар воситасида белгиланиши барча тиллар учун умумий қоидадир.

Социал дейксис белгилари айниқса маросимий нутқий фаолиятда шахслар ўртасидаги мутлақ муносабатларда ўз аксини топади. Бу жараёнда мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий мавқелари бир хилда эканлиги эътиборга олиниб, жамиятда қабул қилинган этикет қоидаларига риоя қилинади. Бундай қоида саломлашиш, табриклаш, ташаккур изҳор этиш, ҳамдадлик билдириш, никоҳ ўқиш, дуо ўқиш, парламент мулоқоти, дипломатик мулоқот, давлат раҳбарларининг мактуб алмашуви каби муносабатларда ўз аксини топади.

Сўзловчи мулоқот жараёнида лисоний birlikларнинг прагматик хусусиятларидан фойдаланиш истаги бўлса, суҳбатдошларнинг фон билимларининг бир хиллиги эътиборга олиниши зарур. Чунки турли социал катламларга оид турли даражадаги саводхонликка эга бўлган кишилар ҳар доим ҳам, агар суҳбат жараёнига турли кўчирма маъноли сўзлар, ёки энциклопедик сўзлар аралашса, ўзаро тил топиша олмайдилар.

Билдирилган фикрларни ҳулосалаб таъкидлаш жоизки, тил мулоқот воситаси, мулоқот жараёнида шахс ва лисон муносабатларининг юзага келишида дейксис муҳим рол ўйнайди. Субъект лисоний белгига нисбатан мунсабатини ифодалашда ўзининг «мен»ини тасдиқлашга ҳаракат қилади ва бунда ўзига хос тил воситасидан фойдаланади, бу фаолият маълум бир вазиятда рўй беради, сўзловчи ўз нутқида иш ҳаракатининг вақтига, ўрнига ишора қилади ва уни гапирётган гапига ишонишни, шу орқали унга нутқий таъсир ўтказишни кўзда туттади. Буларнинг ҳаммаси дейксис ходисасининг прагматик таҳлилдаги аҳамиятини белгилайди.

Прагматика шундай қилиб суҳбатдошларнинг дунёқарашлари, ўзаро муносабатлари, бу муносабатлар рўй берадиган вазият, фикрдан қандай

мақсад кузатилади ва бунда баҳоловчи бирликлар суҳбатдошларга қандай даражада тушунарли эканлигини тадқиқ қилар экан, бадиий матн **шахс, макон, замон, дискурс, эмоционал дейксис ва социал дейксис** нуктаи назардан ёндашиб таҳлил қилади.

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. *Пиотровский Л.А.* Теоретические и прикладные проблемы языкознания на рубеже XX в.: //Лингвистика на исходе XX в.: Итоги и перспективы. Тезисы международной конференции, ч.2.-М.: Филология, 1985. С.417-419.

2. *Рахимов С.* Речевая коммуникация и проблема дейксиса в разнотипных языках. –Т.: Фан, 1989. -119 б..

3. *Сафаров Ш.* Прагмалингвистика. Т., 2008, 150 – 200 бетлар.

4. *Шаховский В.И., Жура В.В.* Дейксис в сфере эмоциональной речевой деятельности.// Вопросы языкознания., 2002, №5 с.38-56.

Мустақил ишшлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Дейксис ва дейктик ибора, дейктик белги тушунчаларини изоҳланг.
2. Дейктик марказни таркиб топтирувчи қисмлар нималардан иборат?
3. Мулоқотнинг дейксис турларида вокеланишини изоҳлаб беринг.
4. Берилган матндан дейктик ибораларни топинг ва таҳлил қилинг.

8. Sa femme marchait sur ses talons, tenant son fusil de rechange et sa giberne. L'emploi d'une bonne ménagère, en cas de combat, est de charger les armes de son mari.

D'un autre côté, l'adjudant était fort en peine en voyant Mateo s'avancer ainsi, à pas comptés, le fusil en avant et le doigt sur la détente.

“ Si par hasard, pensa-t-il, Mateo se trouvait parent de Gianetto, ou s'il était son ami, et qu'il voulût le défendre, les bourres de ses deux fusils arriveraient à deux d'entre nous, aussi sûr qu'une lettre à la poste, et s'il me visait, nonobstant la parenté !...”

Dans cette perplexité, il prit un parti fort courageux, ce fut de s'avancer seul vers Mateo pour lui conter l'affaire, en l'abordant comme une vieille connaissance ; mais le court intervalle qui le séparait de Mateo lui parut terriblement long.

“Holà!, eh!, mon vieux camarade!

Mateo, sans répondre un mot, s'était arrêté, et, à mesure que l'autre parlait, il relevait doucement le canon de son fusil, de sorte qu'il était dirigé vers le ciel au moment où l'adjudant le joignit.

-Bonjour frère, dit l'adjudant en lui tendant la main.

Il y a bien longtemps que je ne t'ai vu.

- Bonjour frère !

- J'étais venu pour te dire bonjour en passant, et à ma cousine Pepa. Nous avons fait une longue traite aujourd'hui; mais il ne faut pas plaindre notre fatigue, car nous avons fait une fameuse prise. Nous venons d'empoigner Gianetto Sanpiero.

- Dieu soit loué!- s'écria Giuseppa.- Il nous a volé une chèvre laitière la semaine passée.”.

Ces mots réjouirent Gamba.

Отформатировано: Отступ:
Первая строка: 1 см, интервал
После: 0 пт, Междустр.интервал:

Отформатировано: Отступ:
Первая строка: 1 см, интервал
После: 0 пт, Междустр.интервал:
одинарный

-Pauvre diable ! dit Mateo, il avait faim.

- Le drôle s'est défendu comme un lion, poursuivit l'adjudant un peu mortifié ; il m'a tué un de mes voltigeurs, et, non content de cela, il a cassé le bras au caporal chardon ; mais il n'y a pas grand mal, ce n'était qu'un Français... Ensuite, il s'était si bien caché, que le diable ne l'aurait pu découvrir. Sans mon petit cousin Fortunato, je ne l'aurais jamais pu trouver.

- Fortunato!- s'écria Mateo.

-Fortunato!- répéta Giuseppe.

- Oui, le Gianetto s'était caché sous ce tas de foin là-bas ; mais mon petit cousin m'a montré la malice. Aussi je le dirai à son oncle le caporal, afin qu'il lui envoie un beau cadeau pour sa peine. Et son nom et le tien seront dans le rapport que j'enverrai à M. l'avocat général.

- Malédiction!- dit tout bas Mateo.

Ils avaient rejoint le détachement. Gianetto était déjà couché sur la litière et prêt à partir. Quand il vit Mateo en la compagnie de Gamba, il sourit d'un sourire étrange ; puis, se tournant vers la porte de la maison, il cracha sur le seuil en disant : “ Maison d'un traître ! ”

Il n'y avait qu'un homme décidé à mourir qui eût osé prononcer le mot de traître en l'appliquant à Falcone. Un bon coup de stylet, qui n'aurait pas eu besoin d'être répété, aurait immédiatement payé l'insulte. Cependant Mateo ne fit pas d'autre geste que celui de porter sa main à son front comme un homme accablé.

Fortunato était entré dans la maison en voyant arriver son père. Il reparut bientôt avec une jatte de lait, qu'il présenta les yeux baissés à Gianetto.

“ Loin de moi! ” lui cria le proscrit d'une voix foudroyante.

Puis, se tournant vers un des voltigeurs: - Camarade, donne-moi à boire,-dit-il.

Le soldat remit sa gourde entre ses mains, et le bandit but l'eau que lui donnait un homme avec lequel il venait d'échanger des coups de fusil. Ensuite il demanda qu'on lui attachât les mains de manière qu'ils les eût croisées sur sa poitrine, au lieu de les avoir liées derrière le dot.

-J'aime, disait-il, à être couché à mon aise.

On s'empressa de le satisfaire, puis l'adjudant donna le signal du départ, dit adieu à Mateo, qui ne lui répondit pas, et descendit au pas secoué vers la plaine.

Il se passa près de dix minutes avant que Mateo ouvrît la bouche. L'enfant regardait d'un oeil inquiet tantôt sa mère et tantôt son père, qui, s'appuyant sur son fusil, le considérait avec une expression de colère concentrée.

- Tu commences bien!, dit enfin Mateo d'une voix calme, mais effrayante pour qui connaissait l'homme.

- Mon père! - s'écria l'enfant en s'avançant les larmes aux yeux comme pour se jeter à ses genoux.

Mais Mateo lui cria: Arrière de moi ! ”

8. Жузеппа иккинчи ўқланган милтиқни ва ўқдонни кўтарганича эрининг ортидан изма-из келарди. Яхши уй бекаси эри жангга кираётган пайтда унинг милтигини ўқлаб беришни ҳам билиши керак.

Бу тарафда эса Матеони милтигини ўқталиб, тепкисини босишга тайёр ҳолда эҳтиёткорлик билан яқинлашиб келаётганини кўрган сержант мушкул аҳволга тушиб қолди. «Мободо, - ўйлади у, Матео Жаннеттонинг қариндоши, ёки дўсти чиқиб қолиб, уни ҳимоя қилмоқчи бўлса-чи? Унда унинг икки милтигидан ўзилган иккита ўқ ўша заҳотиёқ Азроилнинг қаҳри мисол иккитамизнинг руҳимизни афсолософинга жўнатиши турган гап. Қариндошлигимизга қарамай менга ҳам ўқ ўзиб қолсачи?»

Шундай хаёллар билан боши қотган Гамба ниҳоят дадил бир қарорга - Матеога бир ўзи ёлғиз пешвоз чиқиб, унга эски таниши мисол барча гапни оқизмай - томизмай айтиб беришга аҳд қилди. Бироқ, ўзини Матеодан ажралиб турган қисқагина масофа унга даҳшатли равишда ўзундек туюлди.

Отформатировано: Отступ:
Первая строка: 1 см, интервал
После: 0 пт, Междустр.интервал:
одинарный

Отформатировано: Отступ:
Первая строка: 1 см, интервал
После: 0 пт, Междустр.интервал:
одинарный

-Э-ҳей! Биродар! - қичқирди у. - Аҳволларинг қалай, қадрдон? Бу мен, Гамбаман, қариндошингман!

Матео бир оғиз жавоб қайтармай, жойида тўхтади. Сержантни тинглар экан, ўқталиб келаётган милтиғи оғзини оҳиста юқорига кўтара бошлади. Сержант унинг ёнига етиб келганида, милтиқ осмонга қараб турарди.

-Салом, биродар! - деди сержант унга қўлини чўзиб. - Учрашмаганимизга ҳам анча бўлди.

-Салом, биродар!

-Йўл-йўлакай сен билан, ҳамда хотининг Петта билан саломлашай деб келгандим. Бугун роса тер тўкишимизга тўғри келди, бироқ овимиз бароридан келди. Чарчасанимиздан афсусланмасак ҳам бўлади, чунки ҳозиргина Жаннетто Сантвирони қўлга туширдик.

- Худого шукур, зап иш бўпти-да! - хитоб қилди Жўзеппа. - У ўтган хафта соғин эчқларимиздан бирини ўғирлаб кетган эди.

Бу гапдан Гамба қувониб кетди.

-Шўрликкина! - деди Матео. - Оч бўлгандан кейин, нима қилсин!

- Бу аблаҳ шердай олишиди, - давом этди сержант, Матеонинг гапидан бироз энсаси қотиб. - У ўқчиларимдан бирини олиб ўлдирди, у ўзган ўқ капрал Шардоннинг қўлини мажақлаб ташлади. Ҳа майли, бунга унчалик ачинмайман ҳам. Битта арзимас одам - францўз яраланса-яраланибди-да... Кейин у ярамас шунчалик усталик билан яшириниб олибдики, уни иблиснинг ўзи ҳам қидириб тополмасди. Агар жияним Фортунато бўлмаганида, мен ҳам уни бир умр излаб тополмасдим.

-Фортунато! - қичқириб юборди Матео.

-Вой ўлмасам, Фортунатоми? - такрорлади Жўзеппа.

-Айтганча, лаънати Жаннетто анави пичан гарамининг ичига яширинган экан. Жиянчам унинг бу айёрлигини фош қилиб ташлади. Унинг хизматларини тақдирлаб, ажойиб совға юбориши учун жаноб капорал амакисига гапириб бераман. Жаноб прокурорга юборадиган ахборотномада эса, унинг ва сенинг номинг албатта бўлади.

-Минг лаънат! - деди Матео эшитилар - эшитилмас.

Улар аскарларнинг ёнига қайтишиди. Жаннетто алақачон жўнашга тайёр ҳолда замбилда ётарди. У Матеога Гамбанинг ёнида қўриб, галати истехзо билан кулиб қўйди. Кейин уй томонга юзини буриб, остона томонга тушди.

-Сотқиннинг уйи! - деди у ижирганиб.

Ўлимни бўйнига олган кишигина Фальконга нисбатан «сотқин» деган сўзни айтишига журъат қилган бўларди. Бундай ҳақоратга у ўша заҳотиёқ ханжарининг биргина зарбаси, ҳа, биргина, бошқа такрорланмайдиган зарбаси билан жавоб қайтарган бўларди. Аммо Матео бошига оғир кулфат тушган кишидек қўлларини пешонасига тираш билан чекланди.

Фортунато отаси келаётганини кўриб ўйга кириб кетганди. Орадан кўп ўтмай, у бир коса сут кўтариб, ичкаридан чиқиб келди ва ерга тикилганича уни Жаннеттога ўзатди.

-Яқинлашма менга! -ҳайқириб юборди банди, гулдироқ овоз билан. Кейин ўқчилардан бирига юзланиб, илтимос қилди:

-Ошина, менга ичишига сув бер.

Аскар сувлигини унинг оғзига тутди ва банди яқиндагина ўзи билан олишган одамнинг қўлидан сув ичди. Кейин у қўлларини орқасига қайириб эмас, кўкрагига қўйиб қайта боғлашларини илтимос қилди.

«Қулайроқ ётишни маъқул кўраман», - деди у.

Унинг илтимосини бир зумда бажо келтиришиди, кейин сержант кўзгалишига ишора бериб, Матео билан хайрлашди, ундан садо чиқмагач, сайхонлик томон тез-тез юриб кетди.

Орадан ўн дақиқача вақт ўтса-да, Матео ҳамон миқ этмас, бола хавотирли назар билан гоҳ онасига, гоҳ отасига термуларди. Отаси эса, милтигига суяниб қаҳр-газабини босганича ўглига тикиларди.

-Қадам босишинг чаккм эмас!-деди ниҳоят Матео, уни таниганлар учун ўта даҳшатли туюладиган оҳангда.

-Отажон! Қичқириб юборди бола. Унинг кўзларидан ёш тирқираб, худди отасининг оёқлари остига тиз чўкмоқчи бўлгандек, олдинга бир қадам ташлади.

-Қимрилама! -ҳайқирди Матео.

10.БАДИЙ МАТН ТАРЖИМАСИНИНГ ПРАГМАТИК АСПЕКТЛАРИ

Ҳар қандай бадий матнни прагматик таҳлил қилар эканмиз ундаги лисоний ва нолисоний (вербаль ва новербаль) фактларни ўз ичига камраб оладиган *прагматик омилларнинг* таржимавий муаммоларига дуч келамиз.

Л.С.Бархударов *таржиманинг прагматик аспекти қаторига* ва қуйидагиларни киритади:

1. Лисоний бирликнинг стилистик характеристикаси: (1 нейтраль; 2 кундалик сўзлашув нутқидаги маъноси; 3 китобий; 4 поэтик; 5 терминологик маънолар);

2. Лисоний бирликнинг регистори: уларнинг фамильяр; эркин, бетакаллуф, нейтраль, кўтаринки маъноларда қўлланилиб, прагматик муносабатларни ифодалаши;

3. лисоний бирликнинг матндаги, нутқдаги эмоционал прагматик таъсири(бўёқдорлиги);

4. Матнда ва нутқда лисоний элементларнинг коммуникатив юкламаси (коммуникатив –прагматик мақсад, муносабат ва ҳаракатларнинг ифодаланиши);

5. Лисоний бирлик семантикасидаги коннотатив-прагматик маъно ва унинг таржимада берилиши (кўшимча ассоциациялар)

6.Коммуникатив акт иштирокчиларининг миллий-маданий ижтимоий-тарихий фон билимлари ва уларнинг таржимада берилиши (Бархударов, 1974: 106-133).

Бадиий матн таржимасида лисоний бирликларнинг стилистик характеристикаси сўз регистрида ифодаланган прагматик мақсад, прагматик муносабат ва нутқий ҳаракатларнинг воқеланишида ўз ифодасини топади. Кейинги йилларда бадиий матн прагматикасини тадқиқ қилишда мулоқотнинг прагматик параметрларини акс эттирувчи, матнда ифодаланган фикрнинг интенционал (мақсадга йўналтирилган) таъсирини ўрганиш биринчи планга чиқиб келмоқда (Posner 1980: 169-203).

Чунки ҳар қандай бадиий матн биринчи навбатда унинг яратувчисининг муайян *коммуникатив мақсадини* амалга оширилишига хизмат қилади ва тингловчи ёки китобхоннинг, таржимоннинг асосий вазифаси матндаги ана шу коммуниктив, информация ва бошқа характердаги муаллиф ниятини тўлалгича ўз тилида тушуниш ва қайта акс эттиришдир. Бу ўринда таржимон, китобхон ёки тингловчи *матндаги ахборотнинг рецептори* сифатида унинг энг муҳим таркибий қисмларини аниқлаб олиши ва ўзининг рецепторлик ролини аслиятдаги ахборотдаги бош мақсадни энг юқори даражадаги эквивалентлик асосида *узатувчи* ролини бажариши лозим.

Бу ўринда тиллараро эквивалентликнинг прагматик омилларига мурожаат қилишга тўғри келади. Матннинг коммуникатив мақсадини, коммуникатив таъсирини, рецепторга йўналтирилганлигини ўз ичига олувчи прагматиклик даражаси бошқа таркибий қисмларнинг бошқарувчилик функциясини бажаради ва таржимада эквивалентлик тушунчасига бориб тақалади. Бинобарин, Лисоний бирлик семантикасидаги коннотатив-прагматик маъно ва унинг таржимада берилиши (қўшимча ассоциациялар) *прагматик эквивалентлик, эквивалентсиз лексика, аслият ва таржима тилидаги эквивалентлик даражалари, прагматик маънонинг имплицит ифодаланиши, прагматик адекватлик* тушунчаларининг шаклланишига олиб келди. Аслият ва таржима матннинг *прагматик эквивалентлиги* тушунчаси айнан прагматик мақсаднинг ўзаро мос келишлиги, коммуникатив таъсирнинг адекватлигини ўз ичига олади.

Ю. В. Ванников ўз тадқиқотида прагматик адекватлик масаласини аслият ва таржима матнининг *прагматик эквивалентлиги* нуқтаи назардан ўрганиб уларни куйидаги тўртта типга бўлиб ўрганишни таклиф қилади:

1) рецепторнинг интеллектуал хусусиятларига мос келувчи ва унга аслият матни даражасида коммуникатив таъсир қилувчи прагматик эквивалентлик;

2) рецепторнинг дунёқарашига, муносабатларига, баҳолаш критерияларига мос келувчи прагматик эквивалентлик;

3) рецепторнинг хулқ- атворига, ташаббускорлигига таъсир қилувчи прагматик эквивалентлик;

4) рецептор хулқ атворига қисман таъсир қилувчи (селектив) прагматик эквивалентлик (Ванников 1982:38-39).

Матннинг умумий коммуникатив таъсири деганимизда нафақат аслият ва таржима тили рецепторларининг прагматик эквивалентлигининг тўлиқ бўлишлиги, балки уларнинг матндан оладиган прагматик ахборотнинг бир хиллиги ҳам тушунилади.

Прагматик эквивалентлик коммуникатив мақсад, бу мақсадни амалга оширишда воқеланадиган прагматик муносабатлар, бу муносабатларни лисоний бирликларда воқеланишини иккинчи тилда тўлиғича қайта тикланишида ўз ифодасини топади ва уни *прагматик адекватлик* тушунчаси билан изохлаш мумкин.

Бинобарин, бадий матнни ёки нутқни англаш ёки таржима қилиш жараёни «*ахборот узатувчи –матн – ахборот қабул қилувчи*» коммуникатив занжирда лисоний воситаларнинг матндаги, нутқдаги эмоционал прагматик потенциалини (таъсири) адекват эквивалентлар орқали таржима қилишни тақозо қилади.

Ҳар қандай бадий матн лисоний воситалар ёрдамида рецепторга қандайдир *коммуникатив таъсир* ўтказишни кўзда тутуди ва таъсир матннинг *прагматик потенциали* деб юритилади. Таржиманинг прагматик

потенциалига мисол тариқасида кўпгина тадқиқотларда А.А.Потебнянинг денгиз бўйига келиб қўшиқ қуйлаган ва кейин ҳўнграб йиғлаган юнон ҳақидаги қуйидаги мисол келтирилади: Уни қўшиғини тинглаган ва аҳволини кўрган одамлар қўшиқ мазмунини таржима қилиб беришини сўрайдилар. Юнон ўз қўшиғи мазмунини қуйидагича таржима қилади: « Қўшча дарахт шоҳида қўниб турарди. У узок вақт шундай турди ва бирдан қанот қоқиб, учиб кетди. У узок-узокларга учиб кетди». -Сизларнинг тилларингизда бу қўшиқ яхши чиқмайди, аммо юнон тилида бу жуда қайғули қўшиқ» -қўшиб қўйди у». Дарҳақиқат, қўшиқни бундай таржимаси бошқа тилда ҳеч қандай эмоционал прагматик таъсир уйғотмайди. Бунинг учун таржима тили вакиллари юноннинг кўз ёшларини тўғри тушуниш учун қуйидаги фон ахбортдан хабардор бўлиши лозим эди: Бу қуш оловда ёниб кетиб, қулдан қайта тириладиган Феникс номли қуш ва у юнонлар учун Ватан тимсоли ҳисобланади. (Мисол В.И.Шаховскийнинг «К проблеме трансформации коннотативных компонентов переводимой единицы содержания текста оригинала» мақоласидан олинди // Тетради переводчика. - Вып. 17. - М.: Международные отношения. - 1980. -с. 25-33.) Демак, бу ўринда бир тилда ифодаланган прагматик потенциални иккинчи бир тилда қайта тиклаш муаммоси вужудга келмоқда.

Бундай прагматик потенциални тушуниш ёки таржимада қайта тиклаш жараёнида айрим ҳолларда матн мазмунига керакли қўшимчалар қўшишни ёки унчалик муҳим бўлмаган лисоний бирликларни олиб ташлашни назарда тутувчи *прагматик адаптация* амалга оширилади.

Умуман олганда *прагматик адаптация* дейилганида таржима матнида аслият билан баробар даражада рецепиентга *коммуникатив таъсирни* таъминловчи қатор трансформацияларни ҳам тушуниш мумкин. Бу ўринда биринчи навбатда аслият тилида ифодаланган *прагматик муносабатларнинг* ўзига хос хусусиятларини китобхон (тингловчи) онгида ёки таржима тилида қандай воситалар орқали қайта тикланишини аниқлади. Бундай прагматик

муносабатлар таржимада *тилларао ва маданиятларара мулоқот* даражасида тадқиқ қилинади. Бу жараёни атрофлича таҳлил қилиш учун даставвал лисоний белгилар орқали амалга оширилган прагматик муносабатлар нутқий мулоқот жараёнида қандай усул ва воситалар ёрдамида воқеланишини, яъни функцияга киришувини аниқлаб олиш зарур бўлади.

Масалан, француз тилида яхши бажарилган ишга нисбатан билдирилган ижобий эмоционал-экспрессив муносабат «*Viola un bon travail!*» ибораси орқали ифодаланса, ўзбеклар бундай муносабатни «*Кўлинг ўргилсин иш бўлибди!*» дея ифодалайдилар.

Ушбу мисолда таржима тилида аслият матнига прагматик планда ҳам тўлиқ мос келадиган ибора танланганлигини кўрпмиз. Шундай қилиб таржима прагматикаси бир йўла тиллар аро коммуникацияда иштирок этаётган қатнашувчиларнинг (манба-таржимон-рецептор) прагматик муносабатларини ифодалашга ҳам хизмат қилади. Шундай қилиб, прагматик тадқиқотлар марказида «таржимон шахси» алоҳида таъкидланади. Бунда таржимоннинг ижодий стратегиясининг ўзига хос томонлари, таржима жараёнининг эвристик ўзига хосликларига асосий эътибор қаратилади (Дмитриева 2000: 65, Маров 1988:109, Наер 1985:20).

Бу жараёни В.Н.Комиссаров қуйидагича тасвирлайди: таржимондан 1) *аслият прагматикасига қараб ориентир олиш*, 2) *муаллиф томонидан яратилган коммуникатив акт иштирокчиларининг прагматик муносабатларига қараб ориентир олиши*, ва таржима рецепторининг (тингловчи-китобхон) прагматик муносабатларини ҳисобга олиш талаб қилинади (Комиссаров 2004:228). Масалан, рус тилида бирор ишни бажарилишига бефарқ муносабатда бўлган кишига нисбатан «*Ну, чего стоишь? Помоги-же!*» ибораси билан салбий муносабат билдирсалар, ўзбеклар бу ўринда «*Нега бақрайиб турибсан? Қарашисангчи!*» иборасини қўллайдилар. Мисолдан коммуникатив вазиятда рўй бераётган прагматик

мақсад, муносабат, нутқий ҳаракат прагматик адекватлик даражасида амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз.

В.Н.Комиссаровнинг таъкидлашича, « таржимон таржима жараёнининг **биринчи босқичида** оригинал асарининг рецептори вазифасини бажаради, бунда у аслият матнидаги прагматик, стилистик ахборотни иложи борича тўлиқроқ тушунишга ҳаракат қилади. Бунинг учун таржимон аслият тили вакилларига хос фон билимлардан, миллий-маданий ўзига хосликлардан тўлиқ бохабар бўлишлиги талаб қилинади. Таржима жараёнининг **иккинчи босқичида** таржимон аслият матнидаги прагматик ахборотни таржима тили рецепторларига узатувчи вазифасини бажаради. Бунда у таржима тили рецепторлари аслият тили рецепторларидан фарқ қиладиган бошқача фон билимлар ва ҳаётий тажрибаларга, тарихга ва маданиятга эга эканлигини ҳисобга олади. Икки тил ва маданият ўртасидаги фарқлар ҳар қандай ахборотни турлича лисоний воситалар орқали ифодаланишида кўзга ташланади ва бу ҳолатни ҳисобга олмаслик аслият тилида ифодаланган ахборотни тўлақонли тушунилишига ҳалал беради. Таржимон бундай лисоний қийинчиликларни матн мазмунига мос келадиган *прагматик адаптациялар* орқали қайта ифодалашга уринади» (Комиссаров 2002:137).

Кейинги йиллардаги тадқиқотларда таржиманинг **прагматик адекватлиги** масаласи аслият тили вакиллариининг матнда ифодаланган *миллий-маданий ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг таржимада берилиши, бунга рецептор ёки мулоқот иштирокчиларининг фон билимлари даражасининг таъсири, матнда ёки нутқда муаллиф ёки коммуникантларнинг ижтимоий психологик характеристикасининг ифодаланиши нуқтаи назардан ўрганилмоқда.* [Нахимова (2007); Казакова (2001), Почепцов (1998); Солодуб (2005); Латышев (2003)].

Таржима назариясида фон билимлар миллий-маданий ўзига хосликлар сифатида талқин қилинади. «..Улар коммуникатив планда рўй берадиган, аслият тилининг когнитив элементларини ташкил қиладиган, таржимада

муайян қийинчиликлар туғдирадиган лисоний элементлардир» (Райхштейн, 1986:10). Бу ўринда А.В.Федоровнинг куйидаги фикри жуда ўринлидир: «Қиёсланаётган тил ва маданиятлардаги фон билимлар бу бошқа мамлакат, бошқа халқлар ҳаётида вужудга келган тасаввурлар мажмуасидир. Бундай тасаввурлар, ҳаётий тажрибалар орқали тўпланган фон билимлар турли тилларда турлича тасаввурларга асосланади» (Фёдоров 2002: 146).

А.Н. Сокловнинг ёзишича, «уларнинг моҳияти аслият ва таржима матнларининг турли даражадаги реципиентларга мўлжалланганлиги билан ҳам изоҳланади» [Соколов 2005:15]. Шу сабабли таржима назариясига *таржиманинг прагматик адекватлиги* тушунчасини киритган Ю. Найда ва Ч. Таберларнинг таъкидлашларича, аслият тили вакиллари ва таржима тили вакиллариининг менталитетларидаги ижтимоий-маданий фарқлар матнни тўлиқ идрок қилишга йўналтирилган эквивалентлик ҳақида, яъни лисоний муқобиллар ҳақида гапириш имкониятини беради [Фёдоров.Ўша жой].

Аслият тилидаги матнни таржима тилига ўгиришда прагматик омилларни ҳисобга олиш зарурати айниқса хорижий тил фразеологизмларни ўзбек тилига таржима қилишда кўзга яққол ташланади. Масалан, европаликлар меҳмонларни зиёфатга таклифни ифодаловчи иллокутив нутқий ҳаракатни «*Прошу к столу!*», ўзбеклар «*Дастурхонга марҳамат !*» ибораси орқали изҳор қиладилар. Матнда ёки нутқда тарихий, маданий, географик, миллий прагматик ахборотларни ифодаловчи реалиялар эса таржима тилида *калкалаш, изоҳлаш, тушунтириш, матн ичида ёки остида иқтибос келтириш усулларидан фойдаланишни тақозо қилади*. Масалан, П.Мерименинг «Коломба» кассасидан олинган куйидаги мисол ва ундаги реалияни ўзбек тилида калкалаб ўгирилиб матн ичида изоҳланишига эътибор беринг:

-*Que chantais-tu là, Paolo Frabchè? dit Orso; est-ce une ballats? un vocero?*
(45)

- Қайси қўшиқни қўйлаётган эдинг, Паоло Франсе? -сўради Орсо. –бу *ballato* эдими ёки *vocero*ми? (Корсикалик аёллар томонидан ўлдирилган кишилар бошида айтиладиган марсия қўшиқлари)

А.В.Федоров бундай лисоний бирликларни «миллий ўзига хосликни ифодаловчи реалиялар» дея атаса [Федоров, ўша жой], Г.Г.Почепцов улар қаторига бир тил ва маданиятга мансуб, аммо бошқа тилларда мавжуд бўлмаган предмет ва ходисалар номини, асосий маъноси билан аслият ва таржима тилида бир хил маъно англатувчи, аммо маданий-тарихий ассоциациялари билан фарқланувчи коннотатив лексикани ва предметлар, ходисалар номини ифодаловчи, миллий хусусиятли белгилари билан, тилдаги функциялари, шакллари билан фарқланувчи фон билимларни акс эттирувчи лексикани киритади [Почепцов 1980.: 24].

Кўпинча аслият матнида ифодаланган иллокутив ҳаракатни ифодаловчи сўзнинг прагматик таъсирини янада ошириш мақсадида таржима тилида унга прагматик мос келадиган фразеологизмлардан фойдаланиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Масалан, М.Горкийнинг «Фома Гордев» асаридан олинган қуйидаги мисол таржимасига эътибор беринг:

«Мне что? Я молчу... мне сказали «следи!», за недосмотр мне попадѣт в рыло». = Менга нима? Индамай қўяқоламан. Менга қўз-қулоқ бўл, деб топширилган, Қарамасам, қулоқ-тумшугимга туширадилар.

Бадий матн таржимасининг яхлит коммуникатив-прагматик хусусиятлари нутқ фаолиятининг алоҳида тури сифатида ўрганилиши нутқий фаолиятдаги барча қонуниятларни, унинг ички нутқ структурасини ва таржимавий семиозис жараёнини информацион шарт-шароитларини тўлиқ очиб беришга хизмат қилади. Айни пайтда таржимада нутқ фаолиятига алоҳида урғу берилиши бадий таржиманинг барча коммуникатив ва прагматик аспектларини ёритиб беришга имконият беравермайди. Масалага нисбатан кенгроқ ёндашув таржимоннинг ижодий ва касбий маҳоратига ҳам боғлиқ эканлигини унутиш мумкин эмас. Бундай ёндашув бадий

таржиманинг бадий-эстетик, лингво-маданий аспектини ҳам таҳлил қилиш имконини беради.

Таржимада мазмун планини тўлиқ қайта яратиш тушунчаси нисбий тушунчадир. Чунки тиллараро трансформациялар жараёнида аслият матнида ифодаланган прагматик мазмун таржима тилида муайян даражада айрим ўзгаришларга дучор бўлиши мумкин. Бу ўринда таржимонлар ҳар иккала тилда мавжуд бўлган фарқларни таржима тилининг оккозионал эквивалентини қўлаш, баён, изоҳлаш, тушунтириш, қўшимча қилиш, матн ичида ёки остида иқтибос келтириш, асар охирида изоҳлаш сингари бир неча турларидан фойдаланадилар. Албатта бадий таржима матнига таржима тили китобхонлари учун тушунарли бўлмаган барча лисоний birlikларни изоҳлаш ҳам асосий матнга путур етказди. Тадқиқотларда аниқланишича, матн остида, асар охирида бериладиган ҳар қандай қўшимча изоҳлар китобхонни асарнинг асосий мазмунидан чалғитади, баъзан китобхонлар бундай изоҳларга қарамасдан фикрни контекст орқали англашга уринадилар, аммо бу баъзан нотўғри тасаввурларга ҳам олиб келиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан таржимашуносликда *таржиманинг прагматик нормаси* тушунчаси ҳам мавжуд. Бу норма таржимондан аслият матнидан фарқ қиладиган кенг миқдордаги синтактик ва лексик-семантик трансформациялардан фойдаланиш заруратини тақозо қилади. Чунки адекват таржиманинг асосий мақсади аслият матнида ифодаланадиган гапни айнан унга мос келадиган лексик-грамматик шаклларда қайта яратиш эмас, балки уларн таржима тилидаги лексик-грамматик воситалар орқали ўхшаш ва эквивалент прагматик ва коммуникатив воситалар орқали қайта тиклашдир.

Таржиманинг прагматик адекватлигини таъминлашда муайян тил вакиллари томонидан қўлланиладиган сўзлашув нутки, контаминациялашган нутқ, арго, жаргонлардан таркиб топган *социолингвистик омилларни* ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Аслият матнидаги стилистик мақсадларда қўлланиладиган содда сўзлашув тилига хос лисоний бирликлар орқали ифодаланган прагматик маъно ҳам таржимон учун муайян қийинчиликлар туғдирадиган омиллардан ҳисобланади. Бундай ҳолларда аслият матнидаги прагматик потенциални сўзма-суз ўгириш эмас, экспликация усулидан фойдаланиш заруратини туғдиради.

Айрим ҳолларда ҳар иккала тилдаги лисоний бирликларнинг референциал маънолари мос келсада, прагматик маънолари, яъни стилистик характеристикаси, эмоционал буёқдорлиги, коннотатив маънолари турлича бўлиб қолади. Аслият тилидаги лексик бирликнинг прагматик маъноси таржима тилидаги лексик бирликнинг прагматик маъносига мос келмай қолган ҳолларда изоҳли таржима усулидан фойдаланилади. Бу ўринда изоҳли таржима аслиятдаги лисоний бирлик ифодалаган ижобий, салбий, нейтрал прагматик муносабатларни, эмоционалликни, экспрессивликни тўлиқ қайта тиклаши лозим. Прагматик ахборотнинг таржима тилида бундай усулда қайта тикланишида сўзлар ифодаладиган референциал маънолар ўзаро бир-бирларидан фарқ қилса-да, таржима тили рецепторлари учун прагматик мақсад ва ахборт тўлиғича қайта тикланиши муҳимдир.

Миллий-маданий ўзига хосликларни таржимада берилиши масаласи тилшуносликдаги янги, когнитив йўналишнинг асосий тадқиқот объекти ҳисобланади ва ишонамизки, бу борада келажакда уларнинг таржимада берилишининг самарали усул ва воситалари кашф қилинади.

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. *Бархударов.Л.С.* Язык и перевод.М.:Международное отношения,1975, -240 с.
- 2.*Ванников Ю.В.* Понятие адекватности текста и типы адекватности перевода// Уровни текста и методы его лингвистического анализа. Сб.статей.- М.,1982.- с. 179.
- 3.*Дейк, Т.А.ван.* Вопросы прагматики текста. //Новое в зарубежной лингвистике. М.: Прогресс, 1978. –Вып. VIII:Лингвистика текста.- с.259-336.

4. *Дмитриева М.М.* Семантико-прагматические и стилеобразующие характеристики экспрессивных единиц языка. Автореферат дис. канд. филол. наук. Нижний Новгород, 2000,- 16 с.

5. *Дудина Т.Б.* Прагматическая характеристика текста и его лингводидактическая направленность // Проблемы лингвистического анализа текста. Коммуникативно-прагматический аспект. Иркутск: ИГПИИЯ, 1990 с.5-10.

6. *Комиссаров В.Н.* Современное переводоведение.-М., ЭТС, 2004.-424 с.

7. *Маров В.Н.* Прагматико-стилистическая характеристика речи партнеров коммуникации.// Сб. науч. Трудов: Прагматика и стилистика текста. Алма-Ата: КазГУ,1988.-173 с.

8. *Нойберт А.* Прагматический аспект перевода.- М., 1978.-185-202 с.

9. *Почепцов Г.Г.* Прагматика текста// Коммуникативно-прагматические и семантические функции речевых единиц. Калинин: 1980. -с.5-10.

10. *Соколов А.Н.* Прагматические аспекты перевода. Автореферат дис. канд. Филол. наук. Тюмень, 2004. 24 с.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:

1. *Прагматик омиллар, матнларнинг жанр ва стилистик хусусиятларини, прагматик қиймати, лисоний белгининг матндаги функционал роли, таржимоннинг прагматик вазифалари тушунчаларини изоҳланг.*

2. *Прагматик муносабатлар, матндаги миллий-маданий ўзига хос хусусиятлар, коммуникация иштирокчиларининг фон билимлари даражаси, уларнинг ижтимоий психологик характеристикаси деганда нимани тушунаси?*

3. *Л.С.Бархударов томонидан лексик бирликларнинг таржимадаги прагматик маъносига берилган таснифни изоҳланг.*

4. *Аслият тили персонажларининг фон билимлари таржима тили китобхонлари фон билимларига мос келмаганида қандай таржима усуллари қўлланилади?*

5. *Қуйидаги матндан белгиланган сўзлардаги лисоний белгининг матндаги функционал вазифасини, прагматик мақсад ва муносабатларни, миллий маданий ўзига хосликларни, аслият тилига хос бўлган фон билимларни ифодаловчи лисоний белгиларни таржимада берилишини таҳлил қилинг:*

9. Et l'enfant s'arrêta et sanglota, immobile, à quelques pas de son père.

Giuseppa s'approcha. Elle venait d'apercevoir la chaîne de la montre, dont un bout sortait de la chemise de Fortunato.

- Qui t'a donné cette montre?- demanda-t-elle d'un ton sévère.

- Mon cousin l'adjudant.

Falcone saisit la montre, et, la jetant avec force contre une pierre, il la mit en mille pièces.

- Femme, dit-il, cet enfant est-il de moi ?

Отформатировано: Отступ:
Первая строка: 1 см, интервал
После: 0 пт, Междустр.интервал:
одинарный

Les joues brunes de Giuseppa devinrent d'un rouge de brique.

- Que dis-tu, Mateo? Et sais-tu bien à qui tu parles?

- Eh bien, cet enfant est le premier de sa race qui ait une trahison.

Les sanglots et les hoquets de Fortunato redoublèrent, et Falcone tenait ses yeux de lynx toujours attachés sur lui. Enfin il frappa la terre de la crosse de son fusil, puis le jeta sur son épaule et reprit le chemin du maquis en criant à Fortunato de le suivre. L'enfant obéit.

Giuseppa curut après Mateo et lui sésit le bras.

- C'est ton fils, lui dit-elle d'une voix tremblante en attachant ses yeux noirs sur ceux de son mari, comme pour lire ce qui se passait dans son âme.

- Laisse-moi, répondit Mateo : je suis son père."

Giuseppa embrassa son fils et entra en pleurant dans sa cabane. Elle se jeta à genoux devant une image de la Vierge et pria avec ferveur. Cependant Falcone marcha quelque deux cents pas dans le sentier et ne s'arrêta que dans un petit ravin où il descendit. Il sonda la terre avec la crosse de son fusil et la trouva molle et facile à creuser. L'endroit lui parut convenable pour son dessein.

- Fortunato, va auprès de cette grosse pierre.

L'enfant fit ce qu'il lui commandait, puis il s'agenouilla.

- Dis tes prières.

- Mon père, mon père, ne me tuez pas.

- Dis tes prières !" répéta Mateo d'une voix terrible.

L'enfant, tout en balbutiant et en sanglotant, récita le Pater et le Credo. Le père, d'une voix forte, répondait Amen ! à la fin de chaque prière.

- Sont-ce là toutes les prières que tu sais ?

- Mon père, je sais encore l'Ave Maria et la litanie que ma tante m'a apprise.

- Elle est bien longue, n'importe.

L'enfant acheva la litanie d'une voix éteinte.

- As-tu fini?

- Oh! mon père, grâce! pardonnez-moi ! Je ne le ferai plus! Je prierai tant mon cousin le caporal qu'on fera grâce au Gianetto!

Il parlait encore; Mateo avait armé son fusil et le couchait en joue en lui disant :

- Que Dieu te pardonne !

L'enfant fit un effort désespéré pour se relever et embrasser les genoux de son père; mais il n'en eut pas le temps. Mateo fit feu, et Fortunato tomba roide mort.

Sans jeter un coup d'oeil sur le cadavre, Mateo reprit le chemin de sa maison pour aller chercher une bêche afin d'enterrer son fils. Il avait fait à peine quelques pas qu'il rencontra Giuseppa, qui accourait alarmée du coup de feu.

- Qu'as-tu fait ? s'écria-t-elle.

- Justice.

- Où est-il ?

- Dans le ravin. Je vais l'enterrer. Il est mort en chrétien ; je lui ferai chanter une messe.

Qu'on dise à mon gendre Tiodoro Bianchi de venir demeurer avec nous.

9. Бола хўнграб йишлаганича отасидан бир неча қадам нарида тошдек қотиб қолди.

Жузеппа уларга яқинлашди. У Фортунттонинг жўйлаги остидан чиқиб турган соат занжирини кўриб қолиб, жаҳл билан сўради:

-Соатни сенга ким берди?

-Сержант тоғам.

Матео соатни юлқиб олди-да жон-жаҳди билан тошга урди. Соат майда-майда бўлиб кетди. -Хотин!-пишқирди у. -Шу бола мендан бўлганми?

Жузеппанинг бугдойранг чеҳраси пиширилган гиштдек қизариб кетди.

Отформатировано: Отступ:
Первая строка: 1 см, интервал
После: 0 пт, Междустр.интервал:
одинарный

-Нималар деяпсан, Матео!? Бу гапни кимга гапираётганингни биласанми?

-Демак, бу бола авлодимиздан чиққан биринчи сотқин эканда!

Фортунатонинг хўрсиниб, ҳиққиллаб йиглаши тобора авж олди. Фалькон эса, силовсинникига ўхшаши кўзларини ҳамон ундан ўзмасдан тикилиб турарди. Ниҳоят у милтиги қўдоғи билан ерни бир урди-да, уни яна елкасига осди ва Фортунатога орқасидан юришни буюриб, макига олиб борадиган йўлга тушди. Бола итоат қилиб унга эргашиди.

Жузеппа Матеоинг орқасидан чопиб унинг қўлларига ётишди. -У ўз пуштикамарингдан бўлган ўглинг, ахир! - деди у титроқ овозда, худди унинг қалбидан нималар бўлаётганини ўқиб олмоқчидек қора кўзларини эриникига қадаб.

-Йўлимдан қоч! - деди Матео. - Мен унинг отасиман!

Жузеппа ўглини қучиб ўнди-да, йиғлаганича уйга кириб кетди. У Биби Марям сурати қаришисига тиз чўкиб, астойидил ибодат қилишга киришди. Бу орада Фалькон сўқмоқ бўйлаб икки юз қадамча юриб, чоғроққина жарликка тушиб тўхтади. У милтиқ қўдоғи билан ерни уриб кўриб, юмишқлигига ва ковлаши осон эканлигига, бу ер ўз ниятини амалга ошириш учун қулай эканлигига ишонч ҳосил қилди.

- Фортунато! Анави катта тошининг олдига бориб тур.

Унинг буйруғини бажарган Фортунато илтижоси тиз чўкди.

-Ибодат қил!

-Ота! Отажон! Мени ўлдирманг!

-Ибодат қил! - ҳайқирди Матео, газаб билан.

Бола дудуқланганича ҳиққиллаб «Pater» ва «Credo» дуоларини ўқиди. Ҳар бир дуонинг охирида отаси қатъий оҳангда «омин» деб турди.

- Билган дуоларингни ҳаммаси шуми?

-Отажон! Мен яна «Ave Maria» ва ҳолам ўргатган литанияни биламан.

-Улар жуда ўзун дуолар... Майли, ўқийқол.

Бола литания дуосини тугаллар экан овози бутунлай сўниб қолди.

-Тугатдингми?

-Отажон! Раҳм қилинг! Мени кечиринг! Энди ҳеч қачон бундай қилмайман! Жаннеттони авф қилишини капорал амакимдан ялиниб сўрайман.

Бола ҳамон алланималарни деб гудранарди. Матео милтигини мўлжалга оларкан, «Сени Худонинг ўзи кечирсин!» деб қўйди.

Фортунато жон-жаҳди билан сапчиб туриб, отасининг тиззаларини қучмоқчи бўлди, аммо улгурмади. Матео тепкини босди, бола жонсиз ҳолда йиқилиб тушди.

Матео ўглининг жасадига қайрилиб ҳам қарамай, гўр қизигани белкўрак олиб келиш учун сўқмоқдан уйи томон йўл олди. Бир неча қадам юриб улгурмай, ўқ овозидан хавотирланиб югуриб келаётган Жузеппага дуч келди.

- Нима қилиб қўйдинг! - қичқирди аёл.

-Адолат қарор топдирдим!

-У қаерда?

-Жарликда. Уни ҳозир кўмаман. У насроний сифатида, имони ўзида кетди. Унинг хотирасига жаноза ўқиттираман. Куёвим Теодор Боянкага одам юборинглар, бизникига кўчиб келсин...

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. Ўзбекистон. 1997. 257 бет.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т: Шарқ НМК, 1999.
3. Азнаурова, Э.С. Прагматика художественного слова Текст. / Э.С. Азнаурова. Ташкент: Фан, 1988. - 121 с.
4. Апресян Ю.Д. Дейксис в лексике и грамматике и наивная модель мира // Семиотика и информатика. 1986, вып. 28.-с.5-33.
5. Апресян Ю.Д. Прагматическая информация для толкового словаря Текст. // Прагматика и проблемы интенциональности. М.: Ин-т языкознания АН СССР, 1988. - С. 7-44.
6. Арнольд, И.В. Импликация как прием построения текста и предмет филологического изучения // Вопросы языкознания, 1982.- №4.-С. 83-91.
7. Арутюнова, Н.Д. Истоки, проблемы и категории прагматики. // Новое в зарубежной лингвистике. М.: Прогресс, 1985. - Вып. XVI: Лингвистическая прагматика. - С.3-42.
8. Арутюнова, Н.Д. Типы языковых значений: Оценка. Событие. Факт.- М.: Наука, 1988. - 341 с.
9. Бабенко, Л.Г. Лингвистический анализ художественного текста. Екатеринбург: Изд-во Уральского ун-та, 2000. - 533 с.
10. Бакиева Г.Х. Лингвистические основы анализа художественного текста. Автореф. дисс. докт. Филол.наук. –Т.:УзГУМЯ,1993. - 46 с.
11. Багдасарян В.Х. Проблема имплицитного (Логико-методологический анализ). / Отв. ред. Г.А. Геворкян. Ер: Изд-во АН Арм. ССР, 1983.- 138с.
12. Баранов, А.Г. Текст в функционально-прагматической парадигме. Краснодар: Кубанский Госуниверситет, 1988. - 90 с.
13. Бархударов, Л.С. Язык и перевод. М.: Международные отношения, 1975. - 240 с.
14. Барченков А. А. Прагматическое содержание текста и его передача при переводе // Общие и частные проблемы теории перевода. Сб. научн. тр. – М., 1989.
15. Безменова, Л.Э. Функционально-семантические и прагматические особенности речевых актов Текст.: автореф. дис. . канд. филол. наук. Самара, 2001. - 18 с.
16. Бердникова, Л.П. Некоторые особенности прагматики перевода английского художественного текста. // Некоторые проблемы словосочетания и предложения: межвуз. сб. науч. трудов.-Пятигорск: ПГЛУ, 2002. с. 12-24.
17. Богданов, В.В. Речевое общение: прагматические и семантические аспекты. Л.: Изд-во ЛГУ, 1990. - 88 с.г
18. Бурлакова В.В. Дейктические категории в тексте.// Предложение и текст: семантика, прагматика и синтаксис.- Л.: Изд-во ЛГУ, 1988. с.85-88

19. Булыгина, Т.В. О границах и содержании прагматики // Изв. АН СССР, Серия лит-ры и языка, 1981. Т.40. - № 4. - С. 1839.
20. Бушуй Т.А. Лексическая прагматика как общелингвистический объект. // Хорижий тил таълимининг когнитив-прагматик тамойиллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2007. - 18-20 б.
21. Ванников Ю. В. Понятие адекватности текста и типы адекватности перевода // Уровни текста и методы его лингвистического анализа: Сб. статей / под ред. Ю. В. Ванникова. – М., 1982.
22. Вежбицкая А. Сопоставление культур через посредство лексики и прагматики. – М.: Языки славянской культуры, 2001. - 272 с.
23. Виноградов, В. С. Лексические вопросы перевода художественной прозы. М.: Изд-во МГУ, 1978. - С. 174 с.
24. Виноградов, В.С. Перевод. Общие и лексические вопросы. М., 2004. - 240 с.
25. Влахов, С., Флорин С. Непереводимое в переводе. - М.: Межд. отношения, 1980. 352с.
26. Воркачев, С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической проблемы в языкознании // Филологические науки. - М., 2001.
27. Гальперин, И.Р. Текст как объект лингвистического исследования М.: Едиториал УРСС, 2004. - 144 с.
28. Гак Г.В. Прагматика и языковое варьирование. В кн.: Гак В.Г. Языковые преобразования. – М., 1988. с.554-586.
29. Горохова С.И. Фрейм-подход к описанию процесса порождения речи. // Речевое общения: цели, моивы, средства. М., 1985. с.89-102.
30. Грейдина, Н.Л. Взаимодействие вербальных и невербальных средств в коммуникативном акте Текст.: Автореф. дис. . канд. филол. наук. Пятигорск, 1996. - 16 с.
31. Гудков Д. Б. Некоторые особенности функционирования прецедентных высказываний . // Вестник Московского университета. Сер. 9. Филология. 1997. - № 4. - С. 106—117.
32. Дейк Т.А. ван. Вопросы прагматики текста. Текст. / Т.А. Ван Дейк // Новое в зарубежной лингвистике. М.: Прогресс, 1978. - Вып. VIII: Лингвистика текста. - С.259-336.
33. Демьянков, В.З. Прагматические основы интерпретации высказывания. // Известия АН СССР. Серия лит-ры и языка. 1981. Т.40. - № 4. - С. 368-377.
34. Дмитриева, М.М. Семантико-прагматические и стилеобразующие характеристики экспрессивных единиц языка Текст.: автореф. дис. канд. филол. наук. Нижний Новгород, 2000 - 16 с.
35. Долинин, К. А. ИмPLICITное содержание высказывания Текст. / К. А. Долинин // Вопросы языкознания. 1983. - № 6. - С. 37 - 47.
36. Дудина, Т.Б. Прагматическая характеристика текста и его лингводидактическая направленность // Проблемы лингвистического анализа

текста. Коммуникативно-прагматический аспект. Иркутск: ИГПИИЯ, 1990.- С. 5-10.

37. Жура В.В. Эмоциональный дейксис в вербальном поведении английской языковой личности. Автореф. дисс. Канд. Филол. наук Волгоград: ВГПУ, 2000. -24 с.

38. Казакова, Т. А. Практические основы перевода. English <=> Russian.. СПб.: «Издательство Союз», 2001. - 320 с.

39. Кара-Казарьян, Т.В. Влияние референциальной соотнесенности на прагматическое значение идиом и антропоцентричных экспрессивов Текст.: автореф. дис. . канд. филол. наук / Т.В. Кара-Казарьян. Пятигорск, 2001.- 17 с.

39. Карасик В.И. Язык социального статуса. М.: Институт языкознания РАН, 1992. - 330 с.

40. Кифер Ф. О роли прагматики в лингвистическом описании // Новое в зарубежной лингвистике. М.: Прогресс, 1985. -Вып.16: Лингвистическая прагматика. - С. 333-348.

41. Комиссаров, В.Н. Лингвистика перевода.. М.:1990. Международные отношения, 166 с.

42. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение М.: ЭТС, 2004. - 424 с.

43. Комиссаров В. Н. Прагматические аспекты перевода // Сб. научн. тр. МГПИИЯ им. М. Тореза. – М., 1982, вып. 193.

44. Коралова А. Л. Передача образности в переводе как прагматическая проблема // Прагматика языка и перевод. Сб. научн. тр. – М., 1982.

38. Кунин А.В. Фразеология современного английского языка / А.В.Кунин. М.: Высш. шк., 1996. - 380 с.

45. Кухаренко В.А. Типы и средства выражения импликации в английской художественной речи (на материале прозы Э.Хемингуэя) // Филологические науки. М., 1974. - №1

46. Левковская Н.А. Прагматическая установка текста и прагматическая установка адресанта // Коммуникативные единицы языка: структурные, семантические, прагматические аспекты. М., 1990. -С. 125-130.

47. Лисоченко Л.В. Высказывания с имплицитной имплицативной семантикой в дискурсе: (языковой, логический и прагматический аспекты). Таганрог, 1993. - 326 с.

48. Лузина Л.Г. Распределение информации в тексте: когнитивный и прагмалингвистический аспекты. М., 1994. -175 с.

49. Макаров М.Л. Коммуникативная структура текста.-Тверь, 1990.- 130 с.

50. Маров В.Н. Прагматико-стилистическая характеристика речи партнеров коммуникации. // Сборник науч. трудов: Прагматика и стилистика текста. Алма-Ата: КазГУ, 1988. - 173 с.

51. Наер, В.Л. Прагматика текста и ее составляющие // Сб. науч. трудов. Вып. 245. -М., 1985.

- 52.Нахимова, Е. А. Прецедентные имена в массовой коммуникации :монография. -ГОУ ВПО «Урал. гос. пед. ун-т» ; Ин-т социального образования. Екатеринбург, 2007.-207 с.
- 53.Нойберт А. Прагматические аспекты перевода // Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике. – М.,1978. – 185-202с.
- 54.Нурмонов А., Хакимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши.// Ўзбек тили ва адабиёти, 2001,4-сон.-54-58 б.
- 55.Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. М., 1986. С. 22–129.]
56. Падучева, Е.В. Прагматические аспекты связности диалога // Изв. АН СССР. 1982. - № 4. - С. 305-313.
- 57.Панина Н.А. Имплицитность языкового выражения и ее типы.// Сб. научных трудов. КГУ, 1979. - С.48-59.
- 58.Петелина Е.С. Прагматические особенности высказываний положительной оценки Текст.: автореф. канд. дис. Пятигорск: ПГЛУ, 1986.- 16 с.
- 59.Пирогова Ю.К. ИмPLICITная информация как средство коммуникативного воздействия и манипулирования // Проблемы прикладной лингвистики. М., 2001. - С. 209-227.
- 60.Почепцов, Г.Г. Прагматический аспект изучения предложения (к построению теории прагматического синтаксиса) // Иностранные языки в школе. М., 1975. - №6.
- 61.Почепцов Г. Г. Прагматика текста // Коммуникативно - прагматические и семантические функции речевых единств: изд-во Калинин. гос. ун-т. – Калинин, 1980. – с.5-10.
62. Почепцов, Г.Г. Теория и практика коммуникации Текст. / Г.Г. Поцепцов.-М., 1998.-387 с.
- 63.Рахимов С. Речевая коммуникация и проблемы дейксиса в разносистемных языках.-Т.: Фан, 1989. -119 с.
- 64.Райхштейн А.Д. Национально-культурный аспект интеркоммуникации//Иностранные языки в школе. - №6. - 1996.
65. Сальникова, О.Е. Комбинированные речевые акты в англоязычном дискурсе (функционально-семантический и лингвокультурологический аспекты) Текст.: автореф. дис. . канд. филол. наук -М., 2003.- 19 с.
- 66.Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. Тошкент, 2008.- 285,б.
67. Сгалл, П. Значение, содержание и прагматика // Новое в зарубежной литературе М.: Прогресс, 1985. - Вып. 16: Лингвистическая прагматика. - С. 67-103.
- 68.Серль Дж. Косвенные речевые акты. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып.17.М.: Прогресс, 1986. С. 195-222.
69. Серль Дж. Основные понятия исчисления речевых актов Текст. // Новое в зарубежной лингвистике. М.: Прогресс, 1986.-Вып. 18.-С. 242-263.

70. Соколов, А.Н. Прагматические аспекты перевода метонимии в поэтических текстах Текст.: автореф. канд. дисс. / А.Н. Соколов. Тюмень, 2004.-24 с.
71. Солодуб, Ю.П. Теория и практика художественного перевода М.: Академия, 2005. -304 с.
72. Степанов, Ю.С. В поисках прагматики (проблема субъекта) // Известия АН СССР, Серия литературы и языка, т.40 . -М., 1981.- №4.-С. 330-331.
73. Столнейкер, Р.С. Прагматика. Текст. // Новое в зарубежной лингвистике). М.: Прогресс, 1985. - Вып. 16: Лингвистическая прагматика. - С. 429-438.
- 74.Страхова В.С. Особенности функционирования прецедентных имен в художественном тексте (на материале романа Т. Толстой «Кысь») // Вестник МГЛУ. Язык и культура: Сб.науч.тр., вып.510. М., МГЛУ, 2006.
- 75.Сусов, И.П. Коммуникативно-прагматическая лингвистика и ее единицы // Сб. науч. тр.: Прагматика и семантика синтаксических единиц-Калинин: Изд-во КГУ, 1984. С. 3-12.
76. Сусов, И.П. Семантика и лингвистическая прагматика. В кн.: Язык, дискурс и личность. –Теврь: Изд-во Теврского университета, 1990. С.125-133.
77. Федоров, А.В. Основы общей теории перевода (Лингвистические проблемы). СПб: СПбГУ, 2002. - 416 с.
- 78.Федорюк, А.В. Функционально-прагматические аспекты фразеологических интенсификаторов в современном английском языке Текст.: автореф. канд. дисс. Иркутск, 2002. - 20 с.
- 79.Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. ДДА. Тошкент, 2001.-39 б.
80. Шанский, Н.М. Лингвистический анализ художественного текста. Ленинград: Просвещение, 1990. -415 с.
- 81.Шаховский В.И.,Жура В.В. Дейксис в сфере эмоциональной речевой деятельности. // Вопросы языкознания, 2002, №5.- с.38-56.
- 82.Шевченко, А.И. Прагматическая обусловленность номинаций невербальных компонентов коммуникации в англоязычном художественномтексте. Автореф. канд. дисс.. Киев, 1987. - 23 с.